


Алижон АЗИЗОВ



СҮНМАС ЮЛДУЗЛАР



Kitob shu yerdagi ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilgan holda topshirilishi shart


12.11.2023

84 6844

А.И. Азизов

Сўнмас

юлдузлар



АЛИЖОН АЗИЗОВ

СЎНМАС ЮЛДУЗЛАР



«АРЖУМАНД МЕДИА» нашриёти

Ўзбекистон давлат сан'ат ва
маданият институти
Farg'ona mintaqaviy filiali
№ inv № 6844

НАМАНГАН - 2020



УЎК: 821.512.133-9

КБК: 84 (5Ў36) 7

А-14

Улуғларимиздан бири «Истеъдод – инсонга эмас, ўзгаларни бахтиёр қилиш учун берилади», - деган эканлар. Ушбу китобда ана шундай истеъдодларни исми-шарифи олдига «буюк» сўзини ёзиладиган санъаткорларимиз ва бу оламдан ёш кетган мангу барҳаёт ҳамюртларимиз ҳақидаги хотиралар жой олган. Уларнинг ҳаёти ёшлар учун ибрат мактабидир.

ISBN – 978-9943-6510-8-1

© Алижон Азизов

© «Аржуманд медиа» нашриёти

СЎНМАС ЮЛДУЗЛАР ЁҒДУСИ

Ўзбекистон халқ артисти Маматхон Убайдуллаевни яхши танир эдим. Қайда рўбарў келсак, вақт имкон бергунга қадар суҳбатлашиб турар эдик. Шунда кўп марта эътибор берганман: бу инсон туғилиш эътибори билан фақат актёр бўлишга яратилгандек эди: қадду баста келишган, овози куюк, шижоатли, истеъдоди, маҳорати юксак. Хонлар, подшоҳлар, йирик ташкилотларнинг раҳбарлари сиймолари айнан Маматхон акамизга мўлжаллаб ёзилгандек. Масалан, Ҳамза Ҳакимзода “Бой ила хизматчи” ни ёзар экан, хаёлидан: “Солиҳбойни энди Маматхон Убайдуллаев деган актёр келади-ю, етказиб ўйнайди”, деган фикрini ўткизган ва кўнгли хотиржам бўлган.

Ёки Ўзбекистон халқ артисти Собир Раҳмонийни эслайлик... Устоз ҳар томонлама чуқур билимлар эгаси, мулоҳазали, мушоҳадали, теран қалбли одам эдилар. Айни чоғда бу одам саҳнада пайдо бўлиши билан залда расмана гуррос қаҳқаҳа кўтариларди: ҳар битта ҳаракати, ҳар жумлани айтиши бир ўзгача қизик, жозибали, ёқимли. Бундай санъаткор билан учрашувдан кейин кўнглингизда ғубор қолмайди, руҳингиз юксаради, қалбингиз неқбин туйғуларга тўлади.

Собиржон Соҳибов. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Ўзбекистон Миллий Академик театри, Муқимий номидаги театрларни назарда ўтқизсак, зиёли олимлар, шоирлар, шифокорлар, яна райком, обком аталмиш даргоҳларнинг раҳбарлари сиймолари учун Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Раззоқ Ҳамроевдан кейин Собир акадан муносиброқ актёр йўқдек. Бор, лекин Собиржон Соҳаббоб даражасида лойиқ эмас.

Бу актёрнинг катта-катта кўзлари фикрчан, ўйчан, ҳатти-ҳаракатлари салобатлик, овози куюк, шошилмай, нуқта-вергулини, ургусини жой-жойига қўйиб сўзларди.

Боки сўз. Парвардигор берган ёрқин истеъдодини тарбия қилиб мукамал маҳорат даражасига етқизган, санъатимиз равнағи йўлида не бир эзгу ишлар қила олган ҳар битта йирик санъаткоримизнинг инсоний фазилатлари, ҳаёти, ижодий тажрибаси, изланиш ва топмишлари ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Мукаррама Азизовани оласизми, Уста Рўзиматхонними, Ҳабиба хоним, Камоллиддин Раҳимов, Ўринбой Нуралиевми, булар ҳам забардаст санъаткор эдилар, ҳам шахсий кўлами кенг, бой, теран инсонлар эдилар.

Шу жиҳатдан олганда, санъатшунослик фанлари номзоди Алижон Азизовнинг “Сўнмас юлдузлар” китобини муҳтарам салафларимиз ҳаёти ва ижодини ёритиш йўлидаги жуда муҳим уриниш дея қабул қилиш, фақат қутламоқ, кўллаб-қувватламоқ даркор.

Яхшилиги, муаллиф ўзи қаламга олган ижодкорларнинг кўпчилиги билан шахсан таниш экани, кўп марта мулоқотлар қилгани, уларнинг санъатидан баҳраманд бўлганидир. Демак, улар ҳақидаги хотира ва мулоҳазаларни қоғозга қайд этмоқ битта санъатшунос олим ва мураббий сифатида унинг вазифаси, бурчи эди ва ушбу бурч бугун ўталди ва бунинг учун Алижон Азизовга самимий таппаккурлар билдирамиз.

Айтилмаган сўз эшитилмайди. Таассуфки, кўпчиликка маълум бир ҳақиқат бор: кейинги пайтлар зарур ва муҳим сўзларни айтилса ҳам эшитмаслик такомил бўлди, бошқача айтганда, муайян соҳа бўйича битилган китоблар, рисоаларни шу соҳанинг бўлғуси мутахассислари ҳам ўқимайдиган бўлиб қолдилар.

Бу мутлақо тоқат қилиб бўлмас ҳолдир!

Бу ўз хунари, соҳаси, санъати тарихини, ўтмиш санъаткорларининг ижодий тажрибаларини билмаган, ўзлаштирмаган чала мулла, чала савод дилетантларни кўпайишига олиб келади ҳолос.

Шунинг учун, ёшларимизга мурожаат қилиб, таъкид устига таъкид билан айтмоқчимиз: “Сўнмас юлдузлар” га ўхшаган китобларни албатта ўқинг, улар Сизнинг столингиз устида турадиган китобга айлансин.

Муаллифга билдирадиган таклифимиз эса ушбундир: бу борадаги изланишларни давом эттирсалар, ижоди бу китобда баён этилган устозларнинг ҳақидаги мақолалар янги маълумотлар, шарҳлар билан тўлдирилса, бундан ташқари китобга кирмай қолган азиз инсонлар - ўтган асрнинг биринчи ўн йиллигида яшаб ўтган Собир Охун, Рўзи Охун каби созандалар, раққос ва цирк артисти Ҳамдам Ҳайдаралиев, кизиқчилар Ғофиржон Мамаюсуфов, Мамарайим кизик, Қозон ҳожи ва бошқа ижодкорларга ва айниқса бугун кўзи тирик санъаткорлар Ёқуб Аҳмедов, Ҳадя Юсупова, Зулайҳо Бойҳонова, Мирза Азизов, Алишер Файз, машҳур драматурглар Абдулла Жаббор, Нурилло Аббосхон каби фахру ифтихоримиз бўлган устозларнинг ижодлари ҳам ўрганилса ва янги бир китоб тузилса, аини муддао бўлур эди.

Дўстимизга ва ҳаммамизга янги китоб муборак бўлсин!

Лутфулло Маҳмуд



МАРИЯ КУЗНЕЦОВА (1899-1956)

Ўзбек театри тарихида чуқур из қолдирган ўзбек профессионал театрининг биринчи актрисаларидан, фидойи санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти (1939) Мария Кузнецова қабрига ўрнатилган ёдгорликда куйидаги тўрт сатр шеър ўйиб ёзилган.

*Рус қизи безатди ўзбек сахнасин,
Санъатга бағишлаб бутун умрини
Хар бир санъаткор ҳам шундай яшасин
Ҳеч қачон унутмас мухлислар уни.*

Дарҳақиқат, шундай. Мария Александровна Кузнецова 1899 йили Наманганда ишчи оиласида туғилди. Мария болалигидан ўзбек қизлари билан маҳалладаги отинойи, кўлида эскича таҳсил кўриб, бирга ўйнаб, ўзбек тили, адабиёти ва санъатига меҳр қўяди. Миллати рус бўлсада, ўзбек халқининг ҳаёти, тили, урф-одати ва санъатини мукамал билган. 1918 йилда бир гуруҳ илғор зиёлилар томонидан ташкил этилган драма тўғрарида иштирок эта бошлади. Қариндош уруғларнинг таҳқирлаши, мутассибларнинг дўқ пўписаларидан қўрқмай сахнага чиқди. “Нафиса” номли спектаклда бош ролни ўйнади. Ўша йили Ҳамза Ҳакимзода ноили спектаклда келади ва Мария у билан танишиб унинг ўлка сайёр гуруҳисига ишга қиради. Иложсизликдан хотин-қизлар ролларида эркаклар чиқиб юрган бир маҳалда гуруҳисига Мария Кузнецованинг келиб қўшилиши фавқулотда муҳим воқеа бўлди. Ҳамзанинг “Ифбат курбонлари” фожиасидаги Жамила ролида чиқади. Бу бир синов эди. Ҳамза уни тинимсиз машқ қилишга даъват этди. Ҳаётни танитди, оғир-ғоявий жихатдан чиникди. Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи”, “Фаргона фожеалари” трилогияси “Тўхматчилар жазоси” ва “Ким тўғри” комедияларида бош ролни ўйнаб актёрлик маҳорати ўсди. Актриса 1921-25 йиллари Кўкон театрида ишлади. 1929 йилдан Ўлка давлат намуна драм гуруҳисидан кейинчалик ҳозирги ўзбек миллий академик театрига ўтиб ўз ҳаётини ушбу отахон театр билан маҳкам боғлайди.

Мария Кузнецова Ҳамза ноили академик драма театрида ўзбек актёрларининг ахил жамоасида йил сайин ижодий камол топиб боради. Антонина “Исён”, Мария Панзиловна “Портфелли киши”, Софья Андреевна “Менинг дўстим”, Ксеула сюния “Интервендия”, Мишлерхоним “Макр ва муҳаббат”, Кумушбиби “Икки коммунист” ролларида актриса ўз мавзуи, ўз услубини белгилай бошлади.

1938-1839 йиллар Мария Кузнецова ижодида камолотдан нишона берган энг баракали йиллар бўлди.Хожи она, Мелонья ва Майсара каби бакувват образлар яратди.

Қизиғи шундаки, Мария Кузнецова бари бир ўзбек халқи ҳаётини яхши билар шу боис у гавдалантирган ўзбек аёллари шундайгина ҳаётдан сахнага чиққандай тасаввур қолдирар эди. Абдулла Қаххорнинг “Шохи сўзона” 1952 ва “Оғриқ тишлар” 1954 комедияларида актриса ҳаётининг сўнгги йилларида яратган Холниса, Зухра образлари бунга яхши мисол бўла олади.

Мария Кузнецова Холниса роли устида иштиёқ билан ишлаган. Чунки комедиянинг ўзидаёқ меҳр билан чизилган ушбу образ актрисага ҳаётийлиги билан манзур бўлган. Роль устида ишлаш жараёнида ва ундан кейин ҳам актриса образининг ҳаётийлигининг янада кучайтириш мақсадида янги-янги ҳаракатлар, интонация-оханглар излаб топган.

Зухро образи драматург томонидан у қадар пухта ишланмаган эди. Лекин спектаклда образ Мария Кузнецованинг махорати туфайли юксак мазмун касб этди. Зухра – М.Кузнецова аёлида дилидаги тилида, ширинсўз, одамижон аёл, лекин юлғич, беномус одамларни кўрганида тилидан захар томади. Чунки унинг фикру-зикри ўзгалар мушқулини осон этиш, дардига малҳам бўлиш, жамиятга фойдали иш қилишдир. Иш боис ёмонлар уни кўрганда типирчилаб тинчини йўкотади. Оиласи чайқовчи Фотимани жияни Марасулни хар қадамда фош қилади, маиший бузуқ, мансабдор Заргаровни кўпчилик олдида “Кўш хотинли Худоёрхон” деб шармандасини чиқарди. Марасул ваъдаларига учиб алданган Насибада ўз кучига ишонч қатъият ҳосил қилади.

Акулина Ивановна “Мешчанлар”, Очудаева “Сепсиз киз”, “Айбсиз айбдорлар” драмасида яратилган Галчиха образи бамисоли Акулинанинг давомидай бўлди. Акулина пинхон, Галчиха-ошқора ёвуз. Муқимий театрида яратган Майсара “Майсаранинг иши” сингари характерли хажвий образлари ўзига хос ижро услуби қахрамонлар ички дунёсининг чуқур ва ёрқин ифодаси, ҳаётийлиги ва маиший бўёқларга бойлиги билан ажралиб туради. Мария Кузнецова 1956 йили 20 январда Тошкентда вафот этди. 2001 йили Ўзбекистон Президенти фармони билан “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланди.



МУҲАММАДЖОН ДЎСТМУҲАММЕДОВ (1894-1950)



Юксак махорат соҳиби, Ўзбекистон халқ хофизи Мухаммаджон Дўстмухаммедов 1894 йили Чуст шаҳрида қосиб оиласида таваллуд топадилар. У кишининг Чустдаги хазратлари Мавлоно Лутфиллох мадрасасида тахсил олганлари, илму-маърифатга муҳаббатини кучлилиги ҳамда диний билимларни, мумтоз шариатимиз айниқса тасаввуф адабиётини

қисми биланларини таъкидлайдилар.

Мухаммаджон Чустда яшар экан Аҳмад Яссавий, Бедил, Жалолдин Румий, Алишер Навоий, Сўфи Аллоёр, Бобораҳим Машраб байтларини турли охангларда ўқий олиш, шеър мазмунини тўла, тасвирган бир тарзда етказиб беришдан парвардигор ато этган кибилитлари билан эл оғзига тушган, “Хофизхон” деб ном таратган эди. Унинг шухрати Наманган шаҳрига ҳам етиб келди, бу ердаги хос кибилитларга, жума намози кунлари бўлиб ўтадиган ўқишхонликларга уни таклиф эта бошлайдилар.

Шунингдек Мухаммаджон ҳаётининг гоҳ Чустга, гоҳ Наманганда ўтган ана шу даврларида шу икки шаҳарлик номлари бизга номаълум бўлган устозлардан мақом йўлларини, халқ ашулаларини, созандалик махоратини пухта ўзлаштирган.

Октябр инқолобидан кейин хофиз Наманган шаҳрида ташкил этилган ёшлар ансамбли, Чуст колхоз-савхоз театри ва бошқа жамоада фаоллият кўрсатди, концертларни, анжуманлар, байрамлар, давраларни обод қилиб юрди. Таниқли хофиз Абдулла Тароқчи, Тошмирза Мехтор, Рузниматхон Исабоев ва бошқалар билан ҳамкорлик қилди, билмаганини ўрганди, етук хофиз мақомига етди. 1936 йилдан бошлаб эса бир муддат Муқимий номли Давлат мусиқа драма театрида, Тошкентдаги бошқа жондий театрларда меҳнат қилди. Кўп ўтмай яна Наманганга қайтиб келди.

Хофиз Мухаммаджон машхур қаноллар қурилишида, фронт орасида, ҳаракатдаги фронтда концертлар берган санъаткорлар сафида бўлди. Генерал Бондаренко томонидан берилган “Ташаккурнома” да айтилишича, санъаткорлар 1943 йил 13 сентябрдан октябргача жанглар орасида 17 та концерт берилган. Урушдан кейин хофиз Фарход электр станциясининг қурилиши қатнашчиларига сидқидилдан хизмат қилган эди. Шу қурилиш бошқаруви томонидан нашр этилган “Халқ

курулиши” га газетасида (1946 йил 19 февраль) у ҳақдаги мақолада шундай дейилади.

“Наманган областининг колхозлари ўрток Дўстмухаммадовдан миннатдорлар ва уни иззат-хурмат қиладилар. Колхозчилар ўрток Дўстмухаммедовнинг ёлғиз танбурда айтган ашулаларини марок билан тингладилар. Айниқса унинг “Қандингни ур”, “Наманган”, “Намангоним ўзинг”, “Шаҳримиз нурга тўлди” ашулалари ёқимли бўлиб, уни ҳар ким қайта-қайта эшитгиси келади.”

Хукумат хофизининг хизматларини муносиб тақдирлади. Унинг сув тизими қурилишида фаол иштироки, Олий Кенгашнинг “Фаҳрий ёрлиғи”, фронт концерт бригадаси билан бориб, аскарларимизга кўрсатган хизматлари, ҳарбий кўмондонликнинг ёрликлари, тапаккурномалар билан тақдирланган. 1946 йилнинг 28 сентябрда эса Мухаммаджон Дўстмухаммедов “Ўзбекистон халқ хофизи” унвонига сазавор бўлди.

Бу хонанда устозларидан олиб қолган ноёб ашулалари мавжудлиги, ашула йўлида кета туриб беқиёс гўзал хонишлар топа билгани, нимпардаларда ошиқ юракнинг хазин-хазин хасратларини жойлай олгани билан кадрлидир. Академик Юнус Ражабий халқ ашулаларини йиғиб ноталаштириш, китоб холига келтиришга киришар экан Наманганга келиб шу ерда, кейин Тошкентда Мухаммад Дўстмухаммедовдан олтимишга яқин ашулани ёзиб олгани маълум.

Хофиз яшаган даврда бўлиб ўтган ҳамма олағовурлар, сиёсий, ижтимоий бўхтонлар, хиёнат, соғув, катагон, қотилликлар бу ўрмони бутун инсон эътиқодига раҳна солгани йўқ. Бу жиҳатлари билан хофиз энг мушкул замонларда ҳам динимиз тарғиботи билан шуғулланган, яширин хужралар ташкил этиб, болаларга парвардигор каломини ўргатган Наманганлик собит иймонлардан бири сифатида хотирамизда абадий қолади.



ЖАМОЛХОНҚОРИ (1906-1942)

Санъат бобида табиат – устоз! Унд санъаткорларга насиб этгани каби бу ҳаётимиз Ўзбекистон халқ хофизи Ж бўлган эди.

Гўзаллик! Бу туйғунинг ибтидоий табиат оғлиғ ҳаёт суви оқиб туради. Чу оламнинг тарихи ҳам ана шу гўзаллик – санъат.

Аслида ҳам бу рўйи заминда гўзал қояда қад, салобат чиройли замин де сочлари оқ тоғлар чиройли; кўклам чи шовуллаган боғлар чиройли; чўл хавоси мангу ботқоқ ҳадсиз анғиз, сувсиз қумла чиройли...

Ана энди бу гўзаллик, бу чиройл думбиранинг садосини индириб кўрин узюкларда бури увиллайди (аслида буруни оёқларини баланд кўтариб, ойга интиль кишнаши оламни тутиб кетгандек бўлади; вовуллашлари, тоғдаги бедазордан қайтаё жимлик. Сукунат. Аммо ана шу суку шивири тинмайди: оёқ остида чумоли, дағ урулиб оқаётган сой, шаббода шиви табиатнинг беором юраги уриб турганида бокий куй ичра мавжланади.

Шу жиҳатдан қараганда табиатнинг ў санъатга одамизод асрларки ошуфта, асрл йиғади.

Агарки, инсон санъатни ихтиёр эт кетиши керак. Ҳеч булмаганда санъаткор тараннум этиши лозим. Шу маънода, са айримлари тонг шаббодаси янғлиғ бир эс ҳеч қандай из қолдирмасдан ўтиб кел осмонида чақиндек пайдо булади, чанқо билан суғоради, қалбга ором беради ва узи, из қолдиради.

Жамол Ғиёсов ана чин истеъдод соҳиб 1906 йили Наманган вилоятин Қоратёпа кишлоғида тутилган эди. Отас

сафари бу қадар тез нихоя топмаганда у яна қай даражадаги улуг санъаткор мартабасига етарди, билмадик, аммо у шундоқ ҳам чинакам санаткорлик бобида устоз табиатдан ўзиб кетган эди.



Мукаррама Азизова шаҳридаги “Намуна” маҳалласида Азизова келди. Бўлажак истеъдоди ва эстетик ташланди. У дугонининг ўйинлар кўрсатишларида айтишни яхши кўриб ўқиб юрган пайтларга қатнашар, спектакл

Кейинчалик муаллимлик қила бошлади. Маълум дастаси раҳбари Рафиқ Мўминов бошчилигидаги қарамасдан тўгарак аъзолари билан атрофдаги Шинавандаларини ўз санъати билан мафтун қилди.

Мукарраманинг санъатга бўлган эҳтиёси хаваскорлик тўгаракларига фаол қатнашган эди. Ажойиб санъаткор бўлиб етишишидан дарак олди.

1928 йили Наманганга Москвадаги ўзбек ёшлар қабул қилувчи махсус комиссия келиши билан ўшар қатори ўз кўшиқлари билан кўрик Аммо ўша даврда ўн беш яшар қизнинг уйи шаҳарга келиши айниқса, бир сўзлик қайсар мушкул иш эди. Аммо Мукаррама ҳам бир сўз билан Москвага яширинча келади, у ўз танла Олимжон Қосимов деган йигитча ёрдам билан. Кейинчалик иккаласининг тўйлари бўлиб ўтди.

Мукаррама Москва драма студиясида тажрибали санъаткор-педагоглардан ритмик ҳаракатлари бўйича таълим олади. Асосий сирлари билан танишади. Билимга чанқоқ билимларини оширади. М.Азизова Москвада ташкил топган Наманган театрида ишлаб соҳиббаси театрда юздан орғиқ образлар яратиш санъатини ҳам эгаллади. Халқ орасида кизини отаси ҳам кечиради. Қизим, нима ҳақиқат артист бўлиш пешонангда борга ўхшайди. Мукаррама ўзини бутунлай эркин сезади берилиброк ишлайди.

Мукаррамахон Наманган театрида ишлаган йилларида юқорида айтганимиздек юздан ортик рол ўйнади. Булар орасида драматик ҳамда мусикали драма асарларидан образлар бор эди. Театрда асосан кўшиқчи ҳисобланган Мукаррамахон ўша даврларда драматик артистлар стипендияси сабабли хилма-хил драматик ролларда ҳам чиқарди. Ҳар бир ўзбек халқ кўшиғи ва ашуласи Мукаррамахон иштирокида жозибали жаранглар, тингловчиларда чуқур таассуротлар қолдирарди. Шу туфайли ҳамшаҳарлари ва бошқа кўшиқ ихлосмандлари уни “Наманган булбули” дейишарди. Унинг овози юмшқ тембрли, кенг диапазонга эга драматик сопрано эди.

М.Азизованинг репертуари, унинг драматик роллари сингари ниҳоятда бой ва хилма-хил бўлиб, бундан ўзбек халқ кўшиқ ва ашулалари, бастакорларнинг асарлари, қирғиз, уйғур, тожик халқ кўшиқлари ва мокомлар бор эди. Шулардан “Дўмбоғим”, “Алла”, “Диёрим”, “Дуторим”, “Пахтакор йигит”, “Бўстон этиб кет”, “Хануз”, “Келдим”, “Кўнгил берма”, “Доғман”, “Насихат”, “Хорманг”, “Кўргим келар” ва бошқа кўшиқларни хонанда завқ-шавқ билан ижро этарди. Мумтоз ашулалардан “Ирок”, “Чоргоҳ”, “Сегоҳ” лирик кўшиқлардан “Алла”, “Дуторим”, “Дўмбоғим” қабилар санъат пинавандаларида катта таассурот қолдирган ва улар қалбидан чуқур жой олган эди.

Мукаррама Азизова талантли хонанда, таниқли актриса бўлиш билан бирга ажойиб ташкилотчи Наманган вилояти А.Навоий номли мусикали драма ва комедия театрида ўнлаб ёш санъаткорларни тарбиялаб вояга етказган устоз санъаткор эди.

Мукаррама Азизованинг меҳнатлари муносиб тақдирланган. Меҳнат кизил байроқ, хурмат белгиси орденлари ва бир қатор медаллар билан мукофотланган. 1955 йилда эса Ўзбекистон халқ артисти фахрий унвони билан тақдирланган эди. У нафақат оиласи фарзандларининг балки, вилоятимизнинг қолаверса Республикаимизнинг фахри, ифтихори эди. Ўзбекистон радиосининг олтин фондида сақланаётган ўлмас кўшиқлар сўзимизнинг исботидир.

Мукаррамахон Азизова ижоди камолга етганда, 1964 йили 52 ёшида Наманганда вафот этди. Унинг ижросида айтилган кўшиқлар хали йиллар давомида дилдан-дилга кўчиб санъаткор учун рамзий хайкал бўлади. Унинг номи эса санъат ихлосмандларига қалбларида узоқ йиллар сақланиб қолади.

СОРАХОНИМ ЭШОНТЎРАЕВА (1911-1998)



Соракхоним Эшонтўраева ўзбек миллий санъатининг санъат оламидаги пешқадам намоёндаларидан биридир. Унинг ҳаёти Ўзбекистон миллий академик театри тарихи, қолаверса, республика маданияти тараққиёти билан ҳамбарчас боғланиб кетган. У анъанавий образ яратиш маҳоратини мукамал эгаллаган, ҳар қандай мураккаб характери ҳам ҳаққоний ярата оладиган чинаккам ижодкор актриса даражасига кўтарилди. Аммо, бу етуклик ва камолот, бу шухрат ва хурматга санъаткорлик, халққа халол хизмат қилиш йўлида кечган шарафли умр якунидир.

Соракхоним Эшонтўраева 1911 йили Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги Бешбулоқ маҳалласида таваллуд топди. Унинг отаси Парпибой ака қўл учидан кун кўрадиган камбағал дехқон эди. Қизи тугилмаёқ вафот этади. Онаси Ханифа опа хаддан ошган мухтожлик туфайли ўз фарзандини тирноққа зор қариндошлари Абдурахмон ака ва Робия опага топширишга мажбур бўлади. “Ғира шира эслайман-деб ҳикоя қилганиди Сора Эшонтўраева-эмаклар юрардим (икки ёшда, уч ёшда бўлганманми билмадим), ҳар куни бир аёл келиб, девордан мўлтираб қараб, кўзидан дув-дув ёш тўкарди. Мен унга қараб талпинардим, ўша шўрилик аёл онам экан” – бу хотира устоз мунаққид Мухсин Қодировнинг “Аёл қалби наққоши” мақоласида ҳам ўз аксини топган.

Соракхонимни бағрига олган оила ҳам охири мухтожлик, танглик жонидан ўтиб Тошкентга кўчиб боради. Оила Чилдухтарон маҳалласидаги Ёқуббой деган кишининг ташқи ховлисида жойлашади. Абдурахмон ака қоравуллик. Робия опа ичкарида чўрилик қила бошлади. Сора қиз Тошкентдаги Зебинисо номидаги қизлар интернатида таълим ола бошлади. 1923 йили 8 март куни Сора Эшонтўраева ҳаётида катта воқеа рўй беради. “Турон” клубида хотин-қизлар овозлигига бағишланган йиғилиш бўлиб, унда интернат драма тўғараги томонидан “Етим ва Етима” спектакли кўрсатилди. Сора етима ролида чиқади. У Етима ролида она қабрини кучоқлаб кўшиқ айтаркан, чинакамга ўқиб – ўқиб йиғлади. Тўғарак раҳбари Али Ардобус Сорани ўқишга киритишни кўнглига тугиб қўйганди. У ниҳоят қизни Москвада очилган ўзбек драма студиясида ўқишига кўндирди. 1925 йилнинг январидан ўн тўрт яшар Соракхон Уйғур, Етим Бобожонов,

Аброр Худояттов, Лутфилла Нарзуллаев, Шариф Қаюмов, Саъдихон Табибуллаев таълим олаётган Москва студиясига ўқишга қабул қилинади. У ерда Р.Симонов, В.Канцел, Н.Басов, И.Толганов, Я.Свердлинлар кўлида тахсил кўриши туфайли ўткир зехли, тиришқок айна чоғда қобилиятли Сорахон сахна санъати, актёр махорати асосларини ўзлаштириб олади. “Маликаи Турандот” да Адельма, “Ревизор”да Анна Андреевна ролида кўзга ташланади. Тошкентга қайтдиларда республика бўйлаб ижодий сафарга чиқиб ана шу томошаларни намойиш этдилар. Юртдошларига хисобот бердилар.

Москвада таълим олиб келган ёшлар ўзбек профессионал театрининг ўзагини ташкил этадилар, кейинчалик Ўзбекистондаги барча театрлар учун ибрат бўлиб қолган Хамза номидаги ҳозирги Миллий академик драма театрига асос солдилар.

Сора Эшонтўраеванинг бутун ҳаёти ҳам шу ерда, битта жамоада кечди. Аёллик бахтини шу ерда топди. Ўзбек санъатининг, миллатининг фахри – ифтихори бўлиши буюк актёр Аброр Худояттов билан турмуш курди – у киши ҳаётининг сўнгигача елкадош, сирдош бўлиб ижод қилди.


Сорахон театр деб аталган хонадонда бир қиз эди, кейин келин бўлди, бора-бора унинг чинакам соҳибасига айланди. Жамоанинг изланишлари, интилишлари, навбатдаги довонни забт этиб, навбатдаги кўрикни очиши, муваффақиятлари, омадсизликлари, хамма-хаммасида фаол иштирок этди. Шунинг учун қамоли ишонч билан айтиш мумкинки, Миллий театр англашиладики, бутун ўзбек театри топган микёс, нуфуз, эътирофда бу мухтарам инсоннинг ҳам улкан хиссаси бор. Гули, Жамила, Дилбар, Онахон, Хурият, Офелия, Катарина, Мохинбону, Сидзи, Айни, Хисси, Элизабет, Иокаста, Ойхонбиби каби опа яратган образларнинг ҳар бирига биттадан рисолалар ёзса арзийди.

“Театр учун дунёга келган” деган тавсиф ҳаммадан кўра опанинг ўзига муносиб. У ва театрининг ҳаётини ажратиб бўлмас, бу икки ҳаёт жисман ва рухан бир бирига қўшилиб яқдил, яквужуд бўлиб кетган эдилар. Опа бир қанча олий мукофотларнинг нишондори, Ўзбекистон халқ артисти, собиқ иттифок халқ артисти унвонларига сазовор бўлган эдилар.

Айниқса, Бешбулокдан нон қидириб, ёруғжон излаб Тошкентга келган ғариба, санъат даргоҳи билан илк учрашувдаёқ уни ўз билган, онасини топгандай қувонган, этакларини кўз ёшлари билан ювиб хасратини сўзлаган мазлума шу даргоҳ тупроғини кўзига тўтиё билиб умр ўтказди. Хаммага ҳам насиб этавермайдиган мунаввар толе топди. Умрининг сўнгида ушбу даргоҳнинг табаррук, талабчан, айничоғда шафиқи чорасиз онахони мақомини топди.

Етимадан бошлаган ижодий ҳаёти ўзбек миллатининг олийжаноб хонадонига мансуб улуғвор. Умрини баланд ва меҳридарё аёли – Ойхонбиби сиймосини яратиш билан яқунланди.

Сорахон Эшонтўраева 1998 йил 9 август куни Тошкентда оламдан ўтди. Вафотидан сўнг 2004 йили “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланди. Унинг ҳаёти қахрамонликнинг асл намунаси дир.





МУТАЛЛИБ АББОСОВ (1924-1982)

Муталлиб Аббосов 1924 йили Наманган шаҳрининг II-иттифок (Ориф Баққол) маҳалласида туғилди. Муталлибнинг отаси уста Аббос Аҳмадхўжаев кўли гул киши бўлиб, заргарлик, меъморлик ва бадиий наққошлик хунарлари билан Наманганда машхур эди. Шунинг учун ҳам уни хар доим “уста” деб хурматлардилар. Ёш Муталлиб доим отаси санъатини кузатарди. Падари бузруквори билан ҳамкорликдаги ишлар Муталлибда санъатга катта қизиқиш уйғотади. Келажакда эса отасидек уста бўлишдек эзгу мақсад унинг дилидан мустаҳкам жой олди. Ўзбекистон халқ рассоми М.Каримовдан таълим олади. Ўқиш тугагач у Наманганга қайтиб, Навоий номли вилоят театрида Ўзбекистон санъат арбоби А.В.Николаев (Уста Мўмин)га ёрдамчи рассом бўлиб ишлайди.

1942 йили у армия сафига чақирилиб иккинчи жаҳон урушида жанг қилди. 1947 йили армия сафидан қайтгач, театр рассоми вазифасида ишлаб бошлади. Театрнинг бош рассоми Турсун Абдуллаевнинг “Фарход ва Ширин”, “Тулсара”, “Тоҳир ва Зухра” спектаклларида чизган эскизлари асосида декорациялар ишлайди. Шу билан бирга ўзи ҳам мустақил равишда эскизлар яратди.

1948-1951 йилларда режиссёр Қудрат Хўжаев билан ҳамкорликдаги ижодий меҳнат ёш рассом учун ҳақиқий изланишлар даври бўлди. Чунки, унга “Навоий”, “Хамза”, “Майсарани иши”, “Тор-мор” каби спектакллари безаппдек масъулиятли аммо шарафли вазифа топширилди. У Тошкентга хизмат сафари билан келиб пойтахт спектакллари кўрар, таниқли рассом-декараторлар, халқ рассомлари Мели Мусаев, Хамидулло Икромов, А.Рифтин ва бошқа мутахассислардан ўрганди, маслаҳатлар олди.

Кейинчалик М.Мусаев билан ҳамкорликда “Алпомиш” спектаклига декорация ишлайди. Тажрибали, катта рассом билан ҳамкорликдаги ижод унга ижодий озуқа бериб, “Азиз ва Санам”, “Лайли ва Мажнун” каби мусиқали драма спектаклига мустақил эскизлар чизиб декорациялар ишлади.

1954-1959 йиллар М.Аббосов учун баракали ижод йиллари бўлди. Бу йиллар режиссёр Алберт Хачатуров билан ҳамкорликда Вильям Шекспирнинг “Отелло”, “Қирол лир”, Рабиндранот Тагорнинг “Ганг дарёсининг қизи”, Лермонтовнинг “Испанлар”, Ш.Родарининг “Чипполлино” каби масштабли томошаларни безайди. Бу спектакллар

устанинг ранг ва нурдан фойдаланиш, костюмлар танлашдаги билими ва ажойиб бадиий фантазияси борлигини исбот қилди.

Давр билан ҳамнафас рассом бошқа илғор мусаввирлар каби спектакл декорацияларини шартли хал қилишга ўтди. С.Тиллаев ва А.Исматуллаевларнинг “Тулжа устида нур” сахна асарига ишланган декорация бу борадаги биринчи синов бўлди.

1958, 1959, 1961 ва 1974 йилларда Республика рассомлар уюшмаси ва театр жамияти томонидан уюштирилган Республика кўргазмаларида ўз асарларни билан қатнашди. 1988 йил эса Навоий номли вилоят театрида ўзининг шахсий кўргазмасини уюштирди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон санъат арбоблари, истеъдодли ёш режиссёрлар Г.П.Ким, К.Юлдашев ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М.Асқаровлар билан муваффақиятли ишлаб “Алпомиш”, “Алибобо ва қирқ қароқчи”, “Қароқчилар”, “Вақт 24 соат”, “Анвар ва Раъно” каби кўпгина спектаклини безатди.

Наманган вилоят театри 1931 йили ташкил топиб ҳозирги кунгача 200 дан ортиқ спектакл сахналаштирилган бўлса, шулардан 120 таси М.Аббосов муйқалами билан безатилгандир. У бегаган спектакллар ичида миллий драматургиядан тартиб рус ва чет эл драматурглариининг шох асарларигача бор.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида мусаввирнинг юздан ортиқ спектаклларга ишланган эскиз ва қалам тасвир асарлари сақланади. Вақти-вақти билан зиёратчилар хукмига хавола этиб турилади.

1967 йили тасвирий санъатдаги бекиёс хизматлари учун унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” деган юксак унвон берилди. Бу унвон рассомга берилган бошқа орден ва медаллар қаторида энг ардоқлиси эди. Бу рассомнинг кўплаб шогирдларини янги-янги ижодий ишларга илҳомлантиради.

Муталлиб Аббосов 1982 йили Наманган шаҳрида вафот этди.





ЖЎРАХОН РАХИМОВ
(1942-2004)

*Кимгадир ёқар лола,
Ким атиргул шайдоси.
Мен учун райхон аъло,
Райхоннинг йўқ баҳоси.*

Шундай деб куйланувчи кўшикка куйлаганда Жўрахон Рахимов кўшик пинавандаларини ўзига мафтун қилиб оларди. Ўз кўшиклар орқали уларнинг дилларига эзгулик туйғуларини олиб кирган хонанданинг гўзал хонишларини мухлислар мароқ билан тинглардилар.

Жўрахон Рахимов 1942 йили халқимиз бошига кулфат тушган оғир йиллари таваллуд топди. Унинг болалиги кийинчиликда унинг қалбида гўзалликка, табиатга ва ҳаётга мухаббат уйғотди. Агар бирор жойда ашула янграгудек бўлса унинг охангига, ижрочининг куйлаш маҳоратига, овозига махлиё бўлиб, унга таклид қилишга ҳаракат қиларди. Онаси Қумрихон аяга уй ишларида ёрдам берар, бўш пайтларида Ўзбекистон халқ хофизлари Жўрахон Султонова, Маъмуржон Узоқов, Фоттохон Мамадалиев, Расул қорилар айтишган кўшикларни ўзича хиргойи қилиб юришни одат қилди.

Кўшикка бўлган меҳр уни Наманган шаҳар маданияти уйи мусиқа раҳбари, хонанда, бастакор Ваҳобжон Абдуллаев хузурига олиб келди. Жўрахон ўша пайтда 17 ёшда эди. Бу даргоҳда у ашула айтиш сирларини ўрганиш билан бирга, Тор чалиш билан ҳам астойдил шугуллана бошлади. Унинг ёқимли овози, бу овозда кишини ўзига тортиб оладиган дард борлиги уни чинакам санъат олимга олиб кирди. Уни Наманган вилоят Алишер Навоий номидаги мусикали драма ва комедия театрига ишга таклиф этадилар. Театрда у яққохон хонанда сифатида фаолият юрита бошлади. Танловларда иштирок этиш билан бирга спектаклларда ҳам қатнаша бошлади. Ҳаёт шу залда давом этарди. Лекин кунларнинг бирида унинг ҳаётида туб бурилиш бўлган бир вақеа юз берди.

Театр жамоаси концерт бераётган жойга Тошкентдан тапширф буюрган “Баҳор” халқ ракси ансамбли Муқаррамахоним Турғунбоева бошчилигида кириб келишди. Иттифоқо ўша пайтда Жўрахон Рахимов “Тановор” кўшиғини айтишга шайланиб навбатини кутиб турарди. У Муқаррама опани кўриб ҳаёжонланди. Буни сезган опанинг далда берувчи ишорасидан сўнг Жўрахон ашулани бошлайди. Концерт тугагач Муқаррама опа Жўрахоннинг ёнига келиб: “Овозинг яхши экан. Хохласанг Тошкентга бориб, биз билан ишла!” деганларини бир умр

миннатдорлик билан эслаб юрди. Шу воқеадан уч-тўрт йил ўтиб у Тошкентга келиб “Баҳор” ансамбилида, кейин эса Муқимий номи мусикали драма ва комедия театрида фаолият юритади. Бу санъат даргоҳларида анчагина ижодий камолотга эришди. Мумтоз ҳамда мақом йўлида айтиладиган ашулаларни кунт билан ўрганиб эл оғзига тушди. Халқ орасида машхур бўлди. Бир кун Ўзбекистон радиоси “Мақом” ансамблига хонандалар қабул қилиш учун танлов эълон қилганини эшитиб қолиб, ансамбл хузурига йўл олади.

Ансамблда устоз санъаткорлар Ориф Алимахсулов, Очилхон Отахонов, Орифхон Хотамовлар Жўрахон Рахимовни самимийлик ва очик юз билан кутиб оладилар. Жўрахон бу ерда мақомни ижро этиш сирларини ўтганди. Улар овозни қандай юритиш, ашула мазмунига мос равишда авжи ва паст пардаларда ижро этиш йўлларини ўқитдилар. Жўрахон мақом ашулаларини юракдан берилиб, маромига етказиб ижро этар, жозибали куйлаш билан ашула шинавандаларини хайратга солар эди.

Жўрахон Рахимов Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблида 20 йилдан ортиқ сидқидилдан фаолият кўрсатиб, мақом ашулаларини оханграбо тасмага туширишда фаол иштирок этди. У ўзи ҳам алоҳида мақом ашулаларини ижро этиб Ўзбекистон радиоси хазинасига тақдим этди. “Қашқарчай савти наво”, “Қашқарчай савти қалон” каби кўплаб дардли хонишлар шулар жумласидандир. У ўзининг жўшқин ижоди даврида шоирлар Муқимий, Чустий, Туроб Тўла, Абдулла Орипов каби кўплаб поэзиямиз сарбонларининг шеърлари билан дилкаш кўшиклар куйлаб халқимиз қалбидан жой олди.

Жўрахон Рахимов умрининг сўнги йилларида Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги ўзбек давлат филармониясида яққохон хонанда вазифасида ишлади. Куйлаш маҳоратининг чўққисига етганда, ижоди гуллаган бир паллада ҳаётдан кўз юмди.

*Кўхна тарихларга тенг икки шаҳар,
Бири Тошкент эрур, бири Наманган.
Ҳар иккала маскан эли халқ учун,
Етказиб бердилар кўлаб донишманд.
Мақомлар устози Хожни бобомиз,
Оханг яратдилар турфа ажойиб.
Устоз машгулини давом эттирмиш,
Тошкентлик донишманд Юнус Ражабий.
Улар яратган боғ шогирдни ўйлаб,
Камолат касб этди аввалгидан ҳам.
Шом мақом куйлади бизларни бугун,
Жўрахон хонишида этмиш жсамулжсам.*



**АБДУЛЛА ФАЙЗУЛЛАЕВ
(АБДУЛЛА ТАРОҚ)
(1869-1944)**

Абдулла Файзуллаев Наманганда туғилиб, ёшлиги Наманган бойларининг тўйи, маракаларида ўтди. У тарокчилик ҳам қилган, шунинг учун “Абдулла Тарок” лақабини олган эди. Унинг овози ниҳоятда ширали, ёқимли, авжида беқиёс баланд эди. У ўзбек халқ мусиқаси бойликларини яхши билган, бутун ҳаётини ўзбек мусиқасига бағишлаган кекса устозлардан бири эди.

Абдулла Файзуллаев ашула ва кўшиқларни созлар жўрлигисиз ҳам айтаверарди. Шунга қарамай, у ижро этган ашула ва кўшиқларнинг мухлислари жуда кўп бўларди. Хофизнинг хикоя қилишига Наманганлик катта бир бой ўғлини суннат тўйи қилади. Бу ерга йирик созандалар ва хонандалар келишади. Абдулла тарок унча машхур бўлмаган пайтлар эди. Тўйда ўз жўралари билан қатнашади. Хонандалар чарчаб қолишса ҳам шинавандалар кўзгалмас эди. (чунки тўй уч кунга чўзиларди) А.Файзуллаевга ҳам навбат тегади. У бир неча кўшиқ ва ашулаларни бир бирига улаб ижро этади ва мезбонларни мамнун этади. Шунда бой ҳам хурсанд бўлиб, ўзининг синглисини хофизга никохлаб беради.¹ Абдулла кейинчалик машхур хонанда бўлиб танилади.

Абдулла Файзуллаевнинг машхур устоз хофиз, Хўжандлик Садирхон, Тошкентлик Мулла Тўйчи Тошмухаммедов, Исфаралик Зебо Парилар билан учрашуви унинг репартуарини мақом йўллари билан бойишида муҳим рол ўйнади. “Содирхон ушшоғи”, Тошкент ва Фарғонада машхур бошқа мақом йўллари унинг репартуаридан муҳим ўрин эгаллади.

Устоз хофиз Октябрь инкилоби ва фуқаролар уришидан кейин Наманганлик Уста Рўзиматхон Исабоев билан хаваскор ёшларни тарбиялади. У 1914-1926 йиллар орасида Намангандаги “Шарк” группасида хофизлик қилди. 1926 йилдан 1941 йилгача Ўш шаҳридаги ўзбек мусиқали драма театрида хонанда бўлиб ишлади. Жўрабоев, Салохов, Шокиров каби созанда ва хонандаларга ашула йўлларини ўргатди. Ўзбекистон халқ шоири Собир Абдулла ашулачи ҳақидаги эсдаликларида шундай дейди: “Куйловчи, чалувчилар кўпчилики тингловчилар озчилик эди. Гох Қодиржон аканинг айтган майда яллалари, гох Турсунали Жўрабоевнинг дутор пардаларидан чиқаётган

¹ Исҳоқ Ражабовнинг хонанда ҳақидаги эсдаликлардан. 1941-1944 йилларда улар Тошкент вилоят Янгийўл мусиқали драма театрида бирга ишлаган.

“Жиғар пардаси”, гох чиройли куйлар ижросининг маликаси Тожихон Хасанованинг кўкларга етган юксак махоратли кўшиқлари жаранглайди. Гох Шокировнинг хуш оханг кўш найидан чиқаётган ёқимли куйни тинглаймиз. Орқасидан шеърхонлик бўлади.

Тоғ орасидан ой кўтариларди. Атроф сув қўйгандек, Гўё. Ўш бутун вужудини қулоқ қилиб, куй, кўшиқ куйлаётгандек туюлар, ой ботиб, тонг ёришар. Мўжизали товуш эгаси “Абдулла Тарок” нинг биланд овози тоғ чўққиларидан ошиб, самоларга туташарди.²

Абдулла Файзуллаев 1941 йили Тошкентга келади ва ўзбек давлат филармонияси билан Давлат опера ва балет театрида ўзбек мусиқасидан консултант бўлиб ишлайди. Абдулла ота Янгийўл театрида ишлаган даврида (1942-1944) кўпчилик ёшларга ашула санъатни ўргатади.

Абдулла ота кўп шеър ёд биларди. Бир ўтиришда шиновандалар “Дугоҳ” нинг бир қисмини икки-уч марта айтирсалар, ота ҳар сафар бошқа-бошқа шеър билан хониш қиларди. “Ҳар бир шеърнинг ўзига хос лаззати бор”, дер эди у.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдуллажон Охунов отанинг “Дугоҳ Хусайн” билан “Баётни айтишига мафтун бўганини эслатади”. Абдулла ота 1943 йили Свердлов номли концерт залида ўтказилган Муқимий юбилейида қатнашади. Кечада у Муқимий газалларини “Курд”, “Илғор”, “Кўча боғи”, “Эшбой”, “Гире” йўлларида айтади.

Абдулла Файзуллаевнинг Наманган, Ўш, Янгийўл театрларида шоғирдлари бехисоб. Турсунхон Шаропова, Жамолиддин Ғиёсов, Саримсоқ Қосимов, Тожихон Хасанова кабилар кўп хонанда ва созандалар Абдулла отадан таълим олганлар.

Ота кексайганда ҳам овоз кучини йўқотмаган эди. У 1941 йили Ўзбекистон радиоси орқали кўпгина ашулалар ижро этди. Бу кўшиқлар магнит тасмаларга ёзиб олинган. Ота айниқса, “Содирхон ушшоғи”, “Қаландар”, “Гиря”, “Эшбой”, “Курд” каби ашулаларни мароқ билан айтарди. Унинг ижро махоратига машхур хонандалар домла Халим Ибодов ва Тўйчи хофиз Тошмухаммедовлар ҳам юксак баҳо берганлар.

Абдулла Файзуллаев кўп йиллик самарали меҳнати, юксак баҳоланиб унга “Қирғизистон халқ артисти” унвони берилди.

Абдулла Файзуллаев 1944 йили Ўш шаҳрида 75 ёшида вафот этди.

² Шоир Собир Абдулла “Абдулла Тарок ҳақида” Ҳамза номидаги санъатишунослик институти кутубхонаси. “Соз сўхбатлар”.



ХАБИБА ОХУНОВА (1943-1994)

Машхур санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Хабиба Охунова ўзининг бетакрор овози ва таъсирли ноласи билан тингловчилар, томошабинлар қалбида мангу қолган. Санъат бўстонида гуллари кўп, булбуллари мўл аммо улар орасида Хабибахоним ўзига хос тароват, ўзгача овоз, ўзгача сеҳрга эга бир нафис санъаткор эди.

Хабиба Охунова 1943 йилнинг 10 январиди Андижон вилояти Асака шаҳрида дунёга келди. Бўлажак кўшиқ соҳибасини оҳанглар мафтунги эканлиги, оилада, мактабда, бора-бора кўрик танловларда намоён бўла борди.

Хабибахон Асакадаги хаваскорлар тўғарақларида Халимаҳоним бўлиб кўшиқ куйлади. Мукаррамаҳоним бўлиб рақсга тушди, Сораҳоним бўлиб кичик-кичик пьесаларда роллар ўйнади. Мактаб ўқувчиси бўлмиш ёш қизалоқнинг бу интилишлари мусиқа ва кўшиқлар билимдони, табаррук устоз Ғуломжон Рўзиевнинг диққатини ўзига жалб этди.

Санъаткор кўп ўтмай Асака халқ театрида тажрибали устоз қўлида тарбия топиб “Шахлоларинг” кўшиғи билан танловлар ғолиблигини қўлга киритди ва ўша кўшиқ қанотида санъатнинг дилтортар олами томон парвоз қилди. 1959 йили ўрта мактабни тугатган Хабиба Охунова Йўлдош Охунбобоев номи Андижон вилоят мусикали драма театрига ишга қабул қилинди. Машхур режиссёр актёр Аббос Бакировдан таниқли устоз санъаткорлар Хадича Аминова, Ойсар Иброҳимов, Машрабжон Юсуповлардан ашулачилик ва актёрлик сирларини ўрганишга киришди ва орадан кўп вақт ўтмасдан бу асл ихлос ва бетиним ҳаракат ўз маҳсулини берди. Дилдан театр санъатини эгаллаш мақсадида ёнган ёш актриса аста-секин Хамид Ғуломнинг “Тошболта опик” мусикали комедиясида Каромат, Раззоқ Хошимжоновнинг “Нодира” тарихий мусикали драмасида Ойбарчин образи билан сахна файзига файз қўша бошлади.

Хабибахон 1963 йили октябрь ойида Наманган вилоят Алишер Навоий номидаги мусикали драма ва комедия театрига таклиф этилади. Бу таклифни у қувонч билан кутиб олади. Бу қутлуғ даргоҳга Хабиба Охунова санъатининг камол топишида ҳақиқий қутлуғ маскан бўлди. Энди у Наманганда ҳақиқий гул бўлиб очилди. Истеъдоднинг бетакрорлиги сахналарга томошабинлар қалбларига сочилди.

Ўзбекистон халқ артисти Мухриддин Мансуров, Маматхон Убайдуллаев, Собир Раҳмонов, Козимжон Мансуров, Махмуджон Исомиддинов, Каримжон Йўлдошев, Маматхон Аскарлар Хабибахоннинг ютуқларидан қувонишди..... Актёрлик сирларини янада сиғичковлик билан ўрганиб, театр тўғрисидаги нафис тушунчани такомиллаштириш йўлида талай ойлари, йиллари тер тўқди ва муддат етиб таниқли санъаткорлар қаторидан жой олишга мушарраф бўлди. Устозлар билан ёнма-ён туриб қатта-қатта тадбирларда кўшиқлар куйлай бошлади. “Ферез-1”, “Ферез-2” кўшиқлари, сўнгра “Бизнинг айвон” ва “Тановар” лар уланди. Водий ошиб “Кўнгиш”, “Кўрмаган бўлсам сени”, “Найнинг навоси”, “Сабо билан” ва ниҳоят “Алла” си билан мухлислар қалбига ларзалар солиб, “Водий булбули” номи билан машхурликка эришди.

Хабиба Охунова театрда фақатгина кўшиқлар куйлаш билан чекланмасдан, йирик-йирик драмалар ва мусикали драмалардаги марказий қаҳрамонлар образларини яратишда ҳам фаоллик кўрсатди. Гулрух, Омина, Нурхон ва Гулсаралар ёш актриса иштирокида мухлислар орасида хурлик ва манзурлик топдилар. Айниқса “Тоҳир ва Зухра” да Зухра, “Лайли ва Мажнун” да Лайли, “Фарход ва Ширин” да Ширин, “Алпомиш” да Барчин, “Юсуф ва Зулайхо” да Зулайхо сиймоларида халқ олдида чиққан Хабибахоним ўзининг бетакрор истеъдоди билан ҳақли равишда мусикали театр санъатини юлдузлари қаторидан муносиб ўрин олди.

Хабиба Охунова драма актёри сифатида “Бой ила хизматчи” даги Жамилахон, “Қароқчилар” даги Амалияси билан театр мухлислари ва мутахассислари меҳрини қозонган истеъдод соҳибасидир.

Талай йиллар санъат олами сари яна ҳам тўғрироғи кўшиқлар олами сари талпиниб оқибатда борлиғи кўшиққа айланган. 29 ёшида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 32 ёшида эса Ўзбекистон халқ артисти каби юксак унвонлар олишга мушарраф бўлган. “Водий булбулигўё” си Хабиба Охунова хониши абадил-абад мухлислар қалбида қолади.

Хабиба Охуновани билганлар ва таниганлар актёрлик ва ашулачилик маҳорати билан бир қаторда унинг фидойи санъаткор эканлигини алоҳида таъкидлашади. Уни Республикадаги энг йирик санъат даргоҳларига неча марта таклиф қилишганини Хабибахоним эса ўзи камолга етган Наманган театрини ташлаб кетолмаганини садоқатини эслашди.

Аёллар одатда фарзанд кўргандан кейин икки-уч йил ишга чиқмай болани парвариш қилишади. Хабибахон эса “Нурхон” спектакли кўйилаётганда чилласи чиқмаган чақалоғини кўтариб келиб ролини

ўйнайверган. Яна бир воқеа: “Қароқчилар” сахналаштирилаётган пайтда Амалиянинг Карл Моор оёғига осилиб йиғлайдиган сахна кўриниши қайта-қайта машқ қилишини оқибатида (Хабибахон Карлни ўйнаётган актёрнинг оёғига осилиб сахнани ўн икки марта айланган) актрисанинг кўйлаги йиртилган. Оёқларига зирапчалар кириб, қонаб кетган. Хабибахон шундай улкан истеъдоди, шухратига қарамай хокисорлик билан ҳаёт кечирган. Унинг ўлмас хонишларини қудрати ва сеҳри ҳамон мухлислар вужудини селга айлантиради. Ҳамон юракларни дард ва истиробга тўлдиради. Унинг кўшиқларини эшитиш, тинглаш ҳар бир юрак учун байрамдир. Бу ажиб, гўзал байрам хали қанча-қанча янги авлодлар юрагида давом этади. Бунга асло шубҳа йўқ.



ЭРГАШ ЙЎЛДОШЕВ (1924-1991)



Баҳор ансамбли билан бутун дунёни кезиб чиққан, театр педагогикаси устози, Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Йўлдошев 1924 йил 1 май куни Наманган вилояти Чуст тумани Ахча қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топди. Отаси Йўлдошбой деҳқон бўлган. Онаси Буойиша отин ўз даврининг илмли аёлларидан эди.

Нормат оқсақол (Эргаш Йўлдошевнинг бобоси қишлоқ оқсоқоли бўлган) хонадониде фарзанд туғилди. Болага Эргаш деб ўзбекона исм қўйдилар. Эзгу тилак ижобат бўлди: Эргаш акаларига, гузару маҳалладаги яхшиларга эргашди. Улардан ҳаётга муносабатни ўрганди. Яратган уни алоҳида зехн билан сийлаган эди. Акаси Турдивой полвоннинг эслашича, ўн ёшидаёқ ўспирин йигитчалардек фикрлар экан. Эргаш болаликдан санъатга меҳр қўйди: ғижжак чалиб, ашула хиргойи қилиб юрадиган қариндошиникига тез-тез борадиган одат чиқарди. Мулла Муҳаммад Махсум унга Фарғона-Тошкент мақом йўлларига мансуб “Дугоҳ”, “Чоргоҳ”, “Баёт” оҳанглариини ўргатди. Бола эшитганларига ўз муносабатларини билдира бошлади. Мулла Махсум англадики унга худонинг ўзи юқтирган. 1937 йилда Эргашни Чуст ҳаваскорлик театрига олиб борди. Бу ерда санъатга ошно созанда, хонандалар йиғилганди. Бир пардали, баъзан кўп пардали асарлар ҳам кўйиб турардилар, давр талабига монанд ашула ва кўшиқлар, ялла ва лапарлар ижро қилинар эди. Орадан бироз вақт ўтиб, яъни 1939 йили қатта Фарғона канали қазилди бошлади. У пайтлар техника ривож топмаган, ҳамма иш қўлда, кетмон ва бел билан қилинарди. Меҳнат ахлини қайфиятини кўтариш мақсадида Ўзбекистон компартиясининг биринчи котиби Усмон Юсупов раҳномолигида театр томошалари, концертлар уюштирилди эди. Ана шу концертларнинг бирига Чуст ҳаваскорлик театри ҳам такалиф қилинади. Чиқишларнинг охирида 14 ёшли Эргашга ҳам навбат беришди. Ёш хонанданинг “Ўйнаб келинг, йираб келинг” кўшиғи янгради. Бахтни қарангки, унга Усмон отанинг назари тушди, арбоб “Қазбек” папириси қутиси устига Чуст Эргаш Йўлдошев деб ёзиб қўйди. Орадан кўп ўтмай, ўспирин Янги йўл театрига чақариб олинди. Кейинчалик мана шу театр ижодий жамоаси 1943 йили куриб битказилган Муқимий номидаги давлат мусиқали театрининг асосини ташкил этган эди. Янгийўл театрида режиссёр Музаффар Муҳаммедов, созандалардан Юнус Ражабий, Отавали Нуриддинов, Тўхтасин Жалилов, хонандалардан Жўраҳон Султонов,

Маъмуржон Узоқов ёш созандалардан Комилжон Жабборов сингари бўлғуси аллома санъаткорлар ижод қилишарди.

1943 йили Эргаш Йўлдошев ўз ҳамнафаси Зокиржон Эргашев билан Муқимий театрига таклиф қилинди, катта-кичик роллар ижро эта бошлади. Эргашнинг яхши инсон ва яхши санъаткор бўлиб етипишида, устоз созада, Ўзбекистон халқ артисти Аҳмаджон Умрзоқовнинг хизматлари катта. Хокисорлик, меҳрибонлик, соддадиллик, молу давлатга беписандлик, элни, унинг санъатни севиш, юртга беминнат хизмат қилиш у кишининг ҳаётий шиори эди. Эргаш Йўлдошевнинг устозлардан бахти чопган. Ҳофизлик йўлини тўғри танлашида Ўзбекистон халқ ҳофизини Жўраҳон Султонов бош-қош бўлган. Яхшиларнинг маслаҳати билан 1953 йили Тошкент давлат консерваториясининг вокал бўлимига ўқишга кириб, 1958 йили ўқишни тамомлади ва шу йили Алишер Навоий номидаги опера ва балет Катта театрига ишга жойлашди. Мана шу кундан Эргаш Йўлдошев ҳаётида туб бурилиш бошланди. Ижодий фаолияти мутлақо бошқа йўлдан, жаҳон санъатининг энг мураккаб турларидан бири-опера ижрочилиги йўлидан кетди. У жаҳон андозалари талабидаги яккахонликни ҳам қойилмақом қилиб уддалади. Европа классик операларида роль ўйнаш, ижро қилинаётган асарни европача постановкада айтиш шарт, шундай бўлган ва ана шундай бўлиб қолади,

Устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Йўлдошевнинг юртимиз операси ривожига муносиб ўрни бор, у операда ўзбекона куйлаш мактабини яратди. Санъатнинг бу ўзига хос турида ҳам нола ва кочиримлар қилиш мумкин эканини исботлай олди. “Дилором”, “Зайнаб ва Омон”, “Хоразм кўшиғи”, “Лайли ва Мажнун”, “Тохир ва Зухра”, “Майсаранинг иши”, “Улуғбек”, “Зулматдан зиё” операларидаги арияларни Аллоҳ берган гўзал, катта диапазондаги овоз билан санъатнинг қатъий ўлчовларини бузмаган ҳолда ўзбекона қилиб ижро этган. Нафақат операда ўзбек классик, лирик кўшиқчилигида ҳам ўзига хос из қолдирди. Миллий санъатимизнинг фидойиси бўлган Эргаш Йўлдошев Арабистон, Ҳиндистон, Марокаш, Германия ва собиқ иттифок Республикалари бўйлаб қилган ижодий сафарларида “Эй сарви равон”, “Дуторим”, “Ўзбекистонда”, “Самарқанд”, “Фарғона рубойиси”, “Зор этдинг ва айлаб келинг”, “Кўзларингни яширма”, “Шаббодалар” каби ўнлаб кўшиқлари билан ўзбек кўшиқчилигининг хориждаги мухлисларини янада кўпайишига хизмат қилди. У “Бахор” ансамбли билан деярли бутун дунёни кезиб чикди. Дарҳақиқат ҳозирги кунга қадар Эргаш Йўлдошев қуйлаган асарлар республика миқёсидаги давлат тадбирларида ҳам, ёш хонандалар томонидан ижро этиб келинмоқда. У ўз замондошлари Карим Зокиров, Халима Носирова, Саодат Қобулова,

Ситтор Ярашев, Мукаррама Турғунбоева, Сайиджон Калонов, Орифхон Хотамов, Ганижон Тошматов, Туроб Тўла, Хайдар Яхёев каби бир қатор шбардаст эл ардоғидаги инсонлар билан ижод қилди. У 1964 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, 1974 йилда эса “Ўзбекистон халқ артисти” унвонларига сазовор бўлди. Эргаш Йўлдошев ҳаётининг сўнги йилларида Маннон Уйғур номидаги театр ва рассомчилик санъати институтида талаба ёшларга санъат сирларидан таълим берди. Устознинг содиқ шогирди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Дехқонбой Хусанов, ҳақиқий устоз шогирд анъанасини давом эттириб ёш авлодга санъат сирларини ўргатиб келди. Эргаш Йўлдошевнинг укаси Маликжон Йўлдошев фарзандларидан Маҳфуза Йўлдошева ҳамда Мирфаёз Йўлдошевлар ҳам устознинг ижодларини давом эттириб келмоқдалар. Эргаш Йўлдошевнинг умр йўлдоши Клара Бозорбоева ҳозирги кунда 93 ёшни қораладилар. Фарзандлари 3 ўғил ва 1 қиз Комилжон, Дилором, Козимжон ва Обиджон. Фарзандларидан 12 набира, 14 та эваралари бор. Эргаш Йўлдошев 1991 йил 8 январда Тошкент шаҳрининг Занги ота туманида оламдан ўтдилар. Қабрлари Тошкент шаҳрининг Чигатой қабристонида. Улардан олтин мерос бўлиб барҳаёт кўшиқлари қолди.





ХАСАН СУЛТОНОВ (1932-2009)

Хасан аканинг эслашича Усмон Юсупов гавдали, серғайрат, камтар киши экан. 1947 йили Наманганда ўтган катта бир тантанага Нуриддин Мухиддинов билан келишади. Ҳаваскорлар концерти кетаётган пайтда ўткир овозли бир бола ҳаммани ўзига жалб қилади. Усмон ота Нуриддин Акрамовичга “Бу болани Тошкентга олиб кетамиз, бориб ота-онасидан сўраб келинг”- дейдилар. Шу куни туғилиб ўсган кишлоғи Хонобод билан хайрлашиб, ота-онасининг розилигини олиб, санъатнинг машаққатли оламига йўл олди. Хасан Султонов 1932 йилда Наманган туманидаги Хонобод кишлоғида туғилди. Унинг ёшлиги ўзингиз билгандек оғир даврларга тўғри келган. Қарда бўлмасин кўшиқ унга хамрох эди. Унинг калби санъатга меҳр-мухаббат туйғуси ошён бўлганлигидан ҳам тингловчиларни ижронинг таъсирчанлиги ва жозибadorлиги мафтун этарди. Унинг кўшиқларидан мухлислар маънавий мадад олар, сеҳрли хонишита тасаннолар айтардилар. Унинг хонандалик маҳорати кўшиқчилик санъатига бўлган садоқати кишининг хайратга солади.

Оммавий ахборот воситаларида унинг ҳақида жуда кўп ёзишган. Оддий кишлоқ йигити, VI жаҳон ёшлари фестивалида лауреат бўлиб, жаҳонни хайратга солгани, даставвал хакамларнинг раиси машхур кўшиқчи Булбул Мамедовнинг “Ўзбек кўшиқчилиги сиздайин ёшлар дунёга машхур қилди. Сиз ўз истеъдодингизни ўстиришга интилинг. Бутун куч-ғайратингизни халқ хизматига бағишланг, энг муҳими билимингизни оширинг”-деган ўғитлари у ҳақида ёзилган барча чизгиларда акс этган. У бу ўғитларга амал қилди. Ўзбекистон Давлат консерваториясида ўқиди. Тошкент ва Янгийўл театрларида хизмат қилди. Фароғат Рахматова, Саттор Ярашев, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Эргаш Йўлдошев, Суннат Самадов каби истеъдод эгалари билан ёнма-ён ижод қилди. Атокли режиссёр Етим Бобожонов таълимидан бахраманд бўлди. У “Ёр”, “Мустаҳзод”, “Келдим”, “Бормикан”, “Фигонким”, “Эй сарви қомат”, “Тулистоним менинг”, “Қорабайир”, “Кўриқдаги боғимга бок”, “Эй дилбари жоним” каби юзлаб мумтоз ва замонавий кўшиқларни меъёрига етказиб ижро этди. Бу катта истеъдод соҳибининг 80 дан ортиқ кўшиқлари Ўзбекистон радиосининг олтин оҳанграбо тасмаларига муҳрланган. Унинг юзлаб погирдлари халққа хизмат қилаётир. Ҳазалга ёзилган ашула ҳаммаша оғир айтилади. Унда хиссиёт билан мусиқа омухта бўлиб кетганидан эпитувчиларнинг калбини ларзага келтиради. Халқ хофизлари Жўрахон Султонов,

Маъмуржон Узоқов, Муроджон Аҳмедов, Мухриддин Мансуров, Воҳобжон Фаёзовлардан фотиҳа олган Хасан Султонов бир мақсад сари интилувчан хофиз бўлиб етишди. Унинг бетакрор овозини эшитганингизда беихтиёр тўхтаб қоласиз. “Овоздан худо берган экан отасига раҳмат”-демай иложингиз йўқ. У дилларнинг, элларнинг саркашларини кўшиқ билан забт этди. Мумтоз мусиқий меросимиз ва Ўзбек композиторларининг мохир ижрочисига айланди.

Хасан ака ўша даврларни хаяжон ила ёдга олди. Москвадан қайтгандан кейин уни Муқимий номли театрга ишлашга таклиф қилинади. Бу ерда 400 дан ортиқ концертларда қатнашади. “Муқимий”, “Наташ ишқи”, “Равшан ва Зулхумор” сахна томошаларида эсда қоларли образлар яратди. 1959 йилда Москвада ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасида қатнашди. Шу йили уни Олий Кенгаш риёсатининг “Фахрий ёрлиғи” билан тақдирлашди.

Севимли санъаткоримиз ҳаётида не-не қувончли воқеалар юз бермади, қанча-қанча томошабинлар қалбини забт этмади, дейсиз. Катта Фаргона канали қурилишида “Эй гўзал озод элим, яйраб кўнглимга келинг”, ёки уриш йилларида “Армиядан келганлар ўғлонимни кўрмадингми? фидо йўлида жони Анваримни кўрмадингму?” деб кўшиқ айтганда халққа ватанпарварлик туйғуси мустаҳкамланар, душманга нафрати ва ғзаби ортарди. “Онажон эсимда бор оқ суг бериб боққанларинг, тонг сахарлар ухламай тинай, азоб чекканларинг” деб бошланадиган кўшиқни куйлаганда тингловчиларда онага бўлган меҳр-мухаббати янада ошарди. Дирижёр Фазлиддин Шамсутдинов таклифи билан бир неча кинофильмларда ашулалар ижро этди. “Фурқат” филмида ижро этилган “Фигонким” кўшиғини қиёмига етказиб ижро этган. Бу воқеаларга ҳам бир неча ўнлаб қовун пишиғи ўтди. Ашула санъатида ўзига хос ижро йўли билан ўчмас из қолдирган “Хонободлик хофиз” дея донг таратган Хасан Султонов 2009 йил сентябрь ойида 77 ёшида вафот этди. Аммо унинг ўлмас кўшиқлари халқимизнинг мангу йўлдоши, хамрохи ва дўстига айланди, хофизнинг умрига умр кўшиб инрайверади.





СОБИР РАҲМОНИЙ (1910-1991)

Собир Раҳмоний 1910 йили Наманганлик заргар Абдурахмон ака оиласида дунёга келди. Аввал эски, кейин янги мактабларда тахсил олди. Ўсмирлик чоғларида хаваскорларнинг асарларини кўриб, театр санъатига ошиқ бўлиб қолади. Одамларни театр воситасида тарбиялаш мумкинлигига ишонган ўспирин 1927 йил “Танқидий гуруппа” деб номланган хаваскорлик жамоасида, сўнг 1931 йилдан 1990 йилга қадар Алишер Навоий номидаги вилоят театрида ишлай бошлади.

Собир Раҳмоний серқирра ижодкор эди. Кўпинча томошабинга кизиқчи, эстрада артисти бўлиб кўринса, баъзан муаллиф асарига монелик қилмай, у яратган тимсолни драматик актёр сифатида жонлантлар эди. Тенгқурларининг кизиқ қилиқларига тақлид қилиб одамларни беғубор кулгу билан ром этишни, болалик чоғларидан бошлаган эди. Мактабнинг юқори синфида муаллимлик курсларида ўқиган пайтларида раққослик “хунари” ҳам пайдо бўлади. Раққос бўлганда ҳам кишиларнинг юриш-туришларига антиқа тарзда тақлид қилувчи хажвчи раққос эди.

Инсон табиатидаги ноқис ҳолатларни шунчаки, истехзосиз тасвирлаш натижа бермайди. Ундайларга уртўқмоқдай таъсир кўрсатувчи ифода воситалари керак. Ўзи асарлар ёзиб, ўзи учун репертуар яратиб келганлиги бор гап. Ижодкорнинг “Нозлигим”, “Майда гул”, “Инқадар”, “Даданг келмади”, “Ўлим муборак”, “Дангаса”, “Тузотар”, “Ичмайман ҳаргиз”, “Бурни кўтарилган” сингари кўплаб асарлари турмушнинг ўзидан олинганлиги, сахнабоплиги билан эътиборни тартади. Баъзиси майин юмор, қалтис ҳазил, пародия тасвирларидан иборат бўлса, баъзиси шавқатсиз сатирадир.

Маълумки, Ўзбекистон миллий театрлари анъаналари узоқ тарихга эга. Бу анъаналарни Миршохид Мироқилов, Хожи Сиддиқ Исломов, Охунжон кизиқ, Юсуфжон кизиқ, Сойиб Хўжаев ва бошқалар давом эттирдилар. Иш боис улар янги давр театри учун ягона услуб бўлиб қолган “станиславскийча психологик театр” қолипига сиғмадилар. Анъанавий миллий ижро услубига монанд роҳлар берилгандагина ўз салоҳиятларини тўла кўрсата оларди. Собир Раҳмоний шундай рол келишини кутиб юрмади, ниятига ўзига репертуар яратиш орқали эришди. Раҳмоний яратган образларнинг бир гуруҳини кўй оғзидан чўп олмайдиган, сер андиша ўта соддадил кишилар тапқил этади. Бопида

кеки гилам дўппи, оёғига шиллак кийган, узун бўз кўйлак устидан чилвир боғланган. Кўнғиз мўйловли серхаракат йигитни тасаввур этинг. У “Аршин мололон” комедиясидаги хизматкор Вали тимсолини шу тақлидда кўрсатган эди. Бир умр хизматкорликда юриб қосаси оқармаган бу содда йигит хўжайиннинг бахти учун тинмай юришлари билан томошабини ром этади. “Унинг пакана бўйи, гавдасини хар макомга тушиши, хамманинг оғзидан танобини тортиб, қийқириб, қаҳ-қаҳ отишига сабаб бўлди, деб ёзган эди газеталар ўз даврида.”

Ролголнинг “Уйланиш” асарида Подколёсин унга жуда мос тушган эди. Россиянинг машхур кишилари тимсолини яратган буюк сатирик асари Раҳмонийга Подколёсиннинг руҳияти ўтмаслашиб қолган, нотавон кимса тарзида гавдалантириш имконини берди. Эгнида фрак, хипча қомадли Подколёсин Раҳмоний аввалида ўзини ташаббускор амалдор сифатида намоён этишга уринди. Лекин бу унинг хардам ҳаёл, ўқувсиз, бетайин кимса эканлигини ошқор этади. 1939 йили “Майсаранинг иши” спектаклида Хидоятхон образини яратганда “хўрознинг чиранишию, эчкини чираниши” ни кўз олдига келтириб роҳга ёндашади. Сабаби, актёр маънавий бузуқ муҳитдаги машхур кимса образини яратишни мақсад қилган эди.

Урушдан олдин ва кейинги йилларда Мулладўст (Майсаранинг иши), Қалбон (Беш сўмлик келин), Хушназар (Офтобхон), Хузурхўжа (Нурхон), Насриддин (Насриддин афанди), Заргаров (Оғрик тишлар), Тошболта (Тошболта ошиқ) каби бир бирига ўхшамас ўнлаб роҳларни ўйнади. “Отелло” да Яғони ўйнар экан сув юқмас, хийласи қирқ туяга юк бўлгудек ўта маккор ва ёвуз кимсани кўрсатган. “Қирол Лир” даги Масхара, “Ревизор” даги Хлестоков унинг мумтоз асарлардаги ёркин изланишлари бўлиб қолди.

Наманган театр сахнасидаги айрим спектакллар буткул Раҳмоний спектакллари тарзида туғилган П.Саловъев қиссаси асосида яратилган “Насриддин Афанди” спектакли шундайлардан бири эди. Режиссиёр А.Ҳачатуровнинг тақлифи билан Насриддин учун матннинг кўп қисмини Раҳмонийнинг ўзи ёзган. Речитатив тарзда айтилувчи самимий, оммабоп терма кўшиқлар, аччиқ ва ўкинчли қочиримлар, анъанавий театрга хос хикоя, ҳазил ва мутойибалар ўз хамроҳи-эшон билан эл кезиб, халқнинг оғирини енгил қилган Насриддин Раҳмоний меҳнаткаш оммага ўткир ақл-заковатнинг ифодаси сифатида намоён қилган эди. Санъаткорнинг эсдаликларида шундай сўзлар бор. “50 йил мобайнида 204 образ яратиб, сахнага 10800 марта чиқиб, 4 миллион 320 минг томошабинга хизмат қилибман” деб ҳазил қилган эди. Бу ракамлар, балки шундай бўртириброк айтилгандир. Лекин шу нарса ҳақиқатки, Собир Раҳмоний ўзининг кучли истеъдоди, матонатли меҳнати, изланишлари билан халқимиз хотирасида ардоқли санъаткор бўлиб қолади.



МИРЗАЖОН ДАДАБОВЕВ (1911-1992)

Таникли мунаққидлардан бири профессор, Сотимбой Турсунбоев ўзининг хотираларида бундай деб ёзади. "...Хали-хали хотирамдан кетмайди. 1957 йил эди. Наманган театри Тошкентга гастролга келганди. Мирзажон Дадабоев "Отелло" спектаклида бош ролни ижро этди. Бу буюк Абро Хидоятлов ўз Отеллоси билан жаҳонга жар солиб юрган пайтда юрак ютиб ўйнаган иккинчи Отелло эди."

Мирзажон Дадабоев 1911 йили Наманганда туғилди. Отадан эрта етим қолиб, оғир ҳаёт кечирган бўлсада, иродали онасига меҳрибон бўлиб ўсди. Ғоятда шўх ва қизиқувчан Мирзажон Наманганга келган Озарбайжонлик сайёр артистлар ижросида "Лайли ва Мажнун" спектаклини томоша қилиб, театрни бир умрга муҳлисис бўлиб қолди. 1927 йилда Наманганда ташкил топган танқидий ташвиқий гурпуага аъзо бўлади. Дастлаб К.Яшиннинг "Ажин-ажин", Хамзанинг "Тухматчилар жазоси" йигит ва Қосимжон, Ғ.Зафарийнинг "Халима" мусикали драмасида Неъмат, У.Ҳожибековнинг "Аршин мол олон" комедиясида Асқар ролларини ўйнади.

М.Дадабоевнинг истеъдоди 30-йилларнинг бошида шакллана бошлади. Хамкасби Раззоқ Хамраев билан ҳамкорлик қилгани аҳамиятли. Улар баъзан навбати билан рол ўйнардилар, баъзан дуэт ижро этардилар. Арслон (тор-мор), Фон галтер (Мақр ва мухаббат), Иброҳим (Гулсара), Хисрав (Фарход ва Ширин), Бобоҳон (Тохир ва Зухра) каби образларни яратди. Аммо 30 йиллар охирида яратган образлари орасида Хамзанинг "Бой ила хизматчи" асаридаги Ғофир санъаткор биографиясида ёрқин саҳифа бўлди.

Баланд бўйли, озғиндан келган, меҳнатда пишган Ғофир Дадабоев дастлаб Солихбойга содик, соддадил, итоаткор хизматчи тарзида кўриниб, аста ижтимоий онги шаклланган исёнкорга айланар эди. Бой ва унинг тарафдорлари билан бўлган тўхнашув саҳнаси Дадабоев Ғофирнинг золимларга қарши норозилиги ва нафратини яққол ифода этган. Бунинг сабаб ва асосларини изоҳлаб, ўзининг матбуотга берган интервьюсида, ёшлик чоғида худди Ғофирдек бойлардан кўп азият чекканини айтган эди.

Урушдан кейинги даврда М.Дадабоев миллий драматургия асарларидан ташқари қардош халқлар ва ўтмиш мумтоз драматургияси асарларида ўз лаёқати ва маҳоратини намоён этди. К.Симоновнинг "Рус

нисаласи" (1949) асаридаги янги оламнинг толмас курашчи, тирккийпарвар журналист Смит образини яратди.

Гоголнинг "Ревизор" (1952) комедиясидаги шаҳар хокими Сьезоник Дмухановский Дадабоев томонидан крепостнойчилик Россиянинг умумлашган социал вакили тарзида кўрсатади. "Бебошлик, порахўрлик қон-қонига сингиб кетган хокимнинг кечинмаларини Дадабоев жуда нозиклик билан ифода этди" деб ёзади. "За коммунизм" газетаси 1952йил 25 июн сониде унинг қувониши ва изтироби ваҳимага тушиб ва кўр-кўрона бебошлиги бир ...қаллоблар қаллобининг мағнакий маҳсулидир. Дадабоевнинг хокими ўз қисматининг англигидан қатъий назар, кишида ўзига нисбатан ғазаб ва жирканиш кнссини уйғотади. Бу артиснинг образ моҳиятини очиб берганидан далолатдир".

М.Дадабоев мумтоз образлар устида ишлашда давом эттириб Отелло образининг тўлақонли чиқиши учун астойдил интилди. Айниқса ("Қораманми мен" деб бошланувчи монолог) ирқчиликка қарши гуманистик ғоя, инсонийлик мавзусини ёрқин ифода этди. Машҳур актёримиз Аброр Хидоятлов, Мирзажон Дадабоев яратган Отеллонни кўриб "Ўз қахрамони темпераментини, мардлигини, қалбининг поклиги ва тўзалигини кўрсата олган" деб баҳо берган эди.

М.Дадабоев классик асарларда ўзига хос образлар яратишни давом эттириб Лермонтовнинг "Испанлар" романтик драмасида Моисей, Шекспирнинг "Қирол Лир" фожиасида Лир ролларини ўйнади. Саъяткор Лирнинг инсон кадр-қимматини тушуниб етиш йўлини узок ва машаққатли рухий кураш жараёнида содир бўлганини очиб берди. Лир – Дадабоев бўрон ва қуюн остида қолиб "Бошпанасиз оч-ялаонғоч бечоралар-а, мен кам ўйлардим бу тўғриларда" деб нола ва изтироб чекиши унинг қалбида эзгулик, ҳақиқат ва одиллик туйғуларининг уйғонганидан далолатдир.

Рус ва ғарбий Оврўпа классик асарлари устидаги изланишлар М.Дадабоев ижодида ҳар бир образга айниқса индивидуал ёндашув образ ҳарактерини умумлаштиришда давр муаммоларини дадил олиб кўриш кўламдорлик ҳосил қилишга замин яратади. Бунга 80 йилларда қайта саҳналаштирилган "Гулсара" спектаклидаги Иброҳим образи мисол бўла олади. Иброҳимдан фарқли равишда М.Дадабоев талқинидаги Иброҳим мушоҳада қилади, турли шубҳаларга боради, қўл оёғи эски удум ва анъаналарга боғланиб қолган киши тарзида кўринади. Актёр баъзаси кишилар ҳарактерида мавжуд бўлган эскилик сарқитларининг қора қўланкасини яхши ифодалади.

Ажойиб актёр Мирзажон Дадабоев 1992 йили вафот этди. Унинг хотираси театр ихлосмандлари орасида ва театр тарихида абадий сақланади.



ЭЪТИБОРХОН ҚЎЗИБОЕВА (1915-1990)

Эътиборхон Қўзибоева Фарғона водийсида кенг тарқалган халқ кўшиқларининг мохир ижрочиси сифатида шухрат қозонган ашулачилардан бирidir. У водий хотин-қизлари орасида биринчи бўлиб паранжи ташлаган ва ўз дугоналарини Эски тузум асоратидан кийинишга рағбатлантирган жамоатчи сифатида ҳам маълум. Унинг ижрочилик фаолияти ўша даврнинг катта халқ қурилишлари билан боғлиқдир.

Эътиборхон Қўзибоева 1915 йили Наманган шаҳри яқинида Ирвадон қишлоғида камбағал деҳқон оиласида таваллуд топди. Ота-онасидан ёш қолган Эътиборхон опаси қўлида тарбияланади. Мана шу даврда опаси Рисолатхондан кўшиқ ва рақслар ўрганади. У айниқса, мактабда ўқиб юрган чоғларида ўзи тенги қизлар билан кўшилиб кўшиқлар айтарди. У Эътиборхон репертуарини ҳар хил кўшиқлар билан бойитади ва аста секин уни ўзи билан группа томошаларига олиб чиқа бошлайди. Эътиборхон томошабинлар олдида “Қайларга борай”, “Яйра-ййра” сингари енгил халқ кўшиқларини айтар, рақсга тушарди. Унинг жарангдор, баланд овози эшитганларни хайратда қолдирарди, шунинг учун ҳам уни “булбул” дейишарди.

1928 йили Эътиборхон Фарғонада танилган қизиқчи Қўзибоева турмушга чиқади. Қўзибоев ўша кезлари масҳарабозлар группасига катнашарди, вақти келганда хажвий кўшиқлар ҳам айтарди. У Эътиборхон репертуарини ҳар хил кўшиқлар билан бойитади ва аста-секин уни ўзи билан группа томошаларига олиб чиқа бошлайди. Эътиборхон томошабинлар олдида чиқишлар қиларди.

Эътиборхон 1929 йили Андижон мусиқали драма театрида ишлай бошлайди. Бу театрда у драматик асарларда турли образлар яратади. Ўшлаб кўшиқлар билан ўз репертуарини бойитади. Кейинчалик Самарқанд, Наманган, Тошкент театрларида ишлайди. Мохир ашулачи ва актриса бу театр сахнасидан жой олган “Гулсара” мусиқали драмасида Гулсара ва Ойсара, “Аршин мололон” мусиқали драмасида Гулчехра ва Хола, “Нурхон” мусиқали драмасида Кимё сингари бир катор аёлларнинг мураккаб образларини яратади. Мана шу сахна асарларида ижро этилган кўпгина ашула, кўшиқ, ариялар ашулачининг концерт репертуаридан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Эътиборхоннинг овози ўрта регистр (биринчи октиванинг ре товушидан, иккинчи октованинг соль товушигача) бўлган диапазондаги майин ва ёқимли овоздир. Унинг овози регистрда равон ва ёқимли жаранглайди.

Санъаткор халқ ашулалари ва кўшиқларини ижро этишда юксак маҳоратга эга бўлган хонандалардандир. У ашула ва кўшиқ текстларини яхши талаффуз этади, мусиқавий жумлаларни рафон ифодалайди. Бу эса айтган ҳар бир кўшиқ ва ашула мазмунининг тўлиқ очилишига имкон беради.

Эътиборхон Кўзибоева репертуари асосан халқ кўшиқларидан иборат. Кўпгина халқ кўшиқлари унинг ижросида янги бўёқларда гоҳ хароратли, гоҳ жозибадор эшитилади, ўзига хос талқинга эга бўлади. Мана шу хилдаги кўшиқлар қаторида “Мужгонларинг” (Навойи ғазали), “Фигон” (Фурқат шеъри), Ғанижон Топшматов басталаган “Найларом” ёки “Истадим”, “Ўлмасин” (халқ образлари), “Яйранг” (С.Абдулла шеъри) ва бошқа кўшиқлар уни ижросида мароқли янграйди.

Эътиборхон Кўзибоевани Фарғона водийсидаги кўшиқ шинавандалари яхши билишади ва санъатини севишади. Санъаткорларга 1960 йили кўп йиллик самарали хизмати учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист фахрий унвони берилган.



АБДУРАШИД ВОХИДОВ (1930-2005)



Халқ меҳрини қозонган, Ўтқурий кўшиғининг ижрочиси, дуторда кўшиқни гўзал куйловчи хофиз Абдурашид Воҳидов 1930 йили Шаҳанд қишлоғида таваллуд топди. У ёшлигидан санъатга, айниқса мусиқа асбобларига қизиқиши кучли бўлиб ўсди. Абдурашид ака билан суҳбатларда 1950 йили 23-

Урта мактабни имтиёзли битириб, кейинчалик мана шу мактабда дарс бергани, шу йиллари Тўрақўрғон туман маъданият уйидаги бадий каваскорлик ансамблида Фаол қатнашиб санъатдан баҳобар бўлиши, шировадида 1972 йилгача шу маъданият уйининг раҳбари бўлиб ишлаганини айтиб берган эдилар. У 16 ёшида кўнғил кўйиб уйланган Шарифахон Зайниддин қизи билан бирга салкам 60 йиллик турмушлари давомида тўққиз нафар фарзандни тарбиялаб, уйли жойли қилиш учун кетган машаққатли, аммо тотли дамлари, муқаддам дутор чалишда кўшиғига боҳабар бўлган отаси Абдувоҳид аканинг бундан буён сизни қалолмаганидан таъсирланиб, дутор билан жиддий шугулланишга аҳд қилган. 1952 йили илк бор дастлабки кўшиқлари билан элга чиқиши, халққа манзур катта хофизларнинг кўшиқларини куйлаб юрган йиллари туманда ташкил этилган “Олвализор гуллари” ва “Дилшод” ансамбллари иштирокидаги концертлари, шу ансамбл таркибида Москвадаги кўрикда муваффақият билан қатнашганиги, илк телевидиния ва радио учун айтилган “Мелодия” фирмасида пластинкага ёзилган кўшиқлари ҳаётдаги муваффақият ва эътиборига муносиб бўлганлигига шукур қилади.

Ўзбекистонда дутор чалиб кўшиқ айтувчи машҳур хонандалар санокли. Улар Юнус Ражабий, Мавлуда Аъзамова, Неъматжон Қулабдуллаев, меҳри Абдуллаева ва Абдурашид Воҳидов. Уларнинг ижро шакли ўхшасада жозибаси ўзига, Абдурашид Воҳидовдек дуторда кўшиқни гўзал куйловчи хофиз Наманганда деярли йўқ. Ўзбекистон халқ артистлари Ўринбой Нуралиев, Камолиддин Рахимовлар ҳам шоғирд сифатида Абдурашид акадан соз ва кўшиққа муносабатни, тингловчига кўшиқни бенуқсон етказишни ўрганишган. Абдурашид ака дутордан ташқари доирани ҳам яхши чалар, доирачининг усул беришдаги камчилигини дарров пайқаб тузатарди. Хофиз ўзига ниҳоятда талабчан бўлса, сизини унданда зиёд эъзозлар, унча-мунча одамга ушлаб туришга ҳам бермасди. Сизининг қайси бир ипаги ёқмаса, уни шарта бошқасига алмаштирарди. Чолғуни аввал маромига етказиб яхшилаб сошлаб, сўнггина кўшиқ айттарди. Лекин ҳар бир айтган

кўпигининг кириш қисмидаги илк чалинган оханграбо куй билан хофиз тингловчини сеҳрлаб кўярди.

Абдурашид Воҳидов кўпроқ халқ орасидан чиққан тўй ҳашамларда, оммавий сайилларда кўшиқ айтиб эл ардоғига тушган Тўрақўрғонлик Шермат, Аъзам ва Содик хофизлар, Тошбулоқлик Эргаш полвондан санъат сирларини кўпроқ ўрганган, кўп йиллар уларга жўравоз бўлган. Тинимсиз ижодий изланишлар натижасида “Озоринг эмасму?”, “Қарамайсиз”, “Бормайман деди”, “Било билмадам”, “Ўзингсан”, “Жудо қилдинг”, “Жоним отам”, “Мехмондур”, “Девона келубдар”, “Тополмассан”, “Дам ширин”, “Бандангман” сингари кўплаб кўшиқларни яратиб нафақат ўз юртида балки кўшни Россия, Қозоғистон, Қирғизистоннинг қатор шаҳарларидаги кўшиқ севарлар хурмат эътиборига ҳам сазовор бўлди.

Абдурашид ака махсус санъат даргоҳларида ўқимаган бўлса-да, у кишида катта Аллоҳ берган истеъдод бор эди. Шу туфайли ўтган асрнинг 50-60 йилларида Наманган ва Андижон театрларида яккахон хонанда бўлиб ҳам ишлади. Чустлик Мухаммаджон хофиз, Қўқонлик Мамадали қори, Эрка қори, Исоқхон акалар билан ҳамнафасликда қатор кўшиқлар ижро этиб халқ меҳр-мухаббатини қозонди. Устозлари Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султонов, Фаттоҳон ва Расул қори Мамадалиевлар айтган кўшиқларга янгича жило бериб, уларга қайта умр берди.

Ха, кўшиқлар бор... куйи матнга тушмай, қулоғимизни қоматга келтиради. Куй бор, худди шеър билан бирга туғилгандек, бир биридан ажратиб бўлмайди. Ундай кўшиқ куйилиб клаверадида қалбингизни энг нозик торларини чертиб, оромбахш этади. Қанча йиллар ўтсада, уни қайта-қайта эпителишингиз келаверади. Бунинг сабабини баъзилар кўшиқнинг шакли ва жанридан кидиришади. Лекин яхши куй, мазмунли шеър ва дилбар ижро бирлашса тингловчиларнинг опуфта қалбига ҳаётбахш зиёдек кириб бораверади.

Хофиз Абдурашид Воҳидов юрак хуружи касали бўлса-да, ғайрати жўш уриб, дард билан курашди. Аммо ўлим ҳақ экан. 2005 йил 30 август куни 75 ёшида дунёдан кўз юмиб, Тўрақўрғондаги “Отбозор” қабристонига дафн этилди. Хофиз кўшиқлари сўлим, файзли, тингловчисига ором берадиган хофизлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаган эл ардоғидаги санъаткор эди. Бундай инсонлар халқ хотирасида мангу яшайди.

УСТА РЎЗИМАТХОН ИСАБОВЕВ (1885-1964)



Ўзбекистон санъат арбоби, ўзбек мусиқа санъати ижрочилигида ўзига хос ижро мактабини яратган, Наманган ва Андижон мусиқа ахли орасида эътибор қозониб “Уста” деган шарафли ном олган атоқли созанда, ҳам ўзбек чолғуларини ясовчи уста ҳамда меҳрибон устоз, Наманган санъат жонқуярларидан бири Уста Рўзиматхон Исабоев умрининг 70 йилини миллий мумтоз

мусиқа санъатига бағишлади.

Уста Рўзиматхон Исабоев 1885 йили Наманганда темирчи оиласида туғилган. Отаси Исабой Раҳматуллаев Абдужалил темирчининг қўлида дамгарлик қиларди. Рўзиматхон ёшлигини эслаб шундай дейди: “Оиламиз ахволи оғирлигини кўрган тоғам мени ҳам ўзи ишлаётган чойхонага олиб кетди. Мен ҳам ўша чойхонада чой ташиб юрдим. У ерда Рамазон Охун билан Собирхонларнинг машқларини тинглардим. Рамазон Охун ғижжакда ҳам, чангда ҳам жуда яхши чаладиган зўр созанда эди. Ўзи соз ҳам ясайверарди. Чойхонада ўтган икки йил мен учун ажойиб мактаб бўлди. Мен бу икки созанда чалган созларда икки йил машқ қилиб юрдим.”

Рўзиматхон аста-секин дуторда машқ қилиб юрди. Кейинчалик чойхонадан кетиб отаси ишлаётган устохонада темирчилик хунарини ўрганади. Устахонада Уста Абдужалилнинг созанда ошналари келиб дуторда куйлар чалиб туришарди. Рўзиматхоннинг қўли ишда, қулоғи созанда Жалолхоннинг танбурида бўларди. У баъзан холи пайт топганида ўзи ҳам дутор чалиб турарди. Жалолхоннинг танбур машқларидан ҳам фойдаланарди. Устадан баъзи мақом йўлларини ўрганиб олганди. Бинобарин, Рўзиматхоннинг борлиги устози ана шу мохир танбурчи Жалолхон Мирзараҳимов (1869-1911) хисобланади. У “Ажал тароналари” билан “Каримқулбеги” ни чалганида тингловчиларни гўё сеҳрлаб кўйгандек бўларди. У хушовоз хонанда ҳам эди.

Октябр инқилобидан сўнг Андижон ва Наманган шаҳарларидаги болалар уйларида ёш хаваскорлар тўғарақлари ташкил қилиб, уларга мусиқа ўргатади. Андижонда олтмишдан ортиқ созанда ва хонанда шогирдлар етиштиради. Намангандаги шогирдларини “Шарқ” боғига тўплаб, доимий машғулот ўтказиб, концертлар бериб туради. 1947 йили мазкур болалар уйи мусиқа мактабига айлантирилади, кейинчалик бу мусиқа мактаби мусиқа билим юртига қўшиб юборилди.

1927 йилнинг ёзида Уста Рўзиматхон Қўқон ва Самарқанд бўйлаб сафарга чиқади. Қўқонда Юнусжон чангчи (1870-1933) ва Ширмон Хожи (1872-1937) каби атоқли созандалар билан учрашади. Юсуфжон чангчининг кўп қисми “Насрулло”сини ўрганadi.

Самарқандга борганда Бибихоним мадрасасининг ёнидаги чойхонага кўнади. Жаранглайдиган кичкина чангчи билан куйлар чалганида Хожи Абдулазиз Уста Рўзиматхонни уйига таклиф қилади. Уста бу машхур хофизнинг уйида бир hafta мехмон бўлади. Уста шундан сўнг дўст бўлиб қолишади. Хожи Абдулазиз “Гулизорим” ашуласини айтиб беради ва бу дилбар ашуланинг “Яланг даврон” йўли билан хамоханг эканини айтади.

1931 йили Наманган мусикали драма ва комедия театри ташкил топади. Уста Рўзиматхоннинг шогирдлари Бурхонжон Юсупов, Набижон Муҳаммедов, Эргаш Рўзиев, Икромжон Тожибоев, Каримжон Мансуров каби ёш созандалар театр мусикачилар ансамблига қабул қилинадилар. Театр драматург Розиковнинг “Ингилиш” спектакли билан очилади. 1932 йили Вахобжон Азимовнинг “Хужумжон” номли асари сахнага кўйилади. Бу асарларни уста Рўзиматхон мусикалаштиради.

1935 йили Наманганда болалар театри ташкил этилади. Бу театрнинг мусика гуруҳига Уста Рўзиматхон раҳбарлик қилади. 1936 йили Ўшга бориб концерт беради. Концертда ижро этилган куй ва ашулалар Ўш томопабинлари томонидан яхши кутиб олинади. Ўш ўзбек мусикали драма театрининг атоқли санъаткорлари сахнага чиқиб, болаларни чин кўнгилдан табриклайдилар.

Муқимий номли мусикали драма ва комедия театрининг таниқли артистларидан Абдуғофир Абдурахимов, Фароғат Раҳматова, Хадия Юсупова, Ўзбекистон халқ хофизлари Жамолқори Ғиёсов, Хожиакбар Аҳмедов, Жаъфар Умаров каби атоқли санъаткорлар ҳам Уста Рўзиматхоннинг шогирдлари бўлишган.

Наманган қасаба уюшмалари кенгаши томонидан ташкил қилинган мусика асбоблари устахонасига ҳам Уста Рўзиматхон раҳбарлик қилиб келди. Бу устахонада тайёрланган созлар Марказий Осиёнинг бошқа республикаларида ҳам машхур бўлган.

Уста Рўзиматхон Ўзбекистоннинг кўпгина халқ қурилишларида 1939 йилда Лоғон ва Катта Фарғона канали қурилишида, 1940 йили эса Шимолий Фарғона канали қурилишида шогирдлари билан хизмат қилган.

Уста Рўзиматхон Исабоев 1964 йили ноябрь ойида 79 ёшида вафот этди. У бутун умрини санъатга ёш созандалар етиштиришлари баҳшида этди. Устани ҳам кўпдан кўп авлодларимиз сўроқлашади. Бу мохир

...нда, меҳрибон тарбиячининг қалбида сақланади. Унинг санъат соҳасидаги фидойилик, ижодийлик фазилатлари келгуси ёш авлод учун намуна бўлиб, маҳорат мактаби бўлиб қолаверади.

Буюк бойликнинг соҳиби-устоз,
Мискин-у беозор кечирди умр.
Замон норасоман деб этди фарёд,
Уста Рўзиматхон чертганда танбур.





МАЪРИФАТ УБАЙДУЛЛАЕВА (1929-2007)

Маърифат Убайдуллаева 1929 йил 4 июнида Наманган вилоят Поп туманидаги Чодак кишлоғида таваллуд топди. У болалигидан билимга чанқоқ, қизиқувчан, серандиша, тортинчок бўлиб ўсди. Тошкентда яшаб юрганда тўғарақларга қатнашиб, кўшиқ айтиб мақтовлар эшитганда ҳам ўзини кўз-кўз қилмай, ўз оламида яшарди.

Болаларга хос шўхлик талашиб тортишишлар унга ёт эди. Бу хиссиёт унда умр бўйи сақланиб қолди. “Ўзбекистон халқ артисти”, “Эл юрт ифтихори”, “Буёқ хизматлари учун” унвонларига мушарраф бўлганда ҳам у камсукум Маърифат бўлиб қолаверди. Ажойиб санъаткор Маърифат Убайдуллаева ижодидан бахраманд бўлганлар хали хануз унинг фазилатларини, дардли нолаларини меҳр билан кўзларида ёш билан эслашади. Унинг қалбидан отилиб чиққан кишини ўйлантирадиган, ҳаёлга чўмдирадиган, сирли ва сеҳрли овози, ўйнаган роллари томошабинлар ва тингловчилар қалбидан чуқур жой олган эди.

1952 йилда Чодакдаги мактабларнинг бирида ёшлар йўриқчиси, кутубхоначи бўлиб ишлаб юрганда Наманган шаҳрига малакасини ошириш учун ўқишга юборилди. У ерда театрдан келиб дарс бераётган Акбар Мансуров Маърифат опанинг овозини эшитиб, театрга ишга таклиф қилади. Унинг ҳаётида туб бурилиш бўлган бу кунни у умрининг охирига дақиқаларигача унутмади. Акбар Мансуров ўзи билмаган ҳолда ёки ички сезгиларининг кистови биланми ҳар ҳолда шундай бир катта иқтидорли инсонни юзага чиқишига сабабчи бўлди.

Наманган мусикали драма ва комедия театрида иш бошлаган Маърифат Убайдуллаева кўмакка, ижодий ҳамкорликка муҳтож эди. Театрнинг доврукли санъаткори, устоз Мукаррама Азизова унинг ижодини камол топишига кўмаклашди. Театрдаги таниқли санъаткорлар ундан ёрдамларини аяшмадилар. Маърифат илк марта “Равшан ва Зулхумор” спектаклида Зулхумор ролини маҳорат билан ижро этганидан ундан туғма истеъдодни кўриб, бу санъаткорни порлоқ келажак кутаётганига ишонч ҳосил қилиб, зафар билан чин юракдан табрикладилар. Шундан кейин бирин-кетин кўплаб спектаклларда бош ролларни ижро этиб, эл оғзига тушди. Унинг шухрати Ўзбекистон бўйлаб тарқала бошлади.

Маърифат Убайдуллаевани 1960 йили Андижондаги Й.Охунбобоев номи вилоят театрига таклиф этилади. Театрнинг ўша пайтдаги бош режиссёри, таниқли халқ артисти Аббос Бакиров

раҳбарлигида, умрининг охиригача халқ хизматида бўлди. Наманган вилоят сифатида ажраб чиққандан сўнг ҳам унга руҳсат бермай, театрда олиб қолишади.

1962 йили театр режиссёри Аббос Бакиров томонидан соҳналаштирилган “Нодира” спектаклида уни яна бир бор синаб кўради. Маърифат опа айнан режиссёр хоҳлагандай соддадил, хушрўй ва самимий қиз Ойпарча қиёфасини яратиб берди.

Маърифат Убайдуллаева Андижон театрида ўзининг иқтидорининг юксаклиги боис дастлабки спектаклларданок бош ролларни ижро эта бошлади. Унинг ширали, кенг диафазонли овози, келинган қомат, актёрлик маҳоратининг табиийлиги уни шундай юксакликка кўтарди. Санъаткорнинг бир қатор роллари борки, улар чиндан ҳам Маърифат Убайдуллаева ижодининг кўз-кўз қилса арзийдиган образлар эди. Булар машҳур мусикали драмалардаги Барчин, Зухра, Гулсара, Халима, Нурхон каби қаҳрамонлар эди. Бу роллар аввал ҳам атоқли ижрочилар томонидан ўйналган, томошабинлар қалбини забт этган. Лекин Маърифатхон ижросида янада ёрқинроқ, худди узукка кўз кўйгандек бўлиб, драматургик камчиликлар ҳам билинмай кетар эди. Санъаткор севган кишиси билан бахтли бўлиш орзусини шу образлар орқали намоян эта билди.

Узоқ йиллар мобайнида атоқли шоирлар Эътибор Охунова, Олимжон Холдаровларни дилни ўртовчи шеърларини театрнинг ажойиб мусика билимдонлари билан ҳамкорликда кўшиқлар тайёрлаб элга манзур қилди. Бир қатор шогирдлар тайёрлади. Улар орасида кейинчалик Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон халқ артисти бўлган истеъдод эгалари етишиб чиқди. Халқимизни эъзозли санъаткори “Алла”, “Кўнгил”, “Найнинг навоси” кўшиқлари билан миллий кўшиқчилик санъатида алоҳида мактаб яратган ва умрларининг охиригача ўзаро мулоқатда умргузаронлик қилишди.

Маърифат Убайдуллаева нафақага чиққандан сўнг ижро этган “Бобур” видеодрамадаги Бобурнинг катта бувиси образини яратиб томошабинлар эхтиромини қозонди. Опанинг тўрт фарзандлари. Уч ўғил, бир қиз оналарига садоқат руҳида тарбияланган бўлиб ҳар бири турли касб соҳиблари сифатида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқдалар. Қизлари Дилдора хамшира, ўғиллари Хамидулло муҳандис, Равшанбек от спорти бўйича Ўзбекистон чемпиони, Хуршидбек ветеринар сифатида эл хизматида бўлиб, обрў эътибор қозониб келмоқдалар.

Маърифат Убайдуллаева 2007 йил октябрь ойида бу оламни тарк этдилар. Опанинг васиятларига кўра ўзлари туғилган гўшада бувилари ёнига дафн этилди.



НАБИЖОН МУҲАММЕДОВ
(1913-1966 26.01)

Тинглагил, най не ҳикоят айлағай,
Айрилиқлардан шикоят айлағай.

Ж.Румий.

Унинг навосига хатто фаришталар ҳам хиром қилади. Оханги илонни ҳам тебратади. Чўпонга овунчоқ, сўфийга дарддош у, тасаввурда-комиллик, хиндуликда-адабиёт, даосизмда – даҳолик, юнон-рим анъаналарида – эхтирослар тимсоли. Хинди Хитой, Юнону Эрон, туркийлар учун ҳам бирдек муқаррам. Неча афсона ривоятларнинг “Тул”и. Одиссеяга қадди баст, наждокор Крипнанинг зийнати ҳам у, Пинелобага малоҳат бахш этган ҳам ўша най. Овидийнинг “Метаморфозалар”идан тортиб Фаробий, Румий, Низомий, Навоий, Шекспир, Пушкин, Гюго, Лермонтов, Ахматова сатрларигача. Навосоз маҳоратли мусаввир Рерихларнинг тинчини олган ҳам ўша-най. Сирли дардон умидбахш...

Ҳа. Найнинг сеҳрли охангига асир бўлмаган киши йўқ. Унинг садоси қалбингизга ҳазин ва ажиб туйғуларни олиб қиради. Ўзингизни барча ташвишлардан ҳоли ва энгил сезасизми, гўё, қанот қоқиб учиб юргандай. Най сўфийларнинг маросимларида ҳам иззат топган. Мавлавия тариқатида бу чолғу алоҳида мақомда бўлгани маълум. Мавлоно Румий найни сўфийлик рамзи, комил инсоннинг ҳам хулқи тўғри. Найнинг сирини ичида, сўфийнинг камолоти ҳам ботиний...

Биз куйида ҳикоя қилмоқчи бўлган туғма иқтидор эгаси, фидоий ҳампортизимиз Набижон Муҳаммедов ана шундай сеҳрли соз соҳиби эди. Унинг репертуарида “Чўли ирок”, “Ёввойи чоргоҳ”, “Қаландар” каби мумтоз ва халқ чолғу куйлари, “Фигон”, “Хануз”, “Эй, сабо” каби ашула ва катта ашулаларнинг чолғу йўллари кенг ўрин олган эди. У ажойиб устоз қўлида тарбия топган машҳур найчи, хушнавоз созанда бўлиб етишди.

Набижон ота Муҳаммедовнинг умр йўли ҳар қанча ибрат олишга арзигулик. Унинг ҳаёти санъатимизга, халқимизга фидоийлик билан хизмат қилишнинг чинаккам намунаси десак тўғри бўлади. У 1913 йили Янгиқўрғон туманининг Бирлашган қишлоғида уста Мамадали оиласида таваллуд топди. Эндигина тўрт ёшга тўлган Набижон отасидан жудо бўлди. Ота меҳридан бенасиб ўсди. Бироқ у мулоҳазали, ғайратли, санъатга иштиёқманд бола бўлиб камолга етди. Онаизор Тўхтаҳон ая ўғлидаги иқтидор учқунларини сезиб, унинг келажаги

қанда бош қотирди. Қишлоқ аёли сўраб-суриштириб, ўғилчасини вилоят марказидаги 1-болалар уйига етаклаб келди. Муддао фарзандини таниқли навозанда. Ўзбекистон санъат арбоби уста Рўзиматхон Исабоев тарбиясига бериш. Тўхтаҳон опа ўғлини мана шу устоз, санъаткор кўлига топширди. Уста шу ерда дарс берардилар. 1947 йили мазкур болалар уйи мусиқа мактабига айлантирилади., кейинчалик эса бу мусиқа мактаби, мусиқа билим юртига қўшиб юборилади.

Уста тортинчок, лекин табиатан ғайратли бу болада най чалишга бўлган иштиёқи ва қобилиятини сезиб, унга астойдил мусиқа сирларини ўргатди. Устоз сабоқларини кунт билан ўзлаштираётган Набижонга бошқача меҳр билан қаради. Шу сабабли ҳам уста уни ўз уйига олиб кетиб, фарзандлари қатори тарбиялайди. Йиллар ўтиб Набижон тузиккина най чаладиган бўлди. Ўша йилларда хозирги вилоят театри ўрнида “Ватан” чойхонаси бўлиб, у ерда хофизлар, созандалар ҳар куни концертлар беришар, одамлар томоша қилиб хордиқ чиқарардилар. Санъат ишқибозлари Набижон ижросидаги най наволарини жон қулоқлари билан берилиб тинглардилар. Уста сеvimли шогирдини шу ерда навоқарда санъаткорлар “имтиҳон”идан ўтказди. Олқишлар узра шогирдига оқ йўл тилади. 1931 йили театр ташкил этилиб роллар ижро эта бошлади. Истеъдод тинимсиз меҳнатлари билан сайқалланиб, эл назарига тушди.

Катта Фарғона канали қурилишидаги устоз-шогирднинг чиқишлари одамлар ғайратига янада ғайрат бағишлади. Номинг ўчгур уруш бошланди. Юраги душманга нафрат билан тўлган Набижон аёвсиз курашди. “Қизил юлдуз” ордени кавалери бўлди. “Чўли Ирок”, “Нағора Биёти” наволарини суронли кунларда бутун полк аскарлари дилига кузур ва ғурур бағишларди. Шунинг учун ҳам Набижон полкдошлар “Найчи солдат” деб танишарди. Жангоҳларда янграган най урушнинг энг шафқатсиз кунларидан омон ўтиб, Набижоннинг гоҳ кўкрак чўнтагида, гоҳ бел тасмасида ҳамроҳ бўлди. Урушдан ғолиб бўлиб қайтган Набижон кўплаб ёшларга устозлик қилди. Рафикаси Фотимахон Усмонова, фарзандлари Алижон ва Зокиржон Набижон Муҳаммедовнинг умр зарварақларида нур сочмоқда.

Улуғ истеъдод соҳиби ҳаёт бўлганларида 110 баҳорни қаршилаган бўларди. Лекин яхши инсонлар ҳеч қачон ўлмайдилар. Санъатсевар халқимиз хотирасидан абадий ўрин олиб, мангу яшашга дахлдордирлар.



ТУРСУНХОН ЖАЪФАРОВА (1915-1997)

Сахна санъатимиз юлдузларидан бири Ўзбекистон халқ артисти Турсунхон Жаъфарова сахнада ранг-баранг образлар ижод қилиб, мунис ва гўзал, халол ва мард, садоқат-иқболли, иймон-этикодли ўзбек аёллари образларини яратишга муваффақ бўлган эди.

Турсунхон Жаъфарова 1917 йили Наманган вилоятида таваллуд топди. Турсунхон Наманган шаҳридаги хаваскорлик драма тўғарагига кириб келганда 16 ёшда эди. Бу драма тўғараги асосида ўзбек миллий сахна санъатининг отахон театрларидан бири пойдевор олиб, фаолият юрита бошлаган ўша суронли йилларда Турсунхон ҳам, Лутфихоним Саримсоқова, Халима Носирова, Замира Хидоятлова, Турсуной Саидазимовалар сафида жасорат кўрсатиб, сахнага чиқди. Халқимиз учун ўша мураккаб даврларда аёлларимизнинг сахнага чиқишларининг ўзи қахрамонлик билан тенг эди.

Наманган театрида Турсунхонга аввал ўзбек миллий мусиқа санъатининг Фарғона, Тошкент йўли билимдонларидан уста Рўзиматхон Исабевдан, Раззоқ Хамроевлардан тахсил олди. Бу санъат даргоҳида Турсунхон Жаъфарова, Халима (Ғ.Зафарий “Халима”), Ширин (А.Навоий “Фарход ва Ширин”), Лайли (А.Навоий “Лайли ва мажнун”), Турандот (Қ.Ғоц “Маликаи турандот”), Клариче (К.Гальдони “Икки бойга бир малай”) каби образларни яратар экан, буларнинг ҳаммаси ўзбек сахнасига истеъдодли актриса кириб келаётганидан далолат берар эди.

Наманган театрининг асосчиларидан бири халқ артисти Раззоқ Хамроев ўзининг “Хотира ва мулоҳазалар” китобида “Биринчи спектаклларда Лайли ролини Андижонда Назира Ахмедова ўйнаган бўлса, Наманган сахнасида бу ролни катта иштиёқ, улкан мухаббат, ажойиб маҳорат билан Турсунхон Жаъфарова ижро этди”-деб баҳо берилганди. Турсунхон шу тахлит 1940 йилдан эътиборан Тошкентда Муқимий номи Республика мусикали драма ва комедия театрига кириб келди.

Ўша кезлари янги театр даргоҳида иқтидорли ёшлар етишмасди. Турсунхон Жаъфарова тез дамда пойтахтда талабчан санъат шинавандалари назарига тушди ва кенг оммага танилиб борди.

Турсунхон ая бир умр изланди, ўрганди, ўз ижодий маҳоратини тинимсиз ошириб боришдан чарчамади. Сахнани пок билиб, тавоф этди.

бу жойларда ҳам унга Лутфихоним Саримсоқова, Раззоқ Хамроев, Соиб Хужаев ва бошқа атоқли, машхур санъаткорлар билан бақамти хизмат қилиш насиб этди. Уларни ўзига устоз деб билди. Ўзи ҳам ўшалар каторида эл севган ардоқли санъаткор бўлиб етишди ва шу театрда ўз бахтини топди. Абдуқори Абдурахмонов билан оила курдилар ва кариб 60 йил бирга хамрозу хамдам бўлиб яшадилар. “Ватан ишқи” спектаклидаги Нарзи роли Турсунхон аяни янада машхур қилди.

Хамид Ғуломжоннинг “Тошболта ошиқ” мусикали комедиясидаги Рисолат пари ролини ўйнагандан сўнг Турсунхон Жаъфарова том маънода шон-шухратга кўмилди. Артистка Рисолат парининг бутун автофатини маҳорат билан ижро этди. Зеро Турсунхон аянинг ўзи қаётда шундай фазилатлар соҳиби эди.

Ёши улғайиб, ҳаёт тажрибаси ортиб борар экан, энди Турсунхон ая сахнада ва кейинчалик кинода ҳам ўзбек ва турли миллатларга мансуб оналар образларини юқори даражадаги актёрлик салоҳияти билан яратишга мувофиқ бўлган эди.

Соҳиб Жамол романи асосида сахналаштирилган “Тули сиёҳ” да Биби, “Нурхон” да Кимё, “Момо ер” да Тўлғоной, “Бахт тўйи” да Саодат ая ва бошқалар фикримизни тасдиқлайди. Гарчи кино ижодкорларимиз Турсунхон Жаъфаровага кечроқ мурожаат қилган бўлсалар ҳам ая ижро этган роллар ҳоқ кичик, ҳоқ қахрамон бўлсин барчаси кишини ҳаяжонга солувчи образлар сифатида намоён бўлади.

Ая 1963 йили “Учрашув” қисқа метражли филмда суратга тушди. Шу дамда “Ўн уч терак кўчаси”, “Тоғлардаги акс садо”, “Оқ ёл ҳақида кюсса”, “Олмос камар”, “Келинлар кўзғалони” каби қатор филмларда ҳам унинг ижросидаги оналар образлари дунёга келди. Айниқса, “Келинлар кўзғалони” комедиясидаги Фармонбиби жиддийлиги, қаттиқ кўлиги, бир сўзлилигини биринчи ўринга қўйган. Фильм охирида ҳам ибратли, тарбиявий, кўпчилик дилидаги хотима билан якунланган.

Халқимиз “Келинлар кўзғалони” кино комедиясини мамнуният билан кутиб олганлигининг боиси ҳам шундан. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, бу комедия ҳам “Ёр-ёр”, “Махаллада дув-дув гап”, “Мафтунингман” каби мумтоз киноларимиз қаторидан ўрин олган.

Турсунхон Жаъфарова 2001 йили бу оламдан кўз юмган. Ажойиб ижодкор, ҳамюртимиз Турсунхон ая Жаъфарова ибратли ҳаёт кечириб, ижодда нурли из қолдириб, эзгулик уруғини экиб кетган шундай санъаткор эди.



ВАХОБЖОН АБДУЛЛАЕВ
(1926-2008)

Ватаннинг равнақиға, халқнинг фаровонлиғига кимдир яратган кашфиёти, обод қилган боғи, хайрли ва эзгу иши билан ўз хисасини қўшади. Яна кимдир худо юқтирган ноёб истеъдоди билан юртни дунёга таркатади, одамлар қалбидан чуқур жой олади. Ҳар бир хонанда ўзига йўл танлайди. Кетаётган йўли олис, нотаниш, табиийки, у кетаётиб одамлардан манзилга бориш йўлларини сўрайди. Буни тушунтириб берадилар, иккинчиси йўлда йўлдош бўлмаса ҳам чўчимайди. Ҳар икки йўлни танлаган санъаткорнинг етук издош бўлиб етишиши осон эмас деб, ўйлайман. Ёш санъаткорларда старли билим йўқ, унда фақат эзгу хавас бор холос. У йўл кўрсатувчига мухтож. Ўз ниятига астойдил эришиш ҳар бир санъаткорнинг харакатиға боғлиқ. Вахобжон ака ҳар гал торни қўлиға олганда шуни дилдан хис қилар эди. У қишлоқ тўйларига келиб оқсоқоланиб юриб, ашула айтардилар. Вахобжон ака “Кулоқ” боласи эди. Бор мулки, мол-қўйлари, ери тортиб олишган, қашшоқликда кун кечирган. Лекин унинг санъатга бўлган, меҳри, қуйлашга бўлган иштиёқи ўлимлардан асраб қолган бўлса ажабмас.

Вахобжон ака Абдуллаев 1926 йили Наманган туманининг Муллакудинг қишлоғида туғилади. Ёшлиғидан санъатга меҳр қўйди. Кўнглида умид ғунчалари чечак очган эди. У куй-қўшиққа жуда ўч эди. Тўй базмларда санъаткорларнинг ёнидан жилмас, улар ижро этган ашула ва мусиқаларни бутун вужуди билан тинглар эди. Ана шу юксак иштиёқ уни санъат майдонига етаклаб келди.

Вахобжон Абдуллаев 1944 йили кўпчилик кетган уришга беради. Украинани озод қилишда, Кироваград, Новая-Николаевка, Кривой Рог каби шаҳарлардаги аёвсиз жангларда қатнашди. Оддий аскардан взвод командири даражасигача кўтарилади. Ана шу оғир пайтларнинг бирида оёғидан яраланиб госпиталга тушиб қолади. Душманга бўлган нафрати кучли эди. Қачон сафга қайтишини шифокордан сўраганида, энди у жангга ярамаслигини гипс олинса уйга жавоб беришларини айтади.

Вахобжон ака орден-медаллар билан Наманганга қайтади-ю отинг кургур уриш сабаб оқсоқланиб юрадиган бўлиб қолди. Ўз устида кўп ишлади. Чинакам санъаткор бўлиш учун жуда кўп меҳнат қилиш кераклигини юракдан англади. У катта давраларда кўшиқ айтиб эшитувчини сел қилар эди.

Шоли рўмолинг кўкмиди,

Гули шунча кўпмиди?
Нега, менга қарайсан
Ҳеч кўрганинг йўқмиди?

Ками халқ кўшиқларини севиб қуйлади. Миллий кўшиқларда миллатнинг эзгу орзу умидлари. Миллатнинг ўзини оханги, ўзининг куйи, йиғиси ҳам бор. Ёр-ёрда ҳам, хатто аллада ҳам бор ўша оханг. Тасаввур қиладиган бўлсангиз мақолларда ўтмишдаги аёлларимизнинг, ота-боболаримизнинг оху-зори бор. Шунинг учун миллийлик ҳар бир миллат вакилининг қалби тубидан чиқадиған миллий оханг. Миллийлик аниқ эмас бу бегона охангдир. Ўзимизнинг эмас, Вахобжон ака буни аниқ дилдан хис қилиб қуйлар, шогирдларига ҳам қайта-қайта уқтирар эди. У Ўзбекистон халқ артистлари Уринбой Нуралиев, Камолитдин Рахимов, хушовоз хонандалар Турдали Сайдуллаев, Жўраҳон Рахимов каби ўнлаб шогирдлар етиштирди.

1970 йилда Тўрақўрғон туманида унинг томонидан ташкил этилган. “Дилшод” ашула ва рақс халқ ансамбли билан дунё кезди. Россия, Германия, Молдовия, Болгария, Руминия, Франция, Швеция каби мамлакатларда бўлиб давлатимиз доврўғини дунёга таратишда ўз хисасини қўшди. У Машрабхон Боқихонов, Тожиали Олимов, Нурдошали Тиллаев, Эргашбой Соқиматов, Тожиҳон Йўлдошева, Маъруфхон Орипов каби Наманган санъаткорларининг кўзга кўринган эмига танилган пешқадамлари билан минг-минглаб мухлисларнинг меҳрини қозонди.

Вахобжон Абдуллаев кейинчалик “Олвализор гуллари” ансамблида, 5-сонли мусиқа ва санъат мактабида фаолият кўрсатди. Бугун Вахобжон Абдуллаевни “жангчи хофиз”, баъзан эса “оқсоқ хофиз” деб эслайдилар.





ОНАХОН ТОЖИБОЕВА (1920-2004)

Онахон опа ҳаётининг олтмиш йилдан отиғини битта санъат даргоҳида Наманган вилоят театрида ижод қилиб, унинг оғир кунларини ҳам, бахтли кунларини ҳам кўрган, мушқил дамларида бирга захмат чеккан, саодатли онларида ижод қилган фидойи санъаткордир. Унинг умрини эл-юртга сеvimли санъатига чин юракдан, ўзининг бор вужуди, кучу-ғайратини сарф этиб хизмат қилишнинг олий тимсоли дейиш мумкин.

Онахон Тожибоева 1920 йил 3 март куни Янгиқўрғон тумани Заркент кишлоғида аравақаш Тожибой Ризаев хонадонидан таваллуд топди. 1923 йили Тожибой ака хотини Парпихон ая ва қизалоғини олиб юмшокроқ нон бормикан деб шаҳри Наманганнинг “Зирабулок”, хозирги Мукаррама Азизова номли кўчасига кўчиб келди ва бу ерда ҳам ўз касби билан рўзгор тебрата бошлади. 1940 йили опа Намангандаги тиббиёт мактабига ўқишга кириб, тахсил ола бошлади.

Онахон тиббиёт билим юртида ташкил этилган санъат хаваскорлари даврасида қатнаша бошлади. Кўпик айтди, рақсга тушди, драматик парчаларда роллар ижро этишга уринди. Кунларнинг бирида ... Тўғарак қатнашчилари тайёрлаган дастурини томоша қилгани Наманган вилоят театридан бир гуруҳ казо-казолар ташириб буюришди улар театрнинг директори Хотам Қирғизов, Раззоқ Хамраев, Мукаррама Азизова эдилар.

Томоша тугагач санъаткорлар Онахонни эртага театрга боришини тайинлашди. Бу ишдан бир нима чиқишига ишонмасида Онахон эртасига “қани” деб театрга борди ва Етим Бобожонов бошлиқ комиссия хайъати кўригидан ўтиб... ишга қабул қилинди! Бир ярим йилгача “хор”да кўшиқ айтиб, рақс тушиб юради. Лекин рол ижро этиш орзуси ушалавермайди. У пайтлар спектаклга тайёргарлик жараёнига ҳеч кимни киритишмасди. Онахон эса, эрта келиб, бирор жойга беркиниб олар, машқларни зехн билан кузатарди. Уйга келгач ўзи Нурхон, ўзи Хожи бўлиб кўрганларини такрорларди.

Нихоят тақдирнинг Онахонга кулиб бокқан фурсати етди. “Нурхон” спектаклида Кумри ролини ижро этувчи актриса Муборак Хамраева касал бўлиб ишга келолмади. Зар тўла одам, спектакл бошланиши керак. Нима қилишини билмай, режиссёр Р.Хамроевнинг боши қотди.

– Мен ўйнайман шу ролни – дейди хорда турганларидан бари онахонга қадам босиб.

– Қиндоқ рухсат бераман бунга! Ролни бирор марта ҳам “Ўтмаган” деб айтиш, иложи қанча. Кумрининг сўзларини, хагги-харакатларини кўрсатиб бериб буюрди. Қараса, дуруст, чидаса бўлади. Рухсат беради.

Онахон қараб турган тақдирга “Мен, албатта, Сизнинг интиқиниғизни оқлайман” дегандек таъзим қилади-да, ўша кунги ва ундан кейинги спектакллари жуда тўлишиб, жон-жаҳди билан ўйнайди. Шу тарзда Онахон театрнинг тўлақонли аъзосига айланди.

Унинг устозлари албатта сахнадош дўстлари – режиссорлар, актёрлар Раззоқ Хамроев, Мукаррама Азизова, Турсунхон Жаъфарова, Салхон Эгамбердиева, Собир Рахмоний, Мирзажон Дадабоев, қолаверса спектакллар, рўллар, машқлар бўлишди. Мусиқа санъати устозларидан бири уста Рўздатхон ҳамда Бурхонжон Юсупов, Каримжон Мансуровлар унга кўшиқ айтиш сирларини ўргатишди.

Онахон Тожибоева ижро этган Махбубаларнинг кўнглида ҳаётга оғанин муҳаббат бўларди. Гулсора, Нурхон, Ширин, Лайли, Жамила, Санам, Барчин... албатта, бу санамлар ҳар бири замон, ҳаёт тарзи ила пайдо бўлган шахсий хусусиятларга эгадирлар. Буларнинг барчасида Онахон шахсидагина хокисор, содда, камбағал каби хусусиятлар камулжам эди. Булардан ташқари салбий ролларни ҳам меъёрига етказиб ўйнайди, хаммани лол этди. Нетайхон, Оққиз, Сурмахон, Хонзода, Мастура сатанг, Гонериля. Буларнинг хаммаси турфа муаллифлар, одатлари, мақсаду интиқлишлари бор. Уларни умумлаштириб турган нарса эса бу аёлларнинг бахтсизлиғидир.

Онахон опанинги санъатга фидойилиғи шундаки, битта театрда 60 йилдан ортиқ вақт ижод қилишнинг ўзи фидойилик, қахрамонлик. 1950 йилларнинг охирида Наманган театрига А.Хачатуров режиссёр сифатида олиб келган янги тўлқин Она учун янги мактаб бўлди. Шекспир қахрамонлари Дездемона, Генерилия образларини яхши баҳолашди.

1975 йили турмуш ўртоғи бетоб бўлиб ётиб қолади. Бирок Кўкимбойда спектакл ўйналиши керак, бўйнидан судрагандай кетади кайтиб келса кўнгли сезган экан-умр йўлдоши, бастакор Каримжон Мансуров оламдан кўз юмибди. Наманган халқи ўз санъаткорини бу хизматларига чуқур эҳтиром, вафолик муҳаббат билан жавоб берди.

Онахон Тожибоева 2004 йили бу олам билан хайрлашди.

Вақт фақат улуғ ижодкорлар яратган ўлмас дурдоналар олдида, нафис гўзаллик олдида ожиздир. Ўша нодир дурдона, ноёб гўзаллик ўзини яратган ижодкорларидан кейин ҳам абадий яшаб қолади. Демак, гўзаллик ижодкорининг умри ҳам туганмасдир, боқийдир.



КАРИМЖОН МАНСУРОВ (1910-1975)

Бугун умрини санъатга, мусикага бағишлаган, факат эзгулик ва олий мақсадлар билан яшаган хамюртимизнинг хизматлари баҳоли қудрат муносиб тақдирланган. Энди хотира бўлиб қолган даста-даста фахрий ёрликлар, 1967 йили берилган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвони Каримжон Мансуров ҳаётининг мазмунли, самарали ўтганидан далолатдир.

Каримжон Мансуров 1910 йили Наманганнинг Сумалак гузари маҳалласида оддий хунарманд оиласида таваллуд топди. Наманган шаҳридаги 15 мактабнинг 7-синфигача ўқиб маълумот олган Каримжоннинг кўлига илк бор соз тутқазган, мусиканинг сеҳрли оламига етаклаган инсон Уста Рўзиматхон Исабаев бўлди. Боладаги иқтидорни пайқаган уста шогирдини мактабни тугатганга қадар чанг, ғижжак, дутор ва танбур қолишни тузиккина ўзлаштиришга эришди. Кейинчалик 1928-1930 йилларда Тошкент мусиқа техникумида ўқиб, уни тугатгандан сўнг, бутун ҳаётини санъат ривожига бахшида этди.

Каримжон аканинг мусиқий билимини мустаҳкамлашда акаси Абдуқахвор Мансуровнинг хизматлари катта бўлди. Халқ кўшиқларини маромига етказиб ижро этадиган хофиз сифатида пойтахтда ҳам анча танилди. К.Мансуров Тошкентдан қайтгандан сўнг Тўрақўрғон халқ театрида иш бошлади. Ўша йиллари Акрам Қодирий ва Хамрохон Абдуллаева каби истеъдодлар билан хамкорликда ижод қилди, билмаганларини ўрганди.

1933 йили май ойида халқ театри Наманганга келиб биринчи марта мустикал концерт берди. Санъаткорнинг маҳорати машҳур актёр ва режиссёр Раззоқ Хамраевнинг эътиборини тортди. Бу эса Каримжон Мансуровнинг Наманган театрига келишига сабаб бўлди. Бу катта даргоҳ эса унинг учун чинакамига маҳорат мактаби бўлди. Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, уста Рўзиматхонлардан тахсил олди. Аввалига мусиқа чалиб юрди. Кейин куй яратиш иштиёқи билан ижод қилди.

Каримжон Мансуров бир қатор гўзал ва жозибали куйларни яратди. Ярашганда ҳам халқбоп, мухлисларни дилини яйратадиган қилиб яратди. Унинг радионинг олтин фондига кирган миллионлаб мухлисларни қалбларига хузур ва завқ бахш этадиган “Алла”, “Дуторим”, “Пахтакор донгдор йигит” кабила шулар жумласидандир. У

спектакллар рухига мос куйлар яратиш ижодкори эди. “Хўжа Нарийдин”, “Доғлар”, “Тор-мор”, “Тўй арафасида”, “Унутилмас куйлар”, “Тогда аланга” каби ўнлаб спектаклларга мусиқа басталади. Машҳур санъаткорларимиз Ўзбекистон халқ артистлари Мукаррама Анжова, Хабиба Охунвалар Каримжон ака басталаган куйни такрор этиб шуҳрат қозондилар. “Пахтакор донгдор йигит”, “Гулзор Наманган”, “Билмайин босдим тиконни” каби ашулаларнинг куйлари шогирдчилар ва устозлар томонидан олқиш билан қаршиланди. Айниқса, “Алла” охангига сеҳр жозоба бахш этган мунис наво халқ орагидан нечоғли чуқур жой олгани, бугунги авлод учун сир эмас. Собир Рахмоний ижросидаги хажвий кўшиқлардаги халқчиллик Каримжон Мансуровдаги истеъдодни яна бир бор намоийш этди.

Каримжон Мансуровнинг оиласи ҳам санъаткорлардан иборатлиги аниқ ҳақиқат. Турмуш ўртоғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Омазон опа Тожибоева ҳам истеъдодли хонанда, иқтидорли актриса сифатида театр санъатида из қолдирган санъаткорлардан эдилар. Опа кўшиқчи даврида турмуш ўртоғларини эслаб шундай хотирлаган эдилар:

“Каримжон ака жуда олижаноб, инсонпарвар киши эдилар. Насихатгўй, маслаҳатгўй уйда ҳам, кўчада ҳам бир хил ўзгармай яхши муносабатда бўлардилар. Ўтган турмушимиз даврида жуда ахил яшадик, икки ўғилни катта қилдик. Бири ички ишларда хизматда, иккинчиси отаси изидан кетиб яхши мусиқачи бўлиб етишди. Икката қизимиз бор уйли-жойли бўлиб кетишган.”

Халқ қалбидан жой олган бастакор умр бўйи изланди. Ўнлаб соннада-ю, хонандалар уни фахр билан устозимиз деб аташади. Айниқса, Наманган мусиқа билан юртида (ҳозирги санъат коллежи) ўнлаб ёшларга ўзбек мумтоз мусиқаси илмини ўзгача бир меҳр-муҳаббат билан ўргатиб, ўзига хайкал қўйиб кетди.

Каримжон Мансуров 1975 йили бу оламдан кўз юмди. Бугун умрини мусиқа санъатига, вилоят театрининг равнақига сарфлаган санъаткорнинг ишларини бугун ўнлаб шогирдлари ва ўғли Абдуқахвор давом эттириб, ўзи ҳам ўқиб, изланиб, ўнлаб куйлар яратди. Истеъдод рингаси Абдуқахвордан ўғли Комилжонга ўтиб, сайқал ва ардоқ топмоқда.

Демак, ноёб истеъдод соҳиби Каримжон Мансуровнинг авлоди давом этмоқда, ўзи эса шогирдлар орқали иккинчи умрини яшамокда. Ўз у кишининг рухлари хамиша шод бўлишини тилаган холда хотирамизга нукта қўямиз.

МУХРИДДИН ХОЛИҚОВ (1959-2001)



“Умр ўтар, вақт ўтар...” Хар гал ушбу мисралар билан бошланувчи кўшиқни эшитганимда, шоир шундай улкан ҳақиқатни оддий сўзларда акс эттира олганига қойил қоламан. Тиним билмай ҳаракат қилаётган вақт олийжаноблари қанчадан-қанча яқинларимизни орамиздан олиб кетаётгани ҳақида ўйлайман. Ўзбек эстрада санъатининг ёрқин юлдузлари ака-ука Мухриддин ва Хусниддин Холиқовларнинг ҳам бизни ташлаб кетганига анча бўлди. Аммо қисқа умри давомида халқ дарди билан яшаган ака-ука хофизлар одамлар қалбига мангуга муҳрланган. Уларнинг хар иккаласи ҳам ноябрь ойида бу оламни тарк этди. Бугун уларни эслаб рухларини шод этиш умидидамиз.

Мухриддин Холиқов 1959 йили Наманган шаҳрида таваллуд топди. У ёшлигидан санъатга ошно бўлиб ўсди. Чунки, Холиқовлар хонадонига адабиёт ва санъат арбоблари тез-тез ташриф буюриб туришарди. Узун тунлардаги дилкаш ва дилтортар суҳбатлар бу оилада вояга етаётган фарзандлар учун мактаб бўлди. Хофиз Жалолиддин Холиқов ва шоира, драматург Қурбоной Убайдуллаевалар хонадонида бола тарбияси, уларнинг қизиқишлари тўғри йўналтирилиб, бор меҳрларини уларнинг тарбиясига бағишладилар. Оқибатда меҳр билан ўсган ниҳоллар мева бера бошлади.

Мухаммад Юсуфнинг рафиқаси Назира Ас-Салом ўзининг хотираларида шундай дейди: “...Кўпроқ севги тўғрисида, қизғалдоқлар ҳақида қуйлайдиган, овози ҳам севгидай беғубор, болга ботириб олгандай ширали, аммо дардли овоз соҳиби Мухриддин Холиқовни 1988 йилда “Халқлар дўстлиги” (ҳозирги “Истиклол”) саройи ёнида учратиш қолгандик. У Мухаммад акани кўриб, югуриб келди-да, кучок очиб сўрашиб, ийманибгина, паст овозда бир нима деди. Мухаммад ака эса мента юзландилар: “Ноз, бу менинг укам бўлади, катта хофиз бўлиб кетганда бугунги учрашувни эслаб юрасиз. Мухриддин янаги йил бўладиган танловда қатнашади, биринчи ўринни олса, энг зўр шеърларимни унга ёзиб бераман, Сиз гувоҳсиз дедилар ва уни бағриларига босдилар.” Ҳақиқатдан ҳам Мухаммаджоннинг ниятлари ижобат бўлиб “Қамолот-89”да Мухриддин биринчи ўринни эгаллади.

Ўшанда Охунжон Мадалиев олий мукофотни олган эди. Машхур, сеvimли шоиримизнинг шеърларини қуйлаб машхур бўлган бу истеъдод соҳибларининг ҳамкорлик асри эмас, ака-укалик муносабатлари ҳам

қилинлашиб кетди. Айниқса, Мухриддин орадаги масофа яқинроқ бўлгани туфайли шоирни йўқлаб тез-тез келиб турарди. Мухаммад Юсуф эса Мухриддиннинг рафиқаси Гулсорохонга ҳам атаб шеърлар бағишлаган, уни ўзининг энг суюкли синглиси Муҳаббатга ўхшатарди.

Улар Мухаммад Юсуф, Охунжон, Мухриддин тутинган ака-укалар эдилар. Улар бир бугун дарахтдек, дарахтнинг илдизи танасисиз, танаси эка илдизисиз яшолмагандай, бугун улар бир-бирларининг ортларидан эрганиб, гўё қўл ушлашиб бу ёлғон дунёни тарк этдилар. Мухаммад Юсуф уларни кўшиқларини кўп эшитар ва “Хар бир ёзган шеъринг, айтган кўшигинга эҳтиёт бўлиш керак экан-да”-деб хўрсингани тўғрисида яқинларидан эшитганмиз. Ҳа, у ҳақ эди. Ака-укалик ришталари шундай қаттиқ боғланган эканини, шоирнинг вафотига қаттиқ азият чеккан Мухриддинни ҳам бу ришталар тез қирқ ёшидаёқ олиб кетди.

Агар инсон гўзал қалб эгаси, унинг қолдирган мероси ҳам гўзал бўлади. Халқимиз хассос санъаткор Мухриддин Холиқовни ҳам ана шундай чуқур энтиқиш, гўзал кўшиқлари билан хотирлайди. Хар бир кўшиғида дард, мунг, армон, қувонч бор эди. У жуда оиласига меҳрибон, дилсўз, болаларнинг устида парвона бўлар эди. Шу бугун бир нима керак бўлса, аввало мана шу болаларнинг ишини битирар эди. Машхур бўлишига қарамай ўта содда, самимий, дўстларига ғамхўр эди.

Мухриддиннинг шогирди Улуғбек Набиев хофиз умрининг охириги дақиқаларини шундай эслайди: “2001 йилнинг 25 ноябри, адашмасам, рўзанинг ўнинчи куни эди. Мухриддин аканинг сариқ “Нексия”сида тўрт киши, мен қолганлар билан “Тико”да изма-из дала ховлига жўнадик. “Нексия” шунақанги шиддат билан кетдики, мен уларга етиб олиш мақсадида “имиллама, тез хайда!”-деб бақирдим. Бир маҳал тез кетаётган “Нексия”нинг балони ёрилиб, машина салкам юз метр чуқурликка тушиб кетди. Етиб келганимизда Мухриддин ака машинадан чиқиб кетган, ўша жойнинг ўзидаёқ жон берган эди. Рулни бошқарган Маъруф ака ҳам ўша жойнинг ўзидаёқ халок бўлган экан.

Унинг вафотидан кейин одамлар орасида “Ароқ ичиб машинани хайдаган экан” деган бўхтон гаплар тарқалди. Ваҳоланки, ўша куни умуман ичмаган. Ахир рўза ойи эди-ку. Ишонамизки, Мухриддин ҳаётдан эрта кетган бўлса-да, яратган кўшиқлари инсонларни эзгуликка чорлайверади”.





ХУСНИДДИН ХОЛИҚОВ (1963-2005)

Хусниддин Холиқов шифокорлар томонидан қўйилган Арнолед Де Кнер ташҳиси билан хаётдан жуда эрта кўз юмди. Ушбу саратон касали бу хонандани орамиздан бевақт олиб кетган бўлса-да, аммо унинг қўшиқлари ва ёрқин хотираси қалбимизда мангу яшайди. Чунки сиз унинг қўшиқларини бир ўзингиз ёлғиз эшитиб кўринг. Рости қалб призмасидан ўтиб, сизни ё йиғлатади, ёки хаёлингизни узок-узокларга олиб кетади.

Хусниддин Холиқов 1964 йилда Наманганлик хофиз Жалололиддин Холиқов хонадонида дунёга келди. Унинг болалиқдаги асл орзуси учувчи бўлиш эди. Аммо мусиқага бўлган бўлакча ишқ барибир унга тинчлик бермади. Хусниддин Холиқовнинг хаётдаги шиори: “Сен қайси соҳани танласанг, албатта, унда энг олдинги сафида бўл. Энг ёрқин юлдуз бўл. Акс ҳолда, уни танлама яхшиси қўл урмай кўя қол”. Таъкидлаш жоизки бу соҳани танлаб хато қилмади. Аксинча унинг энг нозиктаъб, зукко ва қалбан аңлатувчисига айланди.

Хусниддин Холиқовни ўзбек эстрадасининг “биринчи оранжировкачиси, биринчи бастакор”, “биринчи жонли ижро устаси” десак адашмаймиз. Лекин кўп қўшиқ айтмади. Унинг қўшиқлари кўп эди. Лекин етарли реклама қилмади. Интернационал маҳаллада ўсганлиги учун бошқа тилларда қўшиқ айтишга уста эди. Айниқса унинг “Ланотум” кўшиғини мухлислар жуда қадрлашади.

Ҳақиқий санъаткор ўз асарини яратаётганда ишининг барча мезонларини ўзи кашф қилади. Натижада мана шу кашфиёт ҳақиқий мухлисларини топади. Қўшиқчилик санъатимизда ҳам мусикани ҳам ижрони бараварига яратиб келаётган санъаткорлар санокли. Хусниддин Холиқов ана шундай санъаткорлардан эди. У табиатан жиддий кўрилгани билан аслида ҳазил мутойибани ҳам бошлайди. Хонишлари дилга яқин, майин овози эса худди ҳар қандай тошни эритиб юборадигандай “Ўзбекистон”, “Сумалақдан тош топдим” қўшиқлари ҳар бир хонадонда мехмон бўлган десак хато бўлмайди. Дилларни ром этувчи “Саловот” кўшиғини инглиз, араб ва ўзбек тилларда айтарди. Ҳар бир тилнинг ўзига хос талаффузига монанд равишда куйларди. Қўшиқнинг ҳар бир сатри билан тингловчилар қалбини забт этганидан унинг маҳоратидан хайратланмай иложингиз йўқ.

Хусниддиннинг танаси 19 йилдирки “Арнолед Де Кнер” деб номланган туғма хасталикка чалинган экан. Фақат бу касаллик

кейинчалик юзага чиқади. Аввалига Хусниддиннинг қўлларидан куч нуқола бошлайди, кейинчалик кучсизлик оёғига ўтади. Натижада у оёғида тик тура олмай қолади. Балки уни хасталик туфайли бироз чайқалиб юрганини кўрганлар бошқача фикрга боришгандир.

Кўп шифокорларга учради кўп даволанди. Охири югур-югурлардан чарчаган хофиз “Докторлар касалимни топипша олмади, мен ўзим топаман” – деб ҳар хил тиббиётга таалукли китобларни ўқир эди. Аммо дард, дарчилигини қилди. Операцияга рози бўлишдан бошқа иложи қолмади. Жаррохлик амалиётидан сўнг ўзини яхши хис қиларди. Лекин операциядан кейинги ярасини қайта боғлашга олиб киришганда отирлашиб қолиб бандаликни бажо келтирди.

Самода юлдузлар ёғду сочмаса, тун зулмати бутун борликни қоронғуликка чулғаганда ҳаётимиз тўхтаб қолишини тасаввур қила олмасми?! Санъатимиз осмони ана шундай ёрқин юлдузни йўқотди. Мохир мусиқачи, аранжировкачи, хонанда, ширин овоз соҳиби Хусниддин Холиқов 41 ёшида бу дунёни тарк этди.

Мухриддин аканинг йўқлигига эндигина кўниккан эдик – дейди опаси Тўлқиной Қорабоева – Аввало, энг қатта акамдан, сўнг Мухриддин акамдан, кейин отамдан кетма-кет ажралгандик. Оиламиз учун ушбу йиллар ўта оғир кечди. Севимли қадрдонларни йўқотдик, энди Хусниддин анча яшаши керак деб ўйлардим. Лекин айтганингиз бўлмас экан. Онадан икки фарзанд, акам Шаҳобиддин ва мен қолдик. Онажонимиз бахтимизга ҳаётлар. Насиб қилса маблағ йиғиб Мухриддин акам ва Хусниддиннинг хотирасига музей очишни ният қилиб қўйганмиз. Оиламиз кенжасининг муборак қўллари теккан мусиқий асбобларни тўплаб қўйганман. Ижарага сўраб келишди, пулга зор эмасман деб бермадим.”

Шоир Чори Аваз боякуш инсон ва ҳаёт ҳақида хикматлар тўқиётиб Мухриддин, Хусниддин ва ўзининг ҳам машъум тақдирини аввалдан билгандек битган эди!

Ўлсам,
Ҳайрон бўлманг.
Узок яшаш учун
Туғилганим йўқ.



МАШРАБХОН БОҚИХОНОВ (1936-2010)



Кўнгил яхшиликдан. Яхши инсонларнинг меҳридан баҳра олади. Тирик чоғида ўз мухлисларига эга бўлиб, қатор-қатор ажойиб шогиртлар тайёрлай олган Машрабхон Боқихонов ўзбек кўшиқчилиқ санъатида ўзига хос из қолдирди. Айниқса, катта ашула бобида унга етадиган йўқ эди.

Машрабхон Боқихонов 1936 йили Наманган вилоятининг Тўрақўрғон қишлоғида таваллуд топди. Унинг ёшлиги оғир даврларга тўғри келди. Уруш ва ундан кейинги тикланиш йиллари, қаҳатчилик ва инсоний кадриятлар синовдан ўтаётган ўша дахшатли йилларни кўп эслайди. Унга Аллох берган иқтидор доимо йўлдош бўлиб санъатга кириб келди. Машрабхон ака 1959 йили тумандаги 3-ўрта мактабга мусиқа раҳбари бўлиб тайинлангандан сўнг санъаткорлик фаолияти бошланди. 1958 йили туман болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида мусиқа тўгараги раҳбари сифатида ишлаб, қобилияти ва ташкилотчилиги туфайли шу йили туман маданият уйига бадиий раҳбари этиб тайинланади. Унинг ижросида 1959 йили Ўзбекистон радиосида Ноқис ғазали билан “Доғмон” ашуласи ёзиб олинади.

Боқихонов Машрабхон ака Тўрақўрғон туман маданият бўлимида кўпгина лавозимларда ишлаб, жуда кўп кўшиқлар ижод қилди. Н.Намангоний сўзи билан “Соғиндингму”, С.Абдулла сўзи билан “Меҳмон булбулга”, Мухаййир ғазали билан “Сайра булбул”, Асрор Саматов сўзи билан “Юр сайрга чиқайлик”, Садоий ғазали билан “Кўнглим” кўшиқлари Ўзбекистон радиоси олтин фондига ёзиб олинди ва пластинка ҳам дунё юзини кўрди.

1976 йили Тўрақўрғон туман маданият сарайи қошида “Дилшод” ашула ва рақс ансамбли ташкил қилинади. Бу ансамблнинг ташкилотчилридан бўлган Машрабхон ака шу ансамблда мусиқа раҳбари бўлиб ишлаб қолди. 1976 йили Москвада ВДНХ бутун иттифок халқ кўргазмасида “Дилшод” ансамбли билан бориб ўз санъатини намойиш қилиб қайтди. 1979 йили Ваҳобжон Абдуллаев томонидан “Мақомчилар” ансамбли ташкил этилди. Бу ансамблда ҳам Машрабхон Боқихонов фаол бўлиб унинг ижросида Хамид Расул сўзи билан “Дехқонлари” ва “Соқийномаи Совтиново” кўшиқларини Республика телевидиния орқали намойиш қилишди.

Хофиз ўнлаб кўрик танловда ғолиб бўлиб катта обрў қозонди. Айниқса у Франция ва Швецияда ўтказилган жаҳон халқларининг

фолклор фестивалида қатнашиб, катта ашула ва мумтоз ашулалар билан хорижий ром этди. “Сорофоз этгали келдик” Фурқатнинг “Раҳм айбламас” катта ашуласини “Соқийномаи муғулчаи бузрук” мақом кўшигини ижро этиб фестивал медалларини олишга эришди. Ўзбекистон телевидинияси орқали берилган кўплаб концертларда иштирок этди. Тошкентда ўтказилган “Наманган гуллари” (1990) да Восит Садулла сўзи билан “Шундайин бор боғ қилай” катта ашуласини ўр маҳорат билан ижро этди.

М.Боқихонов юқорида серфайз фаолиятидан тапқари ёшларга санъат сирларини ўрганишда ҳам ғайрат қилди. Шогирдлари Йўлдошали Дадабоевнинг кўшиқлари Республика телевидинияси орқали бир неча бор берилди. Бундан тапқари Эргаш Йўлдошев, А.Абдурахимов, И.Алиев, Ю.Боқихонов, С.Аюпов каби шогирдлари катта ашула ва мақом сирларини ўрганди.

Хофизга 1994 йили сентябрь ойида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият аълочиси нипони топширилди. Санъаткор билан бўлган суҳбатларда “Унвонлар ҳақида ҳам ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?”- деган саволимизга “Бизни кимлигимизни эл билса бўлди”- деган эдилар камтарлик билан.

Бугун хофизнинг ишларини давом эттираётган фарзандлари, шогирдлари отадан қолган меросни авайлаб-асраб, хофиз севган халқига етказишни мақсад қилишган. Ипсонамизки Машрабхон ака қаддан кетган бўлсаларда яратган ва ижро этган кўшиқларининг парвози асло пасаймайди. Улар инсонларни эзгуликка чорлайверади.





ВАЛИЖОН САЙДАЛИЕВ (1949-2004)

Мархум дўстим Валижон билан жуда кўп суҳбатлар кураш эдик. Суҳбатимиз кўпроқ театр ҳақида, актёрлик маҳорати ҳақида бўлар эди. Бир куни шундай деганини эслайман: “Спектакл тутагандан кейин биз актёрлар, қарсақлар билан олқишлаётган томошабинлар қаршисига чиқамиз. Шунда мен одамлар юзига тикиламан:

уларнинг ишончини оқлай олдимми? Ёки...”

Ҳа, бу оддий сўзлар Наманган театри актёри “Дўстлик” ордени соҳиби, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Валижон Сайдалиевнинг беихтиёр айтган гаплари эди. У ўзида жуда катта масъулият ҳис қилар эди. Ўз ишидан қониқмас, ўз устида тинмай ишлар эди. Унинг ижод йўли томошабин хотирасидан бирма-бир ўтади. Мана у отаси учун қасос олиш иштиёқи ёнган Лоерт, мана у ишқ-муҳаббат шаробидан маст Тохир, мана ҳақиқат учун курашувчи толмас курашчи, вафодор, софдил, меҳнатқаш Жалил, Де Олич, Юсуф, Петр, Агностас, Баховуддин. Уларнинг ҳаммаси бир тақдир, бир дунё.

Валижон Сайдалиев 1949 йил 20 июлда Наманган вилояти Поп туманида таваллуд топган. У ёшлигидан театр санъатига қизиқади. Мактаб саҳнасида кичик-кичик роллар ижро этгани, санаътнинг энг сермашаққат тури бўлган актёрлик санъати ром этганлиги тўғри. 1973 йили Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг “Муסיқали драма театри актёри” бўлимидан битиради. Бу ерда актёрлик касбининг сирларини ўрганиш билан бирга ўзида дадиллик, ишонч уйғона бошлади.

Маданият вазирлигининг йўлланмаси билан Жиззах вилоят муסיқали драма театрига ишга борди. Бу ерда у театр тузини тотиб, актёрлик машаққатларини ҳис қилиб, 1975 йили Наманган вилоят муסיқали драма ва комедия театрида умрининг сўнги палласигача меҳнат қилди. У асосан муסיқали спектаклларда ранг-баранг образлар яратди. “Синдирилган кўза” Жалил, “Тохир ва Зухра” Тохир, “Сехрли узук” Абдулла, “Юсуф ва Зулайҳо” Юсуф, “Фарзанд деб” Пўлат, “Нурхон” Мамат, “Машраб” Машраб, “Севги ёдгори” Эшонкул чўпон, “Тошкентнинг нозанин маликаси”да Прокурор арзандаси ва бошқа роллар шулар жумласидандир.

Драматик образлар яратиш борасида ҳам Валижон Сайдалиев катта муваффақиятларга эришган эди. Лоерт “Гамлет”, Кўчқор “Темир хотин”, Пўлат “Истеъдод фожиаси”, Элёр “Ўз аризасига кўра”, Абдулла

Кодирий “Усмон Носир қасрда” сиймолари у яратган образлар каторидан мустаҳкам ўрин олган эди.

Бир-биридан фарқ қилувчи бу роллар Валижон талқинида ўзига хос услубда намоён бўлди. У ҳар бир образнинг психологияси, рухий ҳолатини очиб бера оларди. Бир ҳолатдан бошқасига кира оладиган инсон руҳиятидаги эврилишларни маълум бир дақиқаларда намоён эта оладиган, қаҳрамоннинг характерини тўла очиб берадиган актёр эди. Иттироб қайғу-алам кези келганда, қаҳрини ҳам баралла ифода этиш қудратига эга эди.

Хайронман, салбий, ижобий рол танлашади, менга эса бири бир – деган эди Валижон Сайдалиев, инсон! Буни мен ўйлаб топмаганман. Ҳар бир одамда ўзининг дарди, ҳақиқати бўлади. Мана шу ҳақиқатда мен излаган сир бор. Ана шу сирни очишни истаيمان. Сир бўлмаса-чи? Унда рол ўйнашнинг қизиғи қолмайди.

Заҳматқаш актёр 2000 йилда Отажон Маряк “Супер қайнона” комедиясидаги роли учун Республика танловида “Энг яхши эркак роли учун” номинациясини олишга эришди. 2002 йили Ўзбекистон Президенти Фармони билан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист” фахрий унвони берилди. Буларнинг ҳаммаси унинг меҳнатларига берилган баҳо эди. 2004 йил 28 февралда шафқатсиз ўлим уни 55 ёшида орамиздан олиб кетди. Охирати обод бўлсин.





МУХАММАДЖОН ИНОМОВ
(1939-1987)

*О, руҳим ҳаёлнинг осмонидан туш,
Тотли ҳаёлотдан тушигин-а бу он.
Қарагин мангулик бир ҳаёл, бир туш,
“Дунёда ўлимдан бошқаси ёлгон”.*

Ха, азизлар, бу фоний дунёда ҳамма нарса ўткинчи, фақат яхшиликлар ва меҳргина абадий...

Агар тушиб Чортоқ санаторийсидан юқорилаб борсангиз бир сўлим қишлоққа етасиз. Иқтисод фанлари номзоди, доцент, вилоятимизнинг кўплаб кекса авлод иқтисодчи мутахассисларини тайёрлашда улкан хисса кўшган Алихон қишлоғининг биринчи олими Мухаммаджон Иномов шу қишлоқда 1939 йили оддий колхозчи оиласида таваллуд топди. 1957 йили мактабни кумуш медал билан битириб, Тошкент молия-иқтисод олийгоҳига ўқишга кирди. Билимга ташна бу қишлоқ боласи фақат аъло баҳоларга ўқиди. 1961 йили олийгоҳни имтиёзли диплом билан битиргач, уни молия кафедрасида олиб қолишди. 1972 йилдан бошлаб талабаларга сиёсий иқтисод фанидан маърузалар қилиш билан бирга план-иқтисод факультетининг декани, олийгоҳ партия ташкилотининг котиби вазифаларини ҳам бажарди. Ўнлаб илмий мақолалар, кўлланма, рисоалар чоп эттирди. Диссертация химоя қилиб, иқтисод фанлари номзоди, доцент илмий даражаларига эришди. Домла амакимнинг ўғиллари эдилар.

Мухаммаджон ака табиатан камтарин, меҳнаткаш, дилкаш устоз сифатида талабчан эдилар. Кўп ўқир эдилар, ёзувлар кишини хайрон қолдирадиган даражада чиройли эди. Уларни “мен олимман” деб мағрурланганларини ёки бировга бирон ёмонлик қилганларини билмайман. Ёш олимлардан ёрдамларини аямасдилар. Илмий тадқиқот ишларини кўрсатгани келган аспирантларнинг ишларини баъзи бир илмий раҳбарларга ўхшаб сансолар қилмай, ўша куни кўриб чиқиб, тегишли маслаҳатларини берар эдилар. Назарий жиҳатдан жуда билимли киши бўлиб, олимлар кенгашларида баъзи муаммоли масалаларни хал қилишда у кишининг фикри тарози босарди. Рус тилида қилган маърузаларини рус домлалари эшитиб ва ёзувлардаги мукамалликни кўриб, хайрон қолишларини ҳамкасблари фахр билан эслашарди.

Мен Мухаммаджон акага хавас қилиб катта бўлганман. Буначалик билимдон бўлиш, 48 ёшда 9 нафар фан номзоди тайёрлаш, 35 та илмий ишга аппонентлик қилиш жуда кам учрайдиган ҳодиса эди.

Мухаммаджон ака саломатлигига ногаҳон хужум қилган касалликнинг оғирликларини матонат билан енгиб, бутун қобилияти, кучи ва ғайратини докторлик диссертациясига (афсууски тугатолмадилар) талабалар, иқтисодчи-хисобчилар тайёрлашга бағишладилар. Домланинг кенг феъл, саховатпеша, инсонларвар, шахсий табиати билан илм-фан йўлидаги изланишлари ўртасида ҳеч қандай бўлиниш йўқ эди. Қалб харорати, келажакни олдиндан сезиш туйғуси, талабчанлиги шогирдларини доимо ҳаракатда бўлишга ундар эди.

Домла умрларининг охириги йилларини дард билан курашиб ўтказдилар. У пайтларда мен талаба эдим. Бир куни кўргани борсам домла: “Алижон укам, қара қандай одам эдим, 95 кило эдим-а, энди мана бу ахволни кўр, ётишимни кўр! Саломатлигингга қара!” дедилар. Касалликка даво излаб Ибн Сино асарларини мутолаа қилардилар, даво излардилар. Бахт энг аввало саломатлик эканлигини қайта-қайта уқтирар эдилар. “Саломатлик” деб номланган қомусдан 15 тасини “дўстларимга бераман, ўқишсин, саломатликларини назорат қилипсин” деб сотиб олганларини биламан. Даволашларга қарамай, 1987 йилнинг ёшида ҳаётдан кўз юмдилар.

Тоғнинг улуғворлигини тасаввур қилмоқ учун ундан узоклапиш керак бўлганидек, йиллар ўтган сайин Мухаммаджон аканинг том маънода яхши инсон бўлганлигини яққолроқ хис этмоқдамиз. Олимнинг умри йил билан эмас, ижодий фаолиятининг самараси билан ўлчанади. Домла нафақат Наманган вилоятида, балки Ўзбекистонимизнинг юзлаб иқтисодчи-хисобчилар қарпсисида устоз бўлиб гавдаланадилар.

*Умр сарҳадида бир ёруғ йўл бор,
Кимдир етар унга, кимдир етмайди.
Домланинг руҳи кезган йўллардан,
Юраклар тушиган овоз кетмайди.*





МАХМУДЖОН ИСОМИДДИНОВ (1932-2010)

Агар инсон гўзал қалб эгаси бўлса, унинг қолдирган нарсалари, мероси ҳам гўзал бўлади. Халқимиз хассос санъаткор, “Наманган булбули” Махмуджон Исомиддиновни ҳам ана шундай чуқур энтиқиш, гўзал қўшиқлари билан хотирлайди. Ҳар бир қўшиқда дард, мунг, армон, қувонч бор эди.

Махмуджон Исомиддинов 1932 йил 1 январда Наманган шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топди. У ёшлигидан шеър айтиш, қўшиқ куйлаш ва роллар ижро этишни ёқтирарди. Бу эса унинг аллоҳ томонидан берилган истеъдод эканлигидан далолат эди. У Намангандаги 3-ўрта мактабда таълим олди. У мактаб саҳнасидаги адабий кечаларда монологлар ўқир, шоир ва мутафаккир Алишер Навоий образини яратиб кўпчиликнинг назарига тушди. У турли бадий хаваскорлик жамоаларида бадий раҳбар бўлиб ишлаб ўз иқтидорини чархлаб борди.

1958 йилдан 1965 йилгача Андижон театрида ишлаб Каримжон (Зарафшон қизи) шоир Розик (Нодира, Хасан), (Кимга тўй, кимга аза), Қайс (Лайли ва Мажнун), Тохир, (Тохир ва Зухра), Нодир (Гулисиёх), Хайдар (Нурхон) каби ўзига хос бетакрор образларни яратиб танилган эди.

1970 йили Махмуджон аканинг истеъдоди ва меҳнатлари қадрланиб Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист фахрий унвони берилди ва шу йили Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг талабаси бўлишга эришди.

1965 йилдан умрнинг сўнгги палласигача Наманган вилоят мусикали драма театрида меҳнат қилди. Турдали Сайдуллаев, Ўринбой Нуралиев, Хабиба Охунова, Собир Рахмоний, Камолиддин Рахимов каби етук санъаткорлар билан елкама-елка хизмат қилиш билан бир қаторда устозлик ҳам қилган ажойиб камтарин инсон эдилар.

М.Исомиддинов шеърлар ёзар эди “Осмондан тушган меҳмонлар”, “Тақдири азал”, “Аҳди паймон” номли пьесалар ёзган, “Ёр-ёр, ёринг бўлай”, “Жонажон диёр” каби шеърларга куй басталаган бастакор ҳам эди.

Серқирра ижодкор, ўз даврида ижро этган роллари орқали долзарб муаммоларни халққа етказиб бера олганлигини, салмоқли ижодини давлат томонидан инобатга олиниб, турли йилларда давлатимиз ва Вазирликлар, хокимликлар томонидан турли йилларда фахрий

қонлар, дипломлар ва эсдалик совға тариқи. 2001 йили “Меҳнат фахрийси” ме

Махмуджон Исомиддинов хавас қилган ижодкор, бетакрор санъаткорлар, пайсалнингли ёрдам қўлини чўза олган ва ўзини кўра оладиган инсоний фазилятларг

У ўзидан ажойиб фарзандлар қолдирган бўлар эдилар. Орамизда бўлмас ижод этган роллари, ёзган асарлари, баста қилган хамиша барҳаётдирлар.





МАМАТХОН УБАЙДУЛЛАЕВ (1928-2012)

Маматхон Убайдуллаевнинг ҳаёти ва ижоди вилоятда эмас, балки Республика театр санъатида ҳам бутун бир давр, санъатга хизматнинг эл-юрт маънавияти йўлидаги фидокорона меҳнатнинг ажайиб намунаси хисобланади.

Маматхон Убайдуллаев 1928 йилда Наманган шаҳрининг Сирли масжид даҳасида дунёга келди. Отаси Убайдулла Махсудбой ўғли қосиб, волидаси Мохирабону уй бекаси эдилар. Маматхон ўрта маълумот олгач, отасининг ёнига кириб қосибчилик билан шуғуллана бошлади. Уларнинг оиласи яшаб турган “Шўро” жамоа хўжалиги даъватхонаси қошида хаваскорлик жамоаси тузилган эди. Маматхон кўнглидаги санъат ишқи даъвати билан ушбу жамоа машғулотларига қатнашиб турар эди.

Маматхоннинг Хабибулла Худайбердиев исмли кадрдони театрда ишларди. Дўстидаги иштиёқ, хавас ва қобилиятни пайқаган Хабибулла бир куни “Театрда ишлагинг борми?” деб сўрайди. Маматхон орзуси ушалаётганига ишонгиси келмайди. Хурсандчилик билан розилик беради. Қанот пайдо бўлса-ю, учиб кетса. Театрда уни театрнинг бадий раҳбари Раззоқ Хамроев мусиқа устозлари Уста Рўзиматхон, Бурхонжон Юсупов, Каримжон Мансуровлар синовдан ўтказдилар. У шеър ўқиб берди, ашула айтди, хуллас билганини намойиш қилди усталарнинг кўнглини топди ва тунлари уйқусини қочирган орзулари амалга ошди.

- Кўп йиллар ушоқ роллар ўйнадим,-деб эслagan эди актёр, бироқ ушоқ роллар бўлмайди, ушоқ артистлар бўлади деганларидек бу роллар каттарoқ образлар яратишимда мактаб вазифасини бажарди.

Шундай қилиб, қирқинчи йиллар давомида ёш истеъдод сохиби театр мактабини амалда ўрганди, яна устозлар берган китобларни мутола қилди, катта санъаткорларни кузатди, уларнинг сабоғини, ўғитини онги-дилига жо қилди. Ўзи айтган ушоқ ролларидан ташқари бир қатор йирик характерлар яратишга муваффақ бўлди.

Чўлпонали “Майсаранинг иши”, Мансур “Алишер Навоий”, Мумин мирзо “Алишер Навоий”, Алижон “Хамза” каби образлар яратди. Жамоага Алберт Хачатуровнинг келишини айни кучга тўлган Маматхон тақдирнинг инояти билан тухфа сифатида қабул қилди. Хачатуров Наманганга ўз ижодий дастури ва жуда дадил режалари билан келган ва бу ерда Мукаррама Азизова, Абдурахмон қори, Собир

Рахмоний, Мирзакон Дадабоев, Мухрид Убайдуллаев, Онахон Тожибоева ва бошқа танил ҳаммаслақлар, йўлдошларни топа би.

Алберт Хачатуров томонидан 1954 Шекспирнинг “Отелло” драмасида Ма образини яратди. Бу асар актёр изланиши, ва қамолоти учун яхши мактабдир. Шу маънисонга нафрати, ҳасад адо қилган фази талқин қилади. Отелло гуманизми ва Ягонг ваки қарама-қарши дунёқарашнинг тўқн жамоа барча сахнавий ифодалардан унумли

Йигирма олти яшар актёрнинг ж мукамал образлардан бирини сахнага ол мутахассислар томонидан илиқ кутиб олинг бу рол устида ишлар экан Маматхон Уба сифатида янги марраларни эгаллади, катта таълим олди.

Маматхон Убайдуллаев 1957 йил Фердинанд образини яратар экан яна бир мухаббат, романтик туйғулар, инклизивизап тиъсиридан халокатга учраган севги фо абадий, юксак мавзулар ҳақида тўлиқиё ёш олди. Актёр бу ролда ҳам туйғуларнинг, а ифодасини эмас, қахрамоннинг ички кечиг килди.

Эллигинчи йилларда сахналаштирил Маматхон ака ошиқ йигитлар, қахрамонг образлари билан иштирок этди. Мансур “Оғрик типшлар”, Аббос “Хуррият”, Нолинг Обиджон “Тобутдан товуш” каби изланишларини давом эттирди. Гофир “Рустам”, Хожии Мамат “Нурхон”лар бил юксак чўкқига чикқанини билдиради.

Ўзбекситон халқ артисти, иктидорли : ҳақида қанча ёзса озлик қилади. Унинг ижр уринган ҳамда қиска мақолага сиғмай қол Қора ботир, Хусрав, Қсанф, Джержинский бу сохибкор кўкартирган, хосилидан эл дарахтлардир.

ЖОНРИД АБДУЛЛАХОНОВ (1929-2015)



Жонрид Абдулаханов 1929 йили Наманган шаҳрида зиёли оилада таваллуд топди. Ўттизинчи йиллар бошларида халқимиз энг оғир дамларни бошдан кечирар, турмуши ночор холда ўтарди. Айримлари катакдай ҳовли жойларида аранг етиштирган кафтдекгина донини авайлаб сарфлаш билан оиласини боқарди. Умри ҳар йилги қишдан эсон-омон чиқиб олишни ўйлаб, эртанги кунгагина умид боғлаб ўтирарди. Ўша маҳаллар Наманган шаҳрининг қатор маҳаллаларида саводсизликни битириш мактаблари ташкил топган эди.

Эркакларга адибнинг отаси Мухиддин Абдуллаханов дарс берса, аёлларни онаси Шахрибону ўқитарди. Дарслар янги “Алифбо” бўйича олиб борарди. Шаҳар марказидаги “Шарқ” хиёбонига жойлашган чойхонада эса ахён – ахён турли группаларнинг томошалари кўрсатиларди. Шунақа тадбир мутасаддиларида бири, биринчи Ўзбекистон халқ шоири Мухаммадшариф Сўфизода (уни шариф домла деб аташарди) раҳбарларлигида олиб бориларди. Унга таниқли маърифатпарвар шоир Рафиқ Мўмин (Рафиқий), Холиқий, Маорифий, Олим Шамсилар ҳам фаол қатнашдилар. Ёш Жонрид ҳам уларнинг ваъзалари ва ижодларидан баҳраманд бўлиб, ўзига ижодини бошлайди. Ўшанда Жонрид Абдуллаханов ўзининг маҳалладошларига турли мавзуларда ёзилган тетапоя асарларидан парчалар сахналаштириб намойиш қиларди.

Наманганга ташриф буюрган шоир Элбек (Машриқ Юнусов) билан бўлган учрашув Жонрид Абдуллахановнинг келажак қисматини белгилаб берди. Учрашувда Сўфизода атрофидаги инсонлар ахволдан қисқача ахборот берди. Шундан сўнг бажонидил чой ташиб Жонридга ишора қилиб ёнига чақирди. Мехмоннинг саволларига қайси мактаб, нечанчи синфда ўқиши ва бахолари билан қизиқди. Жонрид ўзининг янги ёзган шеърини ўқиб бергандан сўнг!

- бунинг одам бўладиган-ку, Мухиддинхон – дейди мажнун холда кейин Жонридга уқтирди. Ўқишни битирсанг, албатта Тошкентга бор, таълим олишни ўша ерда давом эттир, хақиқий адабиёт ахлига қўшил, ўрган, улардан мақтов ол, хўпми ўғлим!

Домла Элбекнинг самимий сўзлари Жонрид Абдуллаханов қалбидан чуқур жой олди. Кейинчалик эса шу сўзлар у учун ягона мақсадга айланди.

Уруш охираб бораётган йиллари Жонрид Абдуллаханов ота-онасидан бевақт айрилиб, етим бўлиб қолди. Оғир кечинмаларни бошидан ўтказди. Лекин, Жонрид ҳеч нимага қарамай домла Элбекнинг насихати бўйича Тошкентга қараб яёв йўл олди. Наманганда пиёдалаб йўлга чиқиб, чўл кезиб, тоғлар ошиб пойтахтга етиб келади. Ўн икки ўн уч ёшлардаги юпин кийинган болакай нияти холислигидан биринчи кирган биноси Ўзбекистон радио кўмитаси эди. Бу даргоҳ Жонрид Абдуллаханов учун нафақат уй жойга айланди, балки, унинг ўзи орзу қилган зиёлилардан сабоқ ола бошлади. Унинг йўлда ёзиб келган биринчи асари радиопьеса бўлиб, республиканинг етакчи артистлари ижросини эфирга узатилди. Асардаги бош ролини эса Жонрид Абдуллаханов ўзи ижро этди.

Кўп ўтмай 1954 йили Жонрид Абдуллахановга Ўрта Осиё давлат журналистика қўллийетини битириш бахтига ҳам насиб этди (ҳозирги ЎЗМУ). 1960 йили эса Москвадаги олий адабиёт курсини тугатди. Узок йиллар Ўзбекистон радиоси ва телевидениясида хизмат қилди. У “Йўл”, “Тўфон”, “Орият”, “Борса келмас”, “Хонадон”, “Суикасд”, “Тергов” романлари, “Тулчехра”, “Қайсар қизнинг қиссаси”, “Кўр юрак” қиссалари, “Олов қалблар”, “Янги Гаврош”, “Ғалвир” пьесалари шунингдек, қатор ҳикоялар тўпламлари, болалар учун ёзилган “Мактабдошларим”, “Ватанимни куйлайман”, номли шеърый китоблар ҳамда юзлаб публистик асарларнинг муаллифларидир. Унинг икки жилддан иборат “Сайланма” си ҳам чоп этилган.

Жонрид Абдуллаханов ижодида ҳаётий масалалар ўз бадий илтиқосини топган, уларда китоб ва китобхон, сахна ва томошабин муаммолари кўтарилган. Замондошларнинг маънавий оламини бойитиш, уларни комил инсон руҳида тарбиялаш масалалари тўлақонли ёритилган. Биргина “Борса келмас” романи бундан 25 йил олдин ёзилганига қарамай, ўша маҳаллар Орол денгизи муаммосини кўра биллиб, уни олдини олиш борасида куйиниб асар ёзганлиги фикримиз далилидир.

Севимли ҳамюртимиз, атоқли адиб Жонрид Абдуллаханов 2015 йили Тошкент шаҳрида вафот этди. 1999 йили Президентимиз фармонига мувофиқ “Мехнат шухрати” ордени билан тақдирланган эди.





КАМОЛИДДИН РАХИМОВ (1943-2015)

Наманган шахрининг Сарбода даҳасида дунёга келиб, нафақат овози ва сози, балки ахлоқ-одоби билан эл ардоғига сазовор бўлган хофиз Камолiddин Рахимов миллатимизнинг буюк хофизлари қаторидан ўрин олди. Комилжон Отаниёзов, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон

Узоқов, Таваккал Қодировдан кейин Камолiddин Рахимов. Бу эътироф Ўзбекистон халқ хофизи Қобилжон Юсуповники. Хофиз бу макомга осонгина эришгани йўқ санъат йўлининг сермашаққат давлонларини сабр бардош билан босиб ўтди. Истеъдодли хофиз 1983 йили “Ўзбекистон халқ артисти”, 1999 йили эса у “Эл-юрт хурмати” ордени билан тақдирланди.

Тан олиб айтиш керак Камолiddин аканинг ҳар бир ашуласи халқ кўнглидан чуқур ўрин эгаллаган эди. “Кўчамдан жанон ўтганда”ни эслайсизми? “Айтишим шартмиди” ё “Наргиз”ними, “Кетаман”, “Ажаб жанонасан”, “Қошинга ўсма кўйиб”ни ёки “Ўн саккизда ёр ёши”, “Турналар”, “Тушди савдойи муҳаббат бошим”ними, ҳаммаси аллақачон муҳлисларга ёд бўлиб кетган. Шуниси диққатга сазоворки, у замонавий кўшиқлар билан биргаликда “Ушшоқ”, “Гиря”, “Галдир”, “Баёт”, “Куйгай”, “Ўртаг”, “Наманган тановари” сингари мумтоз ашулаларни ҳасм узига хос услубда ижро этган. Айниқса унинг Навоий, Бобур, Машраб, Махтумқули ва Чустий ғазаллари асосида яратилган ашулалари кўп йиллик ижодий изланишлар маҳсули ҳисобланади. Хофиз истеъдодининг яна бир қирраси, унинг сози маҳорат билан чертишида кўзга ташланади. Торни ўз овозига, услубига мос равишда чалишини радиога эшитган ҳар бир муҳлис уни тинглаб “Камолiddин” деб кўйиши ҳам шундандир.

Камолiddин ака устоз кўрган шогирд эди. У аввалига Ваҳобжон Абдуллаев, Сайидхўжа Холдорхўжаев, Абдурашид Воҳидов, Жамолiddин Холиков, Махмуджон Исомиддиновлардан сабоқ олган бўлса, кейинчалик Фаттоҳон Мамадалиев, Ғуломжон Хожиқулов, Расулқори ва Комилжон Баратовларнинг хонишларини тинглаб ўзига сингдирган. Бўш қолдим дегунча катта ашуллачилик йўлига асос солган, уни халқ орасига олиб кирган устозлар Болтабой Хофиз, Маматбува, Эрка Қори, Жўраҳон Султоновларни қайта-қайта эшитардим – деган эди хофиз.

Хофизимизнинг яна бир диққатга сазовор томони шундаки у санъатни муқаддас даргоҳ деб биладиган, сахнани ҳис қиладиган,

сахнада ўзини тутиш маданияти, ҳаракатлар, либос ва пардозни чуқур тушунадиган ижодкор. Чунки у Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят драма ва комедия театрида актёр бўлиб ишлаган. “Лайли ва Мажнун” спектаклида Домла, “Анвар ила Раъно” мусикали драмасида Қобил, “Бой ила хизматчи”да Холмат, “Сехрли узук”да Камбағал, “Қарокчилар”да Гримм сингари қатор ролларни ижро этган. Каримжон Юлдошев, Маматхон Асқаров, Эркин Қорахонов каби тажрибали режиссёрлар билан ҳамкорлик қилган, устозлардан кўп нарса ўрганган, актёрлар тили билан айтганда сахна чангини ютган санъаткор эди.

Эркин Рўзиматов, Абдулла Шомуродов, Хомиджон Маллабоев, Бокижон Сатторов, Исоқжон Жўрахонов, Баходир Бакиров, Нуриддин Асқаров, Зухриддин Ражабов, Абдуқаххор Шарипов, Олимжон Абдурахмонов, Абдулмажидхон Устабоев, Муҳаммаджон Нуриддинов, Дилфуза Қодирова, Холисхон Турсунова сингари ўнлаб хонандалар хофизнинг шогиртларидир.

Хофиз охириги икки йилда икки бора пойтахтда концерт дастурини халққа тақдим этди. Унинг концерт дастурида “Бир гўзал япроқ узилди, барча киши акробою ҳам кадрдон йиғлади” мисралари билан бошланадиган А.Дехқонов шеъри кўшигини куйлаганда сахна бир қалқиб кетгандай бўлган эди. Улуғ ёшда йигирмадан зиёд кўшиқни жонли ижрода куйлаш минглаб санъат ишқибозларига чексиз хурмати, санъатга бўлган фидоийлиги ва садоқатидан десак адашмаймиз.

... Парда очилди. Сахнага камторона кейинган Камолiddин Рахимов созандалари билан чиқиб келади. У хатто қўлига микрофон олиб томопабинларга қарата бирор сўз ҳам демади. Товозе билан қўлини кўксига кўйиб таъзим қилдида, бирин-кетин кўшиқлар гулдастасини тухфа эта бошлади. Кўшиқлар мавзуси ранг баранг. Унда юксак тараннуми, инсонийликка даъват бор. Айниқса қалблардан чуқур жой олган “Наргиз” кўшиғи янтраганда қарсак устига қарсак ёғилади.

Концерт ниҳоясига етди. Хофиз уни севган ардоқлаган санъатнинг чин шайдоси бўлган инсонларга таъзим қилиб, вазмин қадамлар билан сахнани тарк этди. Бу унинг сахна кўшиқлари, муҳлислари билан видолашуви, хайрлашув кечаси эканлиги кимнинг хаёлига келибди, дейсиз. Хофиз табиатидаги вазминлик, камтаринлик, оддийликни, на шон-шухрат, на олқишлар таъсир этолмаган. Санъатни тақдири деб, яратганининг инояти қолаверса ўзининг бурчи ва вазифаси деб тушунган шахсгина шундай йўллардан боради.

Камолiddин хофиздан кўплаб куй-кўшиқлар, қобил фарзандлар, набиралар, шогирдлар қолди. Хофизнинг дил тортар хонишлари хали шогирдлар тилида янтрайди. Келгуси авлодлар бу маънавий хазинадан узоқ йиллар баҳраманд бўладилар.

ЎРИНБОЙ НУРАЛИЕВ (1942-2012)



Ўзбекистон халқ артисти Ўринбой Нуралиев санъатда ўз саодатини топган атоқли ва ардоқли санъаткорларимиздан эди. Ўзининг сеҳрли сози, янгроқ овози билан халқ хизматида халол меҳнати билан эл-юрт ишончини оқлаб, Намангандай гўзал диёрда яшаб, томошабинлар қалбини забт этди. Ўзбек миллий театр санъатида етук актёр, иктидорли хофиз сифатида шуҳрат қозонди.

Ўринбой Нуралиев 1942 йили Наманган вилоят Наманган туманининг Бешкапа қишлоғида таваллуд топди. Чақалоқ шу қадар йиғлоқи эдики, феъли келса ҳеч нарса қор қилмасди. Тоғаси Даливой ака дутор чалибгина юпата оларди, ҳамма хайрон қоларди. Тоға “Яндоқ” чоғисини қорнига чертиб, хиргойи қиларди. Хуллас арзанда жиянининг тили кўшиқ билан чиқиб, дутор билан кўтарилди, бунга ўша Доливой “маълим” сабабчидир.

Ўринбойнинг ёши ўн учларда эди. Рус тили ўқитувчиси Надежда Сергеевна кино кўргани шаҳарга олиб келди. Намангандаги маданият уйининг ўша пайтдаги директори Мухаммаджон Абдуллаев билан учрашувдан сўнг шу маданият уйига қатнай бошлади. Унинг кўшиқ айтишини бешкапада ҳамма биларди. Аммо шаҳарга қатнаётгани янгитдан овоза бўлиб кетди. Нурали ота Ўринбойни олдиға чақириб шундай деди: “Ўғлим, бизнинг авлоддан артист-партист чиққанмасди. Менга қолса, бошқа бир касбнинг этагини тутганинг маъқул эди. Манави ҳаракатларингга қарши эмасман. Майдонга тушар экансан, астойдил белингни боғла. Артист бўламан десанг майли, фақат зўри бўлгин. Агар бунга ақлинг етмаса...”

Отанинг оқ фотиҳасини олган Ўринбойнинг ишлари яшнаб кетаверди. 1958 йили биринчи кўшиғи Наманган радиоасида илк бор тасмага туширилди. У камтар шеър, Мухаммаджон Мирзаев куй басталаган “Бахт” таронаси эди. Кечаги 10 синфни битирган болани Наманган вилоят театрига таклиф қилишади. Устоз Мухриддин Мансуров синовидан ўтгандан сўнг иш бошлаб юборди. Наманган театрининг жихати юксакликни кўзлаган пайтлар эди. Бунинг устига Ўринбой Нуралиев деган бир бола пайдо бўлибди, унинг хонишларини эшитмабсиз дунёга келмабсиз деган гаплар тарқалади.

1961 йили икки вилоят бирлаштирилди. Наманганлик бир гуруҳ сахнадошлар йириклашган Андижоннинг Охунбобоев номидаги вилоят театри жамоасига кўшилади. Улар қаторида 19 яшар Ўринбойнинг ҳам

Андижондаги ижоди бошланди. Хали хаваскорлик кўчасида улоқиб юрган йигитнинг Ўринбой Нуралиев деган катта санъат дарғасига айланмоғида Андижон адабий ижодий мухитининг алоҳида аҳамияти борлиги бахсталаб эмас. Ўринбой 19 ёшида Намангандан кетиб, 1978 йили (36 ёшида) кимсан Ўринбой Нуралиев деган жангдор ва пони-шуҳрат билан қайтди. Қайтганда ҳам икки қарра олий маълумот олганлиги ҳақида кўш диплом. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони билан аёли Манзураҳон ва тўрт фарзандини шахсий машинасига ўтказиб қайтди.

Андижонда хофизга устозлик қилган Ойсар Иброхимов, Машраб Юнусова ва Аббос Бакировларни умрининг озиригача эслаб, эъзозлаб ўтди. Улардан жуда кўп яхшиликлар кўрди, унди-ўсди, ҳақиқий санъаткор бунёд бўлди. Йигитлик драмасини Андижонга бағишлаган санъаткор, халоллик драмасини Наманганга илдинди. Наманган вилояти театрида вокал артисти, театр директори, халқ ижодиёти илмий-услубий маркази директори, бош мутахассиси, Наманган давлат университетига кафедра мудири вазифаларида ишлади. 2007 йилдан Наманган вилоят давлат театрида драма артисти вазифасида ишлаб келмақда эди.

1991 йили Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазавор бўлди. 2002 йили Ўринбой Нуралиев таваллудининг 60 йиллиги ҳар икки вилоятда ҳам бир-биридан зўрроқ эхтиром ва катта тантаналар билан нишонланди.

Қачонлардир шогирт бўлган атоқли артистнинг бугунги шогиртларини саноғига етиш қийин. Авазбек Махмудов, Юсуфжон Юсупов, Мирзаабдулла Раҳмонов, Нуриддин Исмоилов, Боходир Жўраев, Алижон Тожибоев, Дилфуза Қодирова, Азиза Каримова, Махмуджон Иномов ва ҳаказо. Улардан бири номдор, бошқаси унвондор ҳаммаси Ўринбой Нуралиевга эргашган ва санъатда йўл топган.

Ўринбой Нуралиев театрда актёр сифатида яратган мумтоз ва миллий драматургиямизнинг етук асарларидан Мажнун “Лайли ва Мажнун”, “Фарход ва Ширин”, Равшан “Равшан ва Зулхумор”, Хайдар “Нурхон”, Тохир “Тохир ва Зухра”, Навоий “Алишер Навоий”, Темур “Ипчи фарзанди”, Ғариб “Опик Ғариб ва Шохсанам”, Умар Хайём “Умар Хайём”, Ибн Сино “Ибн Сино”, Машраб “Машраб”, Оппоқ хўжа Эшон “Кўргали келдим” каби маромига етказиб ўйналган юзлаб роллар ўзбек театр санъати тарихидан муносиб ўрин олди. Юкоридаги киёфаларни томошабинларга манзур қилиш учун бор билимини, кўз нуриини, қалб кўрини сарфлади. Бу ўлмас образлар эса катта меҳнат ва истеъдоднинг ёркин самарасидир.

Ўринбой Нуралиев ижросида куйланиб, маънавий мулкимизга айланиб қолган юзлаб қанотли кўшиқлар ўзбек анъанавий ижрочилик санъатида муҳим ўрин тутди. Хофизнинг Навоий, Муқимий, Нодира, Машраб каби мумтоз даҳолар ғазаллари билан айтиладиган ашулалари, Э.Воҳидов, Н.Нарзий, Х.Саъдулла, М.Юсуф ва бошқа атоқли халқ шоирлари шеърларига басталаган кўшиқлари халқ дилига завқ бағишламоқда.

Ўринбой Нуралиев ҳаётнинг пасти баландини яхши билган, ёшларнинг кўнглини топиб гапирадиган, турмушдаги ҳар бир ходисадан ибратли томонларини ажратиб олиб, уларни таълим тарбия манфаати йўлида хизмат қилдира оладиган мохир педагог ҳам эди.

Бетакрор истъод соҳиби Ўринбой Нуралиев 2012 йил 28 июнда 70 ёшида бу дунё билан видолашди. Санъатда ўз мартабасини топган, истъодди олмос қиррали ижодкор, ардоқли устоз ва мураббий, ўзбек мумтоз адабиётининг билимдон ва жонқуяр тарғиботчиси бўлган инсоннинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.



ХОЖИАКБАР АХМЕДОВ (1906-1985)



Аслида заминга боғланмаган соф севи — муҳаббат йўқ нарса. Қалбларнинг бир-бирига интилишидан, бир-бирига ошифталигидан севи-муҳаббат туғилади. Севган одам севилиши, севилган одам севиши керак. Ана шундагина чинаккам муҳаббат пайдо бўлади. Санъаткор билан халқ ўртасидаги муҳаббат ҳам икки томонлама бўлиши керак. Севилган санъаткор халқни улуғлаб юрса, уни дунёдаги ҳеч нарса на бойликка, на шухратга алмашмаса, ундан ортиқ бахт борми? Ўзбекистон халқ хофизи Хожиакбар Ахмедов ана шундай халқ севган хофиз эди.

Бўлажак хофиз Наманган тумани Қоратепа қишлоғида 1906 йили дехкон оиласида туғилди. У ёшлигидан кўшиққа ошно бўлди, севди. Жўралари Жамолқори, Жафархонлар билан бирга ўсди. Бир-биридан илҳомланиб, эл-юртнинг қорига ярадилар, тўй-тантана, байрамлар уларсиз ўтмасди. Улар “Уч қори” деб ном чиқардилар. Бу уч оғайни келармиш дейилса бас, одамлар ўша йиғинга кўпроқ тўпланадиган бўлишди. Ниҳоят жўровоз дўстларни 1934 йили Алишер Навоий номи Наманган вилоят театрига таклиф қилишди. Бир қишлоқ, бир маҳаллада ўсиб катта бўлган уч ўртоқ профессионал санъатга ҳам бирга қабул қилинди.

Мунаққид Абдуғани Абдувалиевнинг “Халқ хофизи” деб номланган мақоласида “Атоқли санъаткор Раззоқ Хамроев уларнинг санъатини тўғри йўлга қўйди. Тобора халққа яқин бўлишга ундади, сахна сирларидан воқиф қилди ва ишониб катта ролларни топширди”. Хожиакбар “Фарход ва Ширин”да Шопур, “Бой ила хизматчи”да Ғофир сингари қийин образларни муваффақиятли яратди. 1938 йили Топкентда колхозчилар қурилтойи муносабати билан ҳамзанинг “Бой ила хизматчи” спектакли сахналаштириладиган бўлди. Жамила ролига Сора Эшонтўраева Ғофир ролига Намангандан Хожиакбар Ахмедов таклиф қилинади. У пойтахтда, улкан санъаткорлар қаршида ўзини йўқотмади, аксинча ролни маҳорат билан ўйнади, спектакл тугагач унинг кучоғини гулларга тўлдиришди.

Катта Фарғона қурилиши ўзбек халқи тарихида ёрқин из қолдирган ходиса саналади. Жасорат ва меҳнат кўриги бўлган бу қурилишда уч оғайни ҳам қатнашиб, кунлик нормаларини ошириб бориб, тушлик ва кечқурун дилрабо кўшиқлари билан доврўғ

таратишди. Бу қурилиш ҳукумат даражасидаги хашар йўли билан 45 кунда битказилган аср қурилиши деб ном олгани учун ҳам ҳукумат раҳбарлари Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов, Абдужаббор Абдурахмоновлар келишди ва катта концерт бўлиб, навбат уч оғайнига келади ва улар Нақшийнинг “Хормангиз”, Чустийнинг “Каналимга келинг” ашулаларини мохирона ижро этишди. Кўшиқ тугагач, майдон қарсақлардан ларзага келди. Халқ “Кетмончи санъаткорлардан бўлсин!” деб хонандаларни қайта – қайта сахнага таклиф қилар, концертни бошқараётган Муҳиддинқори Ёқубов “Уч оғайнига яна навбат берамиз” деб ваъда қилар эди. Концерт охириларида Йўлдош ота сахнага чиқиб, халқдан сўради.

- Ўртоқлар! Мана шу ашулачи меҳнаткаш йигитларни қилган меҳнатлари учун уларнинг номини ҳукуматимизнинг сувда чўкмайдиган, ўтда куймайдиган дафтарига ёзиб қўйсак, токи уларнинг номи тарихда сақланиб қолсин. Буларга сизнинг номингиздан “Ўзбекистон халқ хофиси” унвонини берсак нима дейсизлар?

Халқ Ҳукумат оқсоқолининг сўзларини қувватлади:

- Ҳимматингизга балли, ота!...

Ҳожиакбар Аҳмедов ўз жўравозлари билан Тошкентга таклиф қилинади. Муқимий номли театр ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон бўйлаб иқтидорли санъаткорлар жам бўлишади. Ҳожиакбар бу санъат даргоҳида ранг баранг образлар яратди. “Тоҳир ва Зухра” да Сафар, “Нурхон” да Ҳожи, “Офтобхон” да Дехқон ота, “Равшан ва Зулҳумор” да Гўрўғли, “Ватан ишқи” да Мадумар партизан каби образларни яратди. Образлар яратиш билан бирга “Эй кўнгил” (Навоий), “Суввора” (Муқимий), “Бир қамар” (Фурқат), “Меҳнат ила” (Ҳабибий), “Тасодифингман” (Чустий), “Ўргандим” (А.Пулот), “Ўзингдан кўр” (Ў.Рашид), “Хур диёримга” (П.Мумин) каби кўшиқларни яратди.

Ҳожиакбар Аҳмедов иззат талаб эмас, хокисор инсон эди. У умрининг охиригача халққа хизмат қилиб ўтди. Хофиз 1985 йили Қоратепа кишлоғида вафот этди. Унинг номи мухлислар қалбида абадий сақланади.



РУСТАМ ХАМРАҚУЛОВ (1953-1989)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, ажойиб инсон Рустам Ҳамрақулов рубойидек қисқа, лекин сермазмун умр кўрди. Санъат осмонидан бир чақиндек ялт этдию сўнди. Бу чақин қанчалик қисқа яшаган бўлса шунчалик ёрқин эди.

Рустам қизик... Қайғуси қалбининг ичида, кулгуси лабининг учида турадиган ўзбекнинг меҳр-муҳаббатидан дунёга келган эди. Шу меҳр-муҳаббатга чулғониб дунёдан ўтди. Бу исми тилга олганимизда қувнок, дарёдек беором қалбли санъаткор кўз олдимишга келади. Бу хис туйғу шундай инсон билан ҳамфикр, замондош бўлганимиздандир. Балки, унга табиатнинг энг бебаҳо эҳсони-қувноклик, ҳазилкашлик ва олмос ақл ато этилганига ҳавас қилганимиздандир.

Рустам Ҳамрақулов 1953 йил 10 август куни Поп туманидаги Санглик сувчи, дехқон Иқромжон тоғанинг оиласида дунёга келди. Бу ўғлоннинг юраги атрофдагиларга, иложи борича кўпроқ одамга яхшилик қилиш, мадад бўлиш учун яралган эди, дунё эса уни темир тирноқлар билан қайтиб олди. Рустамжон қишлоқ ахлининг оғир меҳнати ва турмушини кўриб улғайди. Ўзи далада ишлаб суяги қотди. Қалби бу тирноқлар зарбасидан яраланар экан, унинг онгида “Нега, нима учун?” деган саволлар туғилиши, мустабирликнинг ҳар кичик намоёниши одатталаб бу юракчада қаршилик уйғотиши табиийдир.

Рустамжон Тошкентга санъат институтига ўқишга боришга жазм қилиб отасидан руҳсат сўрайди. Эндигина буй чўзиб ёнига кириб қолган ўғлини ёнидан жилдиргиси келмади отанинг. Узоқ тортишувлар, тушунтиришлардан сўнг, “Майли борақолсин, ховуридан тушиб қайтар” деган гапларидан кейин Рустамжон 1970 йили Тошкентга йўл олди. Ўша пайтдаги театр ва рассомчилик санъати институти талабаси бўлиш шарафига эришади.

Ўқиш давомида у ишлашни, ишлаб маза қилишни ўрганди. Тиришқоқлик, захматкашлик, меҳнатсеварликка, меҳнатсеварлик эса йиллар ўтиб фидоийликка айланди. Бу санъаткор ҳам катта ижодкорлар сингари босган ҳар бир қадамини хатти-харакатини олий мақсад-ўзидаги истеъдоди камолга етказиш йўлидаги интилишга бўйсундириб яшади.

Рустамжон Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрига 1974 йили ишга келади. Унинг Насриддин, Хамлет ва бошқа ярашган ўнлаб такрорланмас образлари аския-қизиқчиликлари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Рустамжоннинг томошабинларга бу қадар манзур ва севимли бўлишга сабаб унда романтик кайфият, жўшқинлик юксак иқтидор, ички темперамент кучли бўлганидан деб ўйлаймиз. “Актёрнинг ижоди қанчалик серқирра бўлса, шунча яхши. Шунинг учун ўзини қизиқчилик борасида синаб кўра бошладим. “Монологлар, латифалар айтдим. Қарасам томошабин қабул қиляпти. Шунда кичкинагина латифа билан катта гап айтишим мумкинлигини хис этдим. Заррада қуёш акси, деган гап борку... фақат нишонга қаттиқ уриш халқнинг дилидагини топиб гапириш даркор экан.” У шу йўналишда ижод қилиб элга танилди. Унвонли санъаткор бўлди.

Бунда ижро этган барча аския ва хангомаларнинг маънавий меъросига айлангирди. Унинг кулгуси остида ижтимоий юк бор эди. Инсон нима учун кулаётганини бир зум ўйлаб, сўнг ана шу ҳақда чуқур ўйлаб кўрар эди. Худди шу маънода ижро этган барча қизиқчиликлар маъноси, рухан тарбияланган.

Рустамжон қизиқчиликни ихтиёр қилиб, бел боғлаб йўлга чиққандан то умрининг охиригача ўзидан аввал ўтган халқ қизиқчиларининг ижодий меросини эринмай ўрганди, ижро этар экан бу асарларни ўзининг истеъдоди, ҳаётий ва ижодий тажрибаси билан бойитди. Дастлабки даврларда у собиқ Рахмоний ижоди махсули бўлган “Талтайган”, “Чайковчи”, “Нимага, нима учун?” каби қатра хажвияларини ижро этади. Бора-бора бисотига Саид Ахмад, Анвар Обиджон ва бошқа хажв усталарининг хикоя ва шеърларига кириб кела бошлади.

Рустамжон аслида жуда кўп латифа билар, кейин латифа айтса ҳам, бирор бир қизиқ воқеани, хангомани хикоя қилиб берса ҳам жуда бойитиб, ўзидан кўшиб “бадийлаштириб”, кераклича образга кириб, овоз оханги, ҳаракатларини, юз ифодасини жой-жойига кўйиб маромига етказиб айтарди. Бу айниқса, “Ворислар” ижодий уюшмасига раҳбар бўлиб ўтгандан сўнг кучайди.

Тоғнинг салобатини хис этмоқ учун узокроқдан қараш керак бўлгандек, биз ҳам Рустамжоннинг ижодига назар ташлар эканмиз. У сахнага чиқишларини “Қаддингдан ўргилай кадрдонлар” деб бошлар эди. Ўз халқини беҳад севарди ва унга хизмат қилишни ўзига шараф деб биларди. Ўз ижоди билан абадий барҳаёт образлари билан халқимиз қалбидан чуқур жой олди. Унинг қисқа, лекин мазмунли ҳаёти ва ижоди нафақат вилоятимиз ёшлари, балки, умумсанъатимиз келажаги учун маҳорат мактаби ва илком манбаи бўлиб қолади.

Яхши инсон яшаб ўтди десалар,
Шу ҳам бир хикмат-ку, кетар чоғингда.
Демак, бекор ва бесамар яшамай,
Недир қолдирибсан ҳаёт боғида.





ЭРГАШ МАСАФАЕВ (1943-2006)

Синов аталмиш бу ҳаётда шундай умр йўллари бўладики, бу йўлларда фақат эзгулик, меҳр-мухаббат муҳрланган изларни кўриш мумкин. Таниқли режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Эргаш Масафаев ана шундай ҳаёт соҳибларидан эди. “Театр ишида темир интизом бўлмаса, тинимсиз меҳнат ва машаққат бўлмаса, жиддий бир натижага эришиб бўлмайди. Мен ана шу хикматни ўзимнинг санъатдаги эътиқодим деб биламан. Шу эътиқодимга содиқ қолишга интиламан.”- деган эди. Эргаш Масафаев Гулистон журналининг 1980 йил 4-сонида чоп этилган суҳбатда.

Ҳақиқатдан ҳам у эътиқодига содиқ қолди. Энг оғир дамларда ҳам санъатни ташлаб кетмади. Шон-шухрат кетидан қувмади. Шогирдларига хамиша тўғрилиқ ҳақида сабоқ берди. У иш жараёнида актёрлардан нимаики талаб қилса, ўша нарсани юзага келиши жараёни оддий тил билан, ғоятда содда қилиб тушунтира оларди.

Эргаш Масафаев 1943 йили Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида таваллуд топди. У болалигидан китоб ўқишга қизиқар, келажакда албатга журналист ёки ҳуқуқшунос бўлишни орзу қиларди. Келажакда режиссёр бўлиши унинг ҳаёлига ҳам келмаган, лекин, ҳаёт тасодифларга тўла, тақдир тақазоси билан у режиссуранинг сирли оламига қараб келди.

Санъат институтида режиссура йўналишида таълим олиб, ўқишни аъло баҳоларга битирди. Изланувчан режисёр сифатида санъатга кириб келди. Республика ёш томошабинлар театридаги илк спектакллари “Тошкент нон шаҳри”, “Кутилмаган меҳмон”, “Алёша пешков”, “Ўн саккиз ёшлигим” даёқ унинг номи театр шинавандаларига, мутахассислар тилига тушди.

Эргаш Масафаев 60-йилларнинг ўрталарида ёшлар ҳаётига бағишланган тадбирлар, янги сахна асарлари яратиш ҳаёт тақазосига айланган бир пайтда, ёшлар театри ташкил этиш нияти пайдо бўлди. У ўз атрофига ёшларни йиға бошлади. Бу гуруҳга жипслашган Тўғон Режиматов, Ширин Азизова, Максим Қодиров, Лутфулло Махмудовлар фаол бўлдилар. Туроб Тўла, Раҳим Қориев, Ёнғин Мирзо, Тошпўлат Турсунов, Саид Шермухаммедов каби арбоблар яқиндан кўмак беришди. Ўша даврдаги ҳуқуқат раҳбарлари ёрдамида “Ёш гвардия” деб номланган ёшлар театри ташкил топди. Бу театр 1968 йили 26 октябр куни “Дийдор” спектакли (М.Қаюмов асари) билан очилди. Биринчи

спектакл муваффақиятли ўтгач “Нон, қон ва инсон”, “Бахс”, “Ойдин”, “Ҳазон бўлган баҳор”, “Трибинал”, “Алғов-далғов”, “Беш кунлик кувёв”, “Оқарсувлар”, “Биринчи бўса” каби кўплаб спектакллар томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Орадан бир неча йиллар вақт ўтиб, театр томошаси илк бор Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилояти туманларида ижодий сафарда бўлиб қайтди. Бу сафардан сўнг Эргаш Масафаев билан айрим актёрлар ўртасида англашилмовчилик пайдо бўла бошлади. Сабаби бош режиссёр томонидан қатъий интизом талаб қилина бошлаган эди. Оқибатда, ҳар хил ижодий йўналиш мактабида тахсил олган, ижодий жараён ҳақида турлича тушунчага эга бўлган жамоага ижодий ишнинг нақадар машаққатли бир жараён эканлигини тушунтириб бўлмайди. Оқибатда театр жамоаси аста-секин тарқалиб кетди.

Эргаш Масафаевнинг табиатидаги тўғрисиўзлик, адолатпарварлик, айниқса шогирдларига нисбатан меҳру-мухаббат ишдан кетгандан кейин ҳам сўнмади, тушқунликка тушмади. Аксинча Саид Шермухаммедов ёрдамида “Парвоз” хаваскор театр жамоасини тузди. Умрининг охиригача “Дийдор” театр студиясини бошқариб келди. Маънавийтимиз келажаги ёшлар кўлида эканлигини қалбан, руҳан хис этган Эргаш ака хамиша диққат эътиборини ўсмир ва ёшлар тарбиясига қаратди. Студияда сахналаштирилган “Жингалак соч”, “Меҳр бўлмаса”, “Қахрамонона юмиш излаб юрган қизлар” каби тарбиявий, ахлоқ-одоб борасидаги кўплаб спектакллари билан Республиканинг барча вилоятлари, туманлари ўқувчиларига умрининг охирига қадар намунали хизмат кўрсатиб, ёш авлод тарбиясига ўз хиссасини кўшиб келди.

Эргаш Масафаев ҳаётида бўлиб ўтган бир воқеа ғоятда ибратли. Ёшлар театрини ташкил қилиш ғояси билан ёниб юрган кезларда уни Ўзбекистон Республикасининг Эстония республикасида бўлиб ўтадиган санъат академиясида ўтадиган декада режиссёри этиб тайинлашади. Декада ниҳоятда кўтаринки, юқори даражада ўтади. Болтиқбўйи халқлари орасида ўзбек санъатининг доврўғи кенг тарқалди. Натижада делада ташкилотчилари ва раҳбарларида Эргаш Масафаев шахсига кизиқиш пайдо бўлди. Айниқса, ўша давр раҳбарларидан бири профессор Саид Шермухаммедов “Тила тилагингни ёрдам берамиз”- деганда, Эргаш ака эса ёшлар театрини ташкил этиш нияти борлигини айтади. “Тошкентга боргач менга учрашинг Шароф Рашидов билан маслаҳатлашиб, сизга жавобини айтаман”- дедилар. Келишувга биноан Тошкентда Саид ака билан учрашади. “Шароф Рашидов фикрингизни қўллаб қуватладилар, номи “Ёш гвардия” бўлсин дедилар.” Республика ёшлар театрининг ташкил топиши шундай эди.

Эргаш Масафаев энди орамизда йўк. Унинг режиссёрлик соҳасидаги қирқ йилдан ортиқ фаолияти, театр режиссурасидаги чигал муаммолар, саволлар уни доимо ўйлашга, изланишга янада кўпроқ ўқиб-ўрганишга ундайди. Бу давр ичида ўзини ўйлаб турган, ором бермаган саволларга маълум маънода жавоб топди.

Хамюртимизнинг бундай сермазмун ҳаёти ёшларга ибрат мактаби бўлади десак асло адашмаймиз.



МАХМУДЖОН АШУРМАТОВ (1952-2010)



Истеъдодли мусаввир Махмуджон Ашурматов 1952 йили Наманган вилоятининг Косонсой туманидаги Узун қишлоқда таваллуд топди. Шу қишлоқдаги 21 ўрта мактабни тугатиб, Тошкент давлат театр-рассомчилик санъати олийгоҳидаги “Театр, кино рассоми” ихтисоси бўйича тахсил олди. У олийгоҳда Ўзбекистон таникли рассомлари Ж.Умарбеков, Рифтин, Г.Бримлар кўлида тахсил олди.

1980 йили олий ўқув юртини тугатгач, Косонсой туманида “Бадий рассомлик устахонаси” ташкил этиб, туманнинг маданий ҳаётида, бадий безатиш ишларида фаол қатнашиши билан бирга ранг тасвир соҳаси бўйича ижод қила бошлайди.

Махмуджон 1994-95 йилларда ўз қишлоғида кейинчалик Косонсой шаҳрида ўзининг биринчи кўргазмасини ташкил этади. Шундан сўнг у туман ва вилоят кўргазмаларида ўзининг ижодий ишлари билан қатнашиб, санъат ихлосмандлари қалбини забт эта бошлайди.

1998 йилда бошлаб НамДУ нинг “Тасвирий санъат” кафедрасида ўқитувчилик фаолиятини бошлайди. 100 дан ортиқ тасвирий санъат асарларини яратади. 1999 йилдан бери Ўзбекистон Бадий Академиясининг аъзоси.

Махмуджон Ашурматовнинг “Авлодлар руҳи” (1994), “Умр-боқийлик” (1997), “Ҳаёт дарсининг бошланиши” (1996), “Танҳолик ва гурурлик” (1993) каби асарлари жиддий ва муаммоли мавзуда яратилган. Рассомнинг романтик кайфиятдаги “Мажнун табиат”, “Водий фаршгаси” (2000), “Аёл ва сирли тор пардалари” (2000), “Бадий оқшом”. “Қаро сочин ёйди ой малак” (2000), “Нафосат эгаси”. “Йиғлама Дилором” (2000) каби асарларининг композитсия ечими ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Шоир Хабиб Саъдулла Махмуджонни Узун қишлоқданлигини билиб, сиз нега марказда эмассиз? Сиз албатта шаҳарда яшаб ижод қилишингиз керак?-дея рассомга хайрихоҳлик билдирган эди. У узоқ йиллар НамДУнинг санъатшунослик факультетида бўлажак рассомларга мутахассислик фанларидан дарс бериб келди. Иктидор эгаларига катта эътибор бериб нафосат оламига етаклади.

2006 йили “Энг улуғ, энг азиз” деб номланган Республика кўргазмасида 1-даражали диплом ва қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланди. Шоир Абдулла Орипов, “Тасвирий ойна” ижодий

уюшмаси раиси Исфандиёр Латипов, рассом академик Турсунали Кузиев, рассом академик Жавлон Умарбеков, Ўзбекистон халқ рассоми Мухаммаджон Нуриддиновлар эътиборига тушди.

Махмуджон Ашурматов “Гуллар” номли шахсий кўргазмасини ташкил қилди. Бу орада “Алла” ёки Хабиба Охунова куйлаганда” (2003), “Сафед булон қиссаси” (2007), “Хабиб Саъдулла”, “Икромхон Нажмиддинов” (2007) “Парирўйлар”, “Наманган ширмонлари” каби дурдона асарлари дунёга келди.

Махмуджон Ашурматов оилага вафодор, намунали оила бошлиғи эди. Унинг ҳар бир ишига инжиқлик билан ёндашиши ишга сидқидилдан яратаётган асарини санъат даражасига олиб чиқиш учун бўлган ҳаракатлари билан изоҳланади. Бу эса унинг “Нафосатнинг кўз ёшлари. Йиғлама Дилором” (2000) да тасвирий ифодасини топган. “Зулмат кўйнида бўрилар тўдаси акс этган. Ёвуз, маккор ва бешовқат тўда, нафосатга қарши увиллайди. Скрипка инграб нола қилади. Куй чалаётган нафосат элчиси – Дилором қалбан йиғламоқда.”

Махмуджон Ашурматов гўзалликни бениҳоя севувчи, адолатли турмуш тарафдори. Ҳақиқий одамийликни қадрловчи чин дўст, меҳр ва мухаббатли инсон эди. Унинг асарлари мустақил Ўзбекистон тасвирий санъати ривожига ўз ўрнини топди. Энг муҳими у ўзига раво кўрганларни ўзгаларга ҳам раво кўрарди. Дўстлик у ўзига, энг аввало нафис санъат нафосатини соғинарди. Бошқаларга ҳам шуни юқтирмоқчи бўларди. Зеро, соф санъат нафосати кишини фақат эзгуликка, яхшиликка чорлайди. Шу маънода унинг ижоди махсули бўлган “Тумор” галереяси рассомнинг ўз элига соғинч эзгу амали эди. Бу эзгулик хали ҳам унинг хонадонидла нур таратиб турибди. Бу нурни янада нурафшон айлаш эса, биз санъат ахлининг галдаги вазифамиздир.

Умр сарҳадида бир ёруғ йўл бор,

Кимдир етар унга, кимдир етмайди.

Махмуджоннинг руҳи кезган йўллардан,

Юракларга тушган овоз кетмайди.

Машҳур ҳамургимизни эслаб, Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида санъат бўлимини айланар экансиз, истараси иссиқ, юзида нур ёғилиб турган аёл сурати эътиборингизни тортади. Бу

.....



МАКСИМ ЗОКИРОВ (1938-2015)



Санъаткор бўлиш осонмас узок йиллар назардан тушмай, мухлис меҳри эхтиромини қозониб турли интилиш, ижод ва ҳаётни эплаб яшап эса хар кимга ҳам тан эмас. Шундай бахтга муносиб топилганлар каторида унинг ҳам ўрни бор. Ардоқли санъаткор “Ўзбекистон хизмат кўрсатган артист” Максим Зокиров ибратли ҳаёт кечирди. Куни кеча унинг фожиали халок бўлганини эшитиб қайғу ичида қолдик.

Максим Зокиров ҳақида “Наманган ҳақиқати” газетасида “Актёрлик машаққатлари” номли мақолам босилди (2013 йил 27 март). Шу мақола бахонасида кўп суҳбатлар қилдик театр санъати ҳақида, сахнадошлари ҳақида куйиниб сўзлар эди, ҳаётга бўлган мухаббати, театрни севиши, ҳар бир сўзидан акс этиб турар эди.

Максим аканинг болалиги урушдан кейинги қаҳатчилик йилларига тўғри келди. Оиласи жўжабирдай рўзғор тебратип осон эмасди. Болакайнинг китобга, санъатга бўлган иштиёқи билан қизиқишга ҳеч кимнинг вақти ҳам, рағбати ҳам йўқ. Ўзининг оғир кунларини шеърга солган эди.

Билмаганлар билинг, ўтган кунларни

Очликдан, совуқдан қотган кунларни

Шириликдан бенасиб, шўринг кўрғурлар

Хатто шамчироксиз ўтган кунларни

Тунлар осойишта, нолишлари танг

Бугун халқим обод, эл юрт фаровон.

Шу дамлар кадрига етмоқли учун

Хамиша шукур эт, дилдан сен қувон.

Театр мухлислари орасида “Театр қонида бор” деган гап юради. Мана шу иборани Максим Зокировга нисбатан ҳам бемалол қўллаш мумкин. Унинг олдида “ким бўлсам экан, қаерга ўқишга кирсам экан”- деган савол йўқ эди. У санъат институтида ажойиб устозлардан сабоқ олди. Театрда Карим Йўлдошев, Маматхон Аскарлов, Маматхон Убайдуллаев, Хабиба Охунова, Собир Рахмоний, Онахон Тожибоевалар билан ёнма-ён ишлади. Бу эса унинг актёрлик маҳоратининг ўсишига, камол топишига катта ёрдам берди.

У ёш, қизиқувчан эди. Институтни битирув келиб ғайрат ва шижоат билан ишга киришди. Унинг иқтидори, топқирлиғи у яратган образларда намоён бўлди, тезда тилга тушди.

Максим ака билан бўлган бир суҳбатда 1980 йилларда сахналаштирилган Украин драматурги А.Каломийцнинг “Қаҳри қаттиқ фаришта” спектакли ҳақидаги мунозараларимизни эсладим. Чунки бу асар Максим акага катта муваффақият келтирган эди. Бу томошада у Платон Ангель образини яратиб хаммани лол қолдирган эди. Оила бошлиғи Платон Никитич вазмин, қаттиққўл оила бошлиғи образини меъёрига етказиб ўйнаган эди. Сахна пластикасини яхши эгаллаган Максим ака ҳар бир деталга эътибор берарди. Баъзида кескин, айна пайтда мулойимлик билан буғдой доналарини тераётгандаги қўл ҳаракатига жуда эҳтиёткорлик билан ёндашади. Бу меҳнатда чиниққан ишчи қўллари бўлиб, актёр “қаҳри қаттиқ фаришта” нинг хизматлари Максимака томонидан аниқ гавдалантирганди.

Нима учун сахна баландроқда жойлашган? Фақат томошанинг яхши кўриниши учун эмас, балки бу – сахнадаги актёр сабабли, дунё қараши баландроқ бўлишининг рамзий белгиси, ўшандагина у етакчилик қила олади. Бугуннинг томошабини мутлақо ўзгарган, у фарқлайди. Шу маънода Максим ака ҳақиқат ижодкор эди, у ўзи яратган образларисиз ҳаётини тасаввур эта олмасди.

Ўша машъум автохалокатдан олдинроқ кўчада учрашиб қолдик ва мен “Нима ишлар қиялпсиз?”-деб сўрасам набиралар тарбияси, мутолаа – деди.

-Театрга кам бораман, юрагим сиқилади. Сафдошларим кўз ўнгимдан ўтаверади. Мухиддин Мансуров, Собир Рахмоний, Маматхон Убайдуллаев, Онахон Тожибаева, Хабиба Охунова, Махмуджон Исомиддинов, Ўринбой Нуралиев, Эркинжон Қорахонов, Мирзажон Дадабоев, Камолиддин Рахимов, Муталлиб Аббосов, Каримжон Мансуров, Рустамжон Хамрақулов, Валижон Сайдалиев, Маърифат Қорабоева, Пўлатжон Валиев, Нуриддин Қосимов- хаммаларини охираглари обод бўлсин қандай ажойиб инсонлар эди улар. Афсус, эртарақ кетишди.

Театр пок даргоҳ, унутмагин сен,

Азиз меҳроб билгил остонасини.

Юракдан, ҳар ролни ўйнай олсанг гар,

Сахна, эл чорлайверар ўз боласини.

Максим Зокиров Наманган театри сахнасида 70 дан ортиқ катта-кичик образлар яратди. Уларнинг ҳар бири унинг учун қадрли эди. Образ устида ишлаш, меҳнат ва яна меҳнат М.Зокировнинг табиатига сингиб кетган эди. Қандай ролни ижро этмасин, каттами-кичикми

персонажни ларзага солган қудратни топипга, англашга, унинг дардини, хайратини қалбини ҳис қилишга интилган. Албатта бу хислатлар катта йўл бўсағасида турган ҳар бир ёш актёрлар учун мактабдир.





ЭРКИНЖОН ҚОРАХОНОВ (1938-2014)

Шундай умр йўллари борки, бу йўлларда фақат эзгулик, меҳр-муҳаббат муҳрланган изларни кўриш мумкин. Ана шундай ҳаёт соҳибларидан бири таниқли режиссёр, Наманган вилоят театрида кўп йиллар директорлик мартабасини улуғлаб, кўплаб иқтидор эгаларини тарбиялаб катта санъат ҳаётига учирма қилган мураббий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Эркинжон Қорахонovidир.

Менинг бу инсон ҳақида билганларим оз, билмаганларим кўпроқ. Биз ҳамқишлоқ бўлганлигимиз учунми, санъат оламига бўлган меҳрим туфайлими, бу инсоннинг ибрат бўлса арзутулик ҳаёт йўлига хавас қилардим. Чунки санъат олами улкан китобга ўхшаб кетади. Бу ўзига хос, сирли ва сехрли ижод оламидаги турфа йўналишлар, изланишлар, интилишлар ва янгиликларнинг беназар санъаткорлари эса бу “китоб”нинг нодир ва нузли саҳифалари бўлиб қоладилар. Эркинжон Қорахонovid 1938 йил 25 июлда Наманган вилоят Чортоқ туман Алихон қишлоғида ўқитувчилар оиласида таваллуд топди. Қорахон ака Жамолов Янгиқўрғон тумани қишлоқларида мактаблар очиб, фидоий маъриф ходими бўлган ва Алихондаги ўрта мактабда кўп йиллар ўқитувчи бўлиб ишлаган. Оналари Офтобхон ая ҳам ўқитувчилик касбини улуғлаб ўтишган. Ёш Эркинжон 1957 йили мактабни аъло баҳоларга битириб, Муҳаммаджон Иномов, Муҳаммаджон Исмоилов каби бутун эл орасида обрў-эътибор топган инсонлар билан бирга турли шаҳарларга кетишди. Эркинжон эса Тошкентга йўл олди.

Тоғлар бағрида эндигина кўз очган булоқнинг йўл топиши осон кечмайди. У жилғаларга, дарё ва уммонларга етиб боргунча тошдан-тошга урилиб пишийди, тобланади. Инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топиши ҳам булоққа қиёслаш мумкин. Эркинжон Қорахонovidнинг ҳаёти бунга мисол бўлади. Шу йили Тошкент шаҳридаги Ўрта Осиё палитехника (бугунги Техника университети)га ўқишга кирди. Лекин театр санъатига бўлган кучли хавас бир йил ўтгач Тошкент театр ва рассомчилик санъати институти (хозирги маданият ва санъат институти) да давом эттиришга сабабчи бўлди. Тиришқоқлиги ва билимга чанқоқлиги билан тенгдошлари ҳамда устозларининг назарига тушди.

1963 йили Э.Қорахонovid олий даргохни аъло баҳоларга битириб Тошкент телевидениясига ишга кирди. Телевиденияда ҳам ишга янгиича

ёндашиши ва ижодкорлиги билан устозлар ишончини қозонди. Ўзи институтни кино ва театр актёри мутахассислигини битирган бўлсада, у телевидения режиссёри мутахассислигини ҳам эгаллай бошлади.

Телевидения соҳасидаги ибратли ишлари ва тажрибасини инobatта олиниб, 1964 йилдан Тошкент телевиденияси раҳбариятининг топшириғига биноан Хоразм телевидениясига бош режиссёр вазифасига тайинланди. Эркинжон Қорахонovid ўз фаолиятида телевидения дастурини бир хилликдан воз кечипдан бошлади. Ранг-баранг тус олган кўрсатувлар орада тилга тушди. Айниқса, адабий-бадий кўрсатувлар телевидениянинг обрўинг ошириб юборди. “Хоразм” романи асосида тайёрланган телесериал, “Пахлавон Махмуд” телесериали, “Илон изидан” телесериали ва маҳаллий ёзувчиларнинг энг яхшиларини телеэкранга кўчирди. Шунингдек, “Тил мўйин” ва “Хива менинг ватаним” номли қисқа метражли филмлар ҳам Э.Қорахонovidнинг ижод маҳсули бўлиб Хоразмда катта обрў топди. Ўзбекистон Республикаси “Наштар” ҳажвий кино журналида ҳам танқидий филмлар билан қатнашиб журналистик қобилияти ҳам намойиш қилди.

Э.Қорахонovid 1975 йили Ўзбекистон Маданият вазирлигининг йўлланмаси билан Наманган вилоят Алишер Навоий номидаги мусиқали драма ва комедия театри директори вазифасига тайинланади. Янги иш жойида спортчилар табири билан айтганда иккинчи нафас йўли очилди. Ўша пайтда театрда турғунлик ҳукм сураб эди. Бу зерикарли фаолиятга барҳам берилди. Стационарда спектакллар ўйнала бошланди. “театр кунлари” ташкил этилиб қатор-қатор автобусларда туманлардан томошабинлар келиб спектаклларни кўришарди. Театр олдида “Бугун”, “Тез кунда” кўйиладиган спектакллар афишалари узилмади. Э.Қорахонovid ўзини режиссёрлик ишини ҳам давом эттириб, “Умар Хайём”, “Бой ила хизматчи”, “Коса Маре” сингари кўплаб спектаклларни сахналашгирди. Театрни Республика театрлари орасида яхши театрлар қаторида кўра бошланди.

Эркинжон Қорахонovidга 1981 йили “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони берилиши ҳаммани хурсанд қилди. Бу эл хизматида куйиб-пишиб меҳнат қилган, фаол иқтидор эгасининг фаолиятини эътироф этилиши эди. Турмуш ўртоғи Хоразм гўзали Сакинахон билан икки ўғил, икки қизни вояга етказишди. Ўн иккита набиралар ичида Москва Давлат университетининг талабаси борлиги айни ҳақиқатдир.

1992 йили Наманган вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси қошидаги Илмий-услубий марказ директори, 1993 йилдан 1999 йилгача Наманган шағар маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи бўлиб ишлади. Ўзбекистон журналистлар уюшмасини аъзоси эди.

Эркинжон ака Қорахонов 2014 йили бу дунё билан хайрлашди. Алихондаги Қорахон бува қабристонидан абадий макон топди.

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг санъатга бағишланган бўлимида ўзбек театр санъати учун бутун умрини бағишлаган фидоий бир инсоннинг сурати кўйилган. Наманган театрининг Республикада олдинги ўринларни эгаллаб туришида бу инсоннинг ўз ўрни борлиги айтилиши ҳақиқатдир.



МАЪРИФАТ ҚОРАБОЕВА (1956-1995)



Инсонга Аллоҳ томонидан ато этган истеъдод, унинг том наънода, инсон маънавиятининг таянч сарчашмаларидан бири-санъат даражасига етиши хусусида гапирмоқчимиз, фикрлашмоқчимиз.

Одам боласи асрларки, бу санъатга ошурта, асрларки, унга суянади, ундан куч олади. Шу боис одамларга гўзаллик, хайрат, завқу-шавқ туйғуларини бахш этган санъат соҳиблари ҳамма замонларда ҳам ардоқли, суюқ ва табарруқ бўлишган.

Табиатнинг ўзи ноёб иктидор берган, юрагига санъат ишқини солган ва бу мўжизани ўз ҳаёти деб билган оддий бир қишлоқ қизининг санъаткор даражасигача бўлган ҳаёт йўлини, қисқа бўлсада, мазмунли умр кечирганини, эл хурматига сазовор бўлиб, ялт этиб сўнган юлдуздай санъат осмонида ва халқ дилида мангу қолган хонанда ҳақида ҳар қанча гапирсак оздир.

Маърифат Қорабоева 1956 йили минг йиллик боғлар ўлкаси Янгиқўрғоннинг қадимий Заркент қишлоғида таваллуд топди. Илк "инга"си ота-онасининг қувончида дунёга жар солмоқчидай тиник жаранлаган овоз эгасининг бир кун келиб, элнинг хушхон хофизасига айланишини ким ўйлайди дейсиз? Эҳтимол унинг илк кўшиғи шу "инга"си бўлгандир: "эй борлик, эй боғлар, шодланинг, мен дунёга келдим" дея ўзидан садо бергандир. Шу миттигина чақалоқ қахрамонимиз Маърифат эди. Мактабда ўқиб юрган пайтлардаёқ турли тадбирларда кўшиқ куйлади, сахна асарларида образлар яратди.

Санъатга бўлган қизиқиш уни Янгиқўрғон халқ театрига етаклади. Бу ерда у турмуш ўртоғи, доира устаси деб ном чиқарган Олимжон исмли йигит билан ижод қилди, халқ назарига тушди.

Истеъдодли кишининг хамирига ҳақ таоло томонидан бир чимдим нур ортиқча қўшиб юборилган ҳам рост. Бироқ ўша юк ва мушкул вазифага муносиб бўлиш, содиқ қолиш осон эмас. Одам боласининг шахс сифатида шаклланиши зиддиятларда кечадиган мураккаб жараён. Оила жиловини қўйиб юбормаган холда танлаган соҳасида зафар кучиш, одамлар ўртасида обрў-эътибор топиш ҳазилакам иш эмас. Айниқса, аёл кишига! Яна санъат соҳасида! Бу йўлда кимдир ҳаётини бой беради, кимдир санъаткор сифатида синади. Маърифатга бу борада толе кулиб боқди.

1979 йилда Маърифатни Наманган вилоят мусикали драма ва комедия театрига ишга таклиф қилишди. Вақал артисти сифатида иш

бошлади. Театр жамоаси билан турли спектаклларда образлар ярата бошлади, албатта, тинмай изланди. Театрда актёрлик махорати юзасидан бўладиган машғулотларига мунтазам катнар, театр санъати сирларини тинмай ўзлаштирар эди.

1982 йили Маннон Уйғур номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтига ўқишга кириб, 1986 йили муваффақиятли тамомлади ва жонажон театрига қайтди. Энди у тўлақонли актриса сифатида Зухра, Ширин, Лайли, Нурхон каби бош ролларни махорат билан ижро эта бошлади. У иқтидорли режиссёр Каримжон Йўлдашев раҳбарлигида санъат юлдузидай чарақлай бошлади. Бу қахрамонлар орқали баланд авжли, мураккаб арияларни бемалол уддалаб, машхур устозларга муносиб ворис бўлаётганини яна бир бор исботлади.

Маърифатхон Қорабоевнинг хизматлари муносиб тақдирланиб “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист” фахрий унвони берилди. Бевақт келган касаллик сеvimли санъаткоримизни орамиздан олиб кетди. У 1995 йил 14 июнда вафот этди. Маърифат Қорабоева жуда қисқа 39 йил умр кўрган бўлсада, унинг ижросидаги ўнлаб образлар театр ихлосмандлари қалбидан ўчмайди.

Бутун умрини вужудини, бор куч-ғайратини элу-юртига, сеvimли касбига заррами-зарра, томчимма-томчи сафарбар этиб яшаш ва буни кундалик фаолият мезонига айлантиришнинг олий тимсоли-маънавий жасорат шу эмасми, қадрдонлар!?

Хусниддинхон Шариповнинг “Чоллар ва кампирлар” комедиясида Кандина (1980), Аран Жалотаевна, “Ибн Сино” драмасида Зебунисо (1981), Камил Яшиннинг “Нурхон” мусикали драмасида Кумри (1981), А.Навоийнинг “Фарход ва Ширин” асарида Ширин (1983), Молъернинг “Скапеннинг Найранглари” комедиясида Гиациента (1982), Иброхим Рахимовнинг “Жоним фидо” мусикали драмасида Фазилат (1983), А.Назаровнинг “Истедод фожеаси” драмасида Барно (1984), Равшан Ёриевнинг “Сирли бошок” эртагида Чумоли (1984), А.Жамол “Тўйдаги тутун” Муборак (1983), Абдулла Жабборов “Хиёнат” драмасида Барчин (1982), А.Турсуннинг унитилмас кунлар драмасида Гуласал (1984), С.Иномхўжаевнинг “Инсон қадри” мусикали драмасида Халима (1984), Р.Ёриев ва М.Асқаров “Қорасоч” эртагида Қорасоч (1985), Х.Саъдулла ва Р.Мусаев “Меҳр куёши” драмасида Сарви (1985) роллари билан ўзбек театри тарихида нури из бўлиб, сўнмас хотира бўлиб қолди.



МАНАС ЛЕВИЕВ (1912-1990)



Улуғ ўзбек бастакори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ артисти, икки марта Хамза номидаги давлат мукофоти совриндори, замонавий ўзбек мусикаси ва мумтоз ўзбек балетининг асосчиларидан бири Манас Ловиев 1912 йили 25 июлда Наманган шаҳрида Бухоро яхудийларидан бўлган

Бенямин Мораухаевич ва Блория Шаломовна Левиевлар оиласида дунёга келди.

Отаси тикувчи, онаси уй бекаси бўлган бу оилада 11 фарзанд дунёга келган. Манас уларнинг еттинчиси эди. Уларнинг авлодида санъаткорлар бўлмаган, оила аъзолари дугтор, най, доира чалишни бўларди. Блория Шаломовна ўзбек кўшиқларининг жуда чиройли ижро эгарди. У чойхоналар, бозор майдонларида, тўйларда таниқ хофизларни кўшиқларини соатлаб тинглар, уларни тезда илиб оларди.

1922 йилда Левлевлар оиласи Самарқандга кўчиб кетади. Манас “Турон” номли ўзбек ва 26-сонли тожик-яхудий мактабларида ўқий бошлайди.бу ерда у “Найчилар” ансамблини тузади ва машхур бўлиб кетади. Ўзбекистон халқ артисти Леви Бобохоновнинг назарига тушади ва ёш йигитга мусика билан жиддий шугулланини маслаҳат берди. Уни ака-ука кўшиқчилар Топмасовлар, Муллақандовлар, Тамбурчи Мулдахал Бараевлар билла таништиришади.

1930 йилда Самарқанд мусика ва хореография илмий тадқиқот институтида Мухтор Ашрафий, Мугал Бурхонов, Толибжон Содиков каби келажакнинг буюк бастакорлари билан бирга талаба бўлиш, мусиканинг сеҳрли сирларини эгаллашга эришади. Уни энди мусикадан ажратиб бўлмасди. 1933 йилда Мусорский номидаги Ленинград мусика техникумига ўқишга боради. Бу ерда Чойковский, Бетховин асарлари билан танишади. Уларнинг мусикаларини кўзда ёш билан тинглайди. Консерваториянинг бастакорлик бўлишига ўқишга қабул қилинади.

Иккинчи жахон уруши бошлангач, консерваториянинг кўплаб турк болалари қатори Манас ҳам устозларининг эътирозларига қарамай кўнгилли бўлиб фронтга кетади ва 265-пулемёт баталионида жанг қилади. Аммо тезда ярадор бўлиб, Тошкентга жўнатилади. Госпиталда унинг “Ленинград учун” биринчи харбий кўшиғи туғилади. Тошкентда унинг таланти янада сайқалланади. У Ғофур Ғулом, Абдулла Қаххор, Хамид Олимжон, Комил Яшинлар билан ҳамкорликда ватанпарварлик ва лирик кўшиқларни яратди. “Жалолиддин” драмасига куй басталади.

Бастакорнинг 11-сахна асарига 12 спектаклга, 7 кинофилмга ёзган катта кўшиқларида миллий рух уфуриб туради.

Композитор яратган асарларнинг ҳаётийлиги, уларнинг бой рақс ва кўшиқчилик санъати анъаналари билан суғорилганлиги сабабли ҳам кишининг оханграбодек тортиш кучига эга. Шунинг учун ҳам улар 50-60 йилдан буён халқимиз қалбидаги жой олган. “Мафтунингман”, “Ўтган кунлар”, “Махаллада дув-дув гап”, “Ёр-ёр” филмлари “Шохи сўзана”, “Тошболта ошиқ”, “Хамза”, “Мирзо Улуғбек” каби кўплаб спектаклларга ёзилган куй ва кўшиқлари қанчалик машхур ва манзур бўлганини барчамиз яхши биламиз. Ойнинг тўртинчи кунда (1399 йил 10 май) Амир Темур масжид учун пойтахтнинг энг яхши жойини танлади. Машхур усталар ва меъморлар бу улкан иморатнинг лойиҳасини туздилар ва энг саодатли дақиқада унинг пойдеворини қура бошладилар деб ёзиб қолдирган.

Масжиднинг умумий сахни 167x109 м бўлиб, бурчаклари таги бузиб юборилган миноралар қайта тикланган. Ховли сахнига мрамар тош тахталар ётқизилган. Ховли ўртасида Улуғбек фармонига биноан XV аср ўрталарида мрамар тошдан ясалган улкан лавҳ ўрнатилган. Жоме масжид пештоқи маҳобатли бўлиб, ўртасида кенглиги 18,8 метрли равоқ мавжуд. Кўштабоқли дарвоза етти хил темир қотишмасидан ясалган. Масжид гумбазининг доира асосли сиртига муқаддас Қуръон оятлари битилган бўлиб, гумбаз орқасида каминлар билан пардозланган.

Муқаддас қадамжоларнинг ҳаммасини таъриф тавсифини қилиш учун бир-икки мақола етмасов. Шундай бўлсада Самарқанд вилоят ўлкашунослик музейи ҳақида икки оғиз сўз айтмоқчиман.

Музей Самарқанд шаҳрининг марказида XX асрнинг бошларида архитектор Э.О.Нелло лойиҳасига асосан, тарихий шарқ ва ғарб меъморчилиги, уйғунлашган ҳолда қурилган саройда жойлашган.

1984 йилда бу бинода вилоят музейи ташкил этилган. Музей биносининг биринчи қавати тарих бўлими экепозицияси жойлашган бўлиб, сайёҳларни ўлканинг қадимий давридан бошлаб, XX асрнинг бошларигача бўлган тарих билан таништиради. Бинонинг иккинчи қаватида табиат бўлими жойлашган. Табиат бўлими меҳмонларни ўлканинг бой табиий ресурслари, хилма хил ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси билан ошно этади. Музейда “ўлка яхудийлари кеча ва бугуни” номли кўргазма ҳам мавжуд. Бу кўргазмадан XIX-XX асрнинг кўзга кўринган фотосуратчини В.Котовскийнинг олган расмлари ва яхудийлар диний китоблари, кийим-кечаклари ва бошқа ашёлар ҳам бизда катта қизиқиш уйғотди.

Тўғриси айтганда, таъсуротлари сўз билан ифодалашга ожизман дейди музей катта илмий ходими Розия Пўлатова – Зиёрат тadbирлари хар биримизни, айниқса ёшларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга, қандай буюк аждодларининг авлодлари эканимизни теран хис қилишга, уларга муносиб авлод бўлиш масъулиятини чуқур англашга хизмат қилади.



АХМАДЖОН ЖАББОРОВ (1925-2018)



Ахмаджон Жабборов Наманганлик ҳамюртимиз Ўзбекистон санъат арбоби, Ўзбекистон давлат консерваториясининг профессори, иккинчи жаҳон уриши биринчи гуруҳ ногирони.

Муסיқий маданиятимизнинг йирик намоёндаларидан бири, муסיқашунос олим А.Жабборов узок йиллар давомида педагогик илмий-

тарғибот ва жамоатчилик фаолияти билан республикамизнинг замонавий муסיқий санъатининг ривожланиш жараёнига самарали хисса қўшган камтар инсон эди.

Профессор Ахмаджон Жабборов 1925 йили Наманган шаҳрида зиёли оилада таваллуд топди. Ўтган асрнинг 30-йиллари Наманганда Ғофурқори домлани танимаган одам кам топиларди. Қуръони каримни ўргатиши, эътиқоди, эл орасидаги хурмат-эътибори учун мустабид тизим химоячилари Ғофур қорини “халқ душмани” деган тамға билан сургун қилди. Ўн беш ёшида Қуръони каримни хатм қилган катта ўғли Абдулхамид отасининг ишени давом эттира бошлади. Лекин босмахонада ишлайдиган бир рус, бири татар кадрдонлари: “сен ҳам қора рўйхатга тушиб қолдинг, эрта индин қамалиб кетишинг мумкин” деб хабар етказишгач, Абдулхамид ҳам 1929 йили бир кечада оиласини ташлаб, Қашқарга қочиб кетишга мажбур бўлади. Ўшанда унинг катта ўғли Ахмаджон тўрт яшар бола эди...

Онаси ҳам касалликдан вафот этгач, Ахмаджон бувисининг қарамоғида қолади. У воқеаларни эслолмайди, аммо тўққиз ёшида тенгдошлари қатори иштиёқ, интилиш билан мактабга боганида бошидан кечирганлари ҳеч эсидан чиқмайди. Ўқитувчи “Бобонг, отанг халқ душмани, чиқ синфдан совет мактабида ўқишга ҳаққинг йўк!”-деб синифдан чиқариб юборгани умрининг охиригача ёдида сақлади. Унга мактаб эшиклари ёпилган эди. Неварасининг ўқишини чин дилдан хохла-да, бувининг қўли калта, уни тинглайдиган одам йўк. Шунда... рус қўшнилари Ахмаджонни қизлари Оля билан рус мактабига топшириб келди. 1936 йили уй бекаси қизи билан Ахмаджонни Наманганда очилган муסיқа мактабига олиб борди. Уруш арафасида 48 – муסיқа мактабининг 7-синфни битирган эди.

1943 йилнинг ёзида уйдан чиққанича, 1950 йил кузигача ҳарбийда, аскарликда юрди. Украина, Болгария, Руминия, Венгрия, Чехисловакиядаги жангларда пулемётчи бўлиб қатнашди. Ғалабани Прагада қарши олди. Кейин Гобби чўллари, кичик ва катта Хинган

толлари этакларидан ўтиб, Магъчжурияда Японларнинг Квантун армиясига қарши жангларда қатнашти – бу маълумотлар айтишга осон холос, болалигидан анча-мунча иссиқ-совуқни бошидан кечирган Ахмаджоннинг иродаси, эзуликни ёвузлик устидан ғалаба қозонишига ишончи, сафдошларига самимий дўстлиги уларнинг оқибатлилигини қўллаб қувватлади. Озод қилинган шахару қишлоқлар ахлининг сўзда таърифлаб бўлмас. Қувончлари, миннатдорчилиги аскарларга энг катта мукофот эди. Одамларнинг жонсиз таналари, дарё бўлиб оққан қон, тилкапора бўлиб кетган вужудлар орасида умри ўтиб, ниҳоят 1950 йили 3 сентябрда уйига қайтиб келди.

Кўрсатган жасоратлари учун 24 тадан ортиқ орден ва медаллар билан мукофотланган эди. Унинг қулоғи остида ҳамон эшитилиб турган снарядлар, портлаган бомбалар ва автоматларнинг товуши чекиниб, шўх шодон болаларнинг, сайраётган қушларнинг, яллаларнинг овозини эшитарди. Тинчлик сасидан беихтиёр лаблари пичирлайди, шукрона келтиради. У иккинчи жаҳон урушининг 1-гуруҳ ногирони сифатида Ўзбекистон давлат Консерваториясида узок йиллар меҳнат қилди. Ўзбекистон санъат арбоби, профессор даражасига етди.

Ахмаджон Жабборов умрининг охиригача педагогик илмий-тарғибот ва жамоатчилик фаолияти билан республикамизнинг замонавий муסיқий санъатининг ривожланиши жараёнига самарали хисса қўшди. У 1965, 1971, 1987 йилларда Ўзбекистон композитор (бастакор)лар уюшмасининг хайъат раиси ва 1975-1980 йилларда Ўзбекистон Олий Советинингдепутати бўлди ва 1965-1994 йилга қадар Ўзбекистон Давлат муסיқа кўмитаси аъзоси сифатида фаолият курсатди. Ўзбек ва рус тилларида 300 дан ортиқ илмий мақолалар ва китоблар, рус тилида “Композиторы и музыковеды Узбекистана” (1975), “Узбекская музыкальная драма и комедия” (1981, Москва), “Манас Левиев” (монограмма 1988 г), “Шоҳида Шоимардонова” (монография, 2008 й), ўзбек тилида “Муסיқали драма ва комедия жанрлари ўзбек композиторларининг ижодиётида” (2000 йил), “Ўзбекистон бастакорлари ва муסיқашунослари” (тазкирия 2004 й), “XX аср ўзбек муסיқаси тарихи” (икки томли қулъзма 2004 й) каби китобларни ёзди. У жанговор орден ва медаллардан ташқари мустақил Ўзбекистоннинг “Эл-юрт хурмати” ордени ва “жасорат” медалли билан тақдирланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фармони билан хажга юборилганлар орасида Ахмаджон ака ҳам бор эдилар.

- “*Ха, юртбошимиз, ҳукуратимиз томонидан иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хаж амалини бажаришлари учун беғул*

имконият берилиши шарофати нафақат менинг балки падари бузрукворимнинг ҳам армонлари ушалди” деб айтган эдилар, Ахмаджон ака билан хаждан кейинги бир суҳбатда.

Ахмаджон Хамидович Жабборов 1918 йил 12 ноябрда Наманганда оламдан ўтдилар. Бу олийжаноб инсоннинг хаёти ёшларга ибрат мактабидир, охиратлари обод бўлсин.



ХАЙДАРАЛИ УСМОНОВ (1960-1915)



Нафақат вилоятимиз балки мамлакатимиз сарҳадларидан ҳам нарида машхур бўлган мусаввир Хайдарали Усмонов 1960 йили Наманган тумани Ирвадон кичик қишлоғида таваллуд топган. У болалигидан рангларга ошно бўлди. Ижоди мактаб пайтларидан бошланиб, қатор журналларда ижодий ишлари босилган. Хайдарали мактабни тугатгач, Республика тасвирий санъат мактабида, сўнгра Тошкентдаги Маннон Уйғур номли театр-рассомчилик олийгоҳида тахсил олган. 1987 йили Наманган бадиий фондида рассом бўлиб ишлай бошлади. 1988 йили эса Ўзбекистон рассомчилик уюшмасининг Наманган вилоят бўлимига раис этиб тайинланади. У рангтасвир санъатининг портрет, натюрморт, манзара ва маиший жанрларида ижод қилди. Унинг ижодий ишлари республикамизда ва кўплаб хорижий давлатларда намойиш этилган. Рассомнинг “Совчилар”, “Кутиш”, “Ёш она” триптихи Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи экспонатларининг ноёб асарлари қаторида туради.

Мусаввирнинг “Совчилар” асари 1987 йили яратилган. Ўзбек халқининг қадриятларидан бири бўлган бу удум мусаввир қалами билан хақиқий кўриниш топган. Қизни куёвга узатишдан аввал, куёв бўлмиш йигитнинг ота-онаси, қариндош уруғлари, касби-корини суриштириб кўришади. Шу билан бирга қиз томонни ҳам йигит томон яхшилаб ўрганади. Шундан кейин эса қиз томонга совчи жўнатилади. Асарда қиз ховлисига совчи келган пайт тасвирланган. Деразадан ташқарида совчиликка келган аёллар, ичкарида панада қиз уялиб турибди. Ўзбегимнинг бундай қадриятлари ҳеч бир давлатда, ҳеч бир миллатда учрамайди. Махалла, унинг халқимиз турмушидаги мавқеини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Махалла ҳақида бирор давлатда бунчалик катта аҳамият касб этилиши кузатилмаган. Ўзбек миллатининг буюклиги ҳам шунда бўлса ажабмас.

Рассомнинг “Кутиш” асари ҳам 1987 йилда яратилган. Деразадан ташқарига қараб хаёл суриб турган келинчак тасвирланган. Аёл яқинда она бўлиши ҳақида ўйлаб, хаёлга сўмган. У нималарни ўйлапти, тўғиладиган фарзанди жамият учун керакли, ақилли, билимли, соғлом йигит бўлиб ўлғайишиними? ёки ажойиб Ватан химоячиси бўлишиними? Зулфияxonимдек Хамид Олимжон қўлида тушган сони

кўтариб, унинг ишларини давомчиси бўлишиними? У нима хақида ўйламасин барибир томошабинда илиқ таасурот қолдиради. Чунки у мустақил Ватан учун етук бир инсонни дунёга келтираётганидан мамнунлиги кўриниб турибди.

“Турмуш ўртоғим” картинаси ҳам 1987 йили яратилган. Асарда истараси иссиқ, бошида қизил румол, эғнида бежирим кўйлақ, тиззасида чой ушлаб, ёнидаги бешикда гўдак ухлаб ётибди. Деразадан табиатнинг ажойиб манзараси, дарахтлар, кўм-кўк дарахт барглари тасвирланган. Мусаввир бугунги осуда ҳаётимизни, бу дориламон кунларга етиш учун орзу қилган мустақиллигимизни сақлаб қолиш учун, ривожлантириш учун, хаттоки жон фидо қилишга тайёр турган ёшларимиз борлигидан фахрланамиз. Манашу туйғулар хиссиётлар беихтиёр томошабин қалбига кўчади. Бахтиёр оналаримиз сиймосида Ватан тимсолини кўрамиз. Буюк оналик абадий мавзу бўлиб, мусаввирнинг ажойиб композиция яратиши, вилоят тасвирий санъати ҳаётида катта маданий воқеа бўлгани шубҳасиз.

Ажойиб рассом, иқтидор эгаси Хайдарали Усмонов оғир хасталик туфайли 2015 йили дунёни тарк этди. Ундан ёдгорлик бўлиб, унинг шухрати, узоқ асрларга элтувчи фарзандлари ва асарлари қолди. Охиратингиз обод бўлсин.



МАЪРУФХОН ОРИПОВ (1950-2018)



Кўшиқчилик санъати сув ва хаводан зарурлигини инсоният ҳеч қайси даврда унутган эмас. Кўшиқ унинг доимий ҳамроҳи. Кўшиқ ва мусиқанинг бетимсол қуввати одамзодни доимо эзгуликка даъват этиб келган. “Авесто” китобидаги мадҳиялар ҳам кўшиқ шаклида ижро қилинган. “Қуръони Карим” – Расулulloҳга овоз ва оханг орқали нозил бўлган. Шу

сабабли унинг оятларини кироатли, кўшнафас овоз билан тиловат қилиш Аллоҳ каломининг таъсирчанлигини оширган. Азонни юқори пардаларда чиройли овозда айтиш Хазрати Биолдан қолганлиги маълум. Одамизот маълум бир эътиқодни ўзига, ўзгаларга қудратли сўз, гўзал оханг орқали сингдирган ва ундан ўзи таъсирланган. Бизга гўзаллик, хайратланиш ва завқланиш туйғусини бергани учун санъат соҳибларини ҳамиша кадрлашимиз керак.

Санъаткор бўлиш осонмас. Узоқ йиллар назардан тушмай мухлислар меҳр-эҳтиромини қозониб туриш – инчунун. Ижод ва ҳаётни эплаб яшаш эса қийин. Шундай бахтга муносиб топилганлар каторида хофиз Маъруфхон Ориповнинг алоҳида ўрни бор.

Маъруфхон Орипов 1950 йили Чуст туманининг бахово Ғова қишлоғида таваллуд топди. У ёшлигидан санъатга меҳр кўйди. Найсиз найни, ғижжаксиз ғижжакни оғзида сайратиб юборарди. Кўп ўтмай мактабдаги мусиқа муаллими Раҳмонжон домла ҳам “созанда” бола иқтидорини пайқаб етди. Энди унинг наволари рубобга кўчди. Ўқуви баландлигидан “Андижон полкаси” ва “Хоразм лазгиси” ни тезда ўзлаштирди. Устози тенгдошларини даврага-ўйинга чорлади. Мактаб сахнасининг кўзга кўринган созандасига айланиб борди. 1968 йили Наманган санъат билим юртига ўқишга кирди.

Маъруфхондаги мусиқа ижрочилигига кўшиқ ижрочилигининг кўшилиши гўё уни кўшқанотли қушдай санъат осмонида юксак парвозларга шайланаётгандай юрак ютиб, чўчимай катта сахналарга чиқа бошлайди.

Маъруфхон хофиз ёшлигидан қизиқувчлиги, сермушоҳадалиги билан ажралиб турарди. Тенгқурлари қолиб, нуқул ўзидан катгарок, билимлироқ, тажрибалироқ болалар билан ўртоқ бўлгиси келарди. Бу хусусият уни улғайтунига ва ундан кейин ҳам тарк этмади. Доим олиму фузоллар даврасига ошиқди, суҳбати, ўғитларидан баҳраманд бўлди, тажриба орттирди. Халқ эътиборида бўлган хофиз ва шоирлар Камолиддин Рахимов, Ўринбой Нуралиев, Маъмуржон Тўхтасинов,

Абдуқаххор Гаффоров (охиратлари обод бўлсин) Хабиб Садулла, Зиёвиддин Мансуров, Саидхўжа Холдорхўжаевлардан фотиҳа олган Маъруфхон Орипов бир мақсад сари интилувчи санъаткор бўлиб етишди. У дилларни, элларнинг сарҳадини кўшиқ билан забт этди. Мумтоз мусиқий маросимиз, ўзбек бастакорлари асарларининг моҳир ижрочисига айланди ва ўзи ҳам баҳоли қудрат кўшиқлар яратди. Унинг ўктам овози, хонадалик маҳорати, кўшиқчилик санъатига бўлган садоқати тахсинга лойиқ. Юзлаб мумтоз ва замонавий кўшиқларни меёрига етказиб ижро этди. Бу катта истеъдод эгасининг ўнлаб кўшиқлари Ўзбекистон радиоси ва телевидиниясида оханграбо тасмаларга муҳрланган. Хофизнинг ўнлаб шогирдлари унинг шуларини давом эттиришмоқда.

Маъруфхон Орипов катта ижро кучига эга эди. Кишига афсуски, бир бор умр берилган. Шу боисдан ҳаёт бизни кўплаб ишларни амалга ошириш имконидан маҳрум этади. Маъруфхон балки катта олим бўлиши катта бир заводга раҳбарлик қилиши, ажойиб деҳқон бўлиб етишиши мумкин эди. Қаерда бўлмасин, барибир камтар инсонлигича қоларди. Чунки унинг ўзи шундай тарбияланган. У узок йиллар Тўрақўрғонда “Дилшод” ашула ва рақс ансамблида, туман маданият бўлимида раҳбар бўлиб ишлайди. Кейинчалик эса Наманган санъат коллежида дарс берди, мураббий эди. Қирқ беш йил унинг қўлларида чанг чўпи ўйнади, тилларидан кўшиқ тушмади. Тор, дутор, танбур каби созлар Ватан сарҳадларидан ҳам нарида хофизга обрў ва эътибор келтиради. Атрофидан ёшлар аримади. Улар ихлосини қозониш ҳам бир санъат-да.

Хофиз она юртига тотув оиласига, дўстларига, меҳр-муҳаббати, мусиқа, кўшиқчиликка, шеъриятга ошуфталиги, камсукум, мулойимлиги билан дўстлари ва ҳамкасблари доирасида хурмат қозонган эди. Ҳар бир ижодкорнинг кадр-қиммати эзгулик йўлида сидқидилдан қилган машаққати аммо хузурбахш меҳнати, яратган кўшиқлари, тарбиялаган шогирдлари, санъатга ва оиласига муносабати орқали белгиланади. Маъруфхон хофизнинг фаолияти ёшлар учун ғоят ибратлидир.

Бир марта бериладиган умр аталмиш бебаҳо неъматнинг ҳар оини имкон қадар эзгу амалларга бағишламизга интилдим ва ҳеч қачон камлик кўрмадим, - деган эди хофиз мамнунлик билан.

Унинг айтган ҳар бир кўшиғи дурдона эди. Не бахтки, бу нодир дурдона уни куйлаётган хофиздан кейин ҳам абадий яшаб қолади! Олам одамига муҳаббат, ҳақнинг ғалабасига ишонч, саховат, меҳр ҳақида тугалмас сўзини айтаверади.

Демак аждодлар тафаккури шодасидан олиб, сайқаллаб авлодлар тафаккурларига элтувчи санъаткор умри ҳам туганмасдир, боқийдир.





ЭРКИНЖОН МИРЗААЛИЕВ (1951-2015)

Таниқли олим, тарих фанлари номзоди, доцент Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи жонкуяри, садоқатли дўст Эркинжон Мирзаалиев 2015 йили вафот этди. У ўзининг хушчақчақлиги, софдиллиги, меҳнаткаш олим сифатида ёдимизда қолди.

Умр мазмуни – умримиз изида таралган нурдир. Бу нур сўз нури бўлса, бир дилдан таралиб, минг дилни нурлантиради. Бу нур хикмат ва ҳақиқат, гўзаллик ва муҳаббат нури бўлса, кўнгиллар кўшиқда офтобмисол порлайди.

Эркинжон Мизаалиев 1951 йили Наманган вилоятининг Чортоқ шаҳрида оддий хизматчи оиласида туғилди. У ёшлигидан серсавол, билимга чанқоқ бўлиб етишди. У Наманган Давлат педагогика институти ҳозирги НамДУда, Тошкент Давлат маданият институтининг Наманган вилоят филиалида ўқитувчи, НамДУ қошидаги “Бизнес мактаби” директори вазифаларида ишлади. 2004 йилдан умрининг охиригача Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида фаолият юритди. Бу мозий дарсхонасида кўп ишлар қилишга улгурди. Янгилликни тез илғаши, билим доирасининг кенглиги, ишга бўлган масъулияти билан ҳамкасблар орасида катта хурматга сазовор эди. “Ахсикент”, “Нанайнома ёхуд мозийга назар”, “Чодак тарихи, тафсифи ва васфи”, “Наманган вилояти улкани ўрганиш музейи: кеча ва бугун”, “Сизни унутмоқ осонмас, отажон” каби йигирмадан ортиқ китоблар, республика оммавий ахборот воситаларида 200дан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирган эди.

Хотира уйғонса гўзал, деган ибора кўнглимизни ёритади. Аммо мана шу гўзал хотирани уйғотувчи соҳиб ўзининг эзгу ишлари билан дилларни забт этган бўлса-чи? Уни ўзимиздан айро тасаввур қилолмаймиз. Чунки у ўз тиниқ кўзгуси билан ҳамиша қаршимизда.

Эркинжонни эсласам, руҳимга бир илиқлик югуради. У қалби тоза, вазиятга қараб товланавермайдиган, хушчақчақ, мустақил фикрлайдиган, хушмуомалали олим эди. Аввалги йили фарзанди вафот этганда каттиқ қайғурди. “Ота-она ўлмоқ мерос” деган ақида бор халқимизда. Аммо, фарзанд доғи.... Тоғни чўктирувчи чинорни чўп қилувчи азоб... бу азобларни ҳам бошидан ўтказди. У иродали, дардга чидамли инсон эди.

Эркинжон ўлимни олдиндан сезгандай шошилди. Охирги икки йилда олти китобнашр эттирди. Улуғларимиз “Истеъдод – инсонга

эмас, ўзгаларни бахтиёр қилиш учун берилади” – деганлар. Эркинжондек истеъдодли инсонлари бор халқ ҳамиша ғурур ва ифтихор билан яшайди.

Бешафқат ўлим 2015 йилнинг баҳорида Эркинжон Мирзаалиевни селдай келиб елдай олиб кетди. У “оҳ” дейишга ҳам улгурмади. У ўлимни кулиб кутиб олди. Яхши номи, беғубор кулгулари, самимияти, ўнлаб китоблари билан музей жамоасининг кўнглини равшан қилиб турадиган хотирага айланди.

Сенинг порлоқ хотиранг қалбимиз тўрида саклангусидир, Эркинжон!





МИРЖАЛОЛ ШАХОДАТОВ
(1958-2019)

*Кимгаки ёр этса илм ва хунар,
Ўзи жим турса ҳам илми гапирар.
Шайх Саъдий*

Ўрта асрларда Ғарбий Оврўпада санъат турлари юқори даражада ривожланган. Шундай бир санъат турига рухонийлар “саводсиз кишига диний китоб” деб таъриф берганлар. Бу санъат тури хайкалтарошлик эди. Хайкалтарошлик тасвирий санъатнинг энг қадимий, энг таъсирчан, боқий аниқ ўлчовлар асосида хажмли қилиб яратиладиган туридир.

Албатта, санъатнинг бу тури ижодкордан истеъдод ва маҳорат билан бирга катта меҳнат талаб қилади. Бинобарин бу йўналишда мукамал асар яратиш, ўзига хос услуб муаллифига айланиш хар кимга ҳам насиб қилавермайди.

Миржалол Шаходатов ана шундай шарафга муяссар бўлган вилоятимиздаги устоз хайкалтарошлардан бири эди. У Ўзбекистон Бадий Академияси, Ўзбекистон хунармандлар уюшмаси аъзоси, “Олий ва ўрта махсус таълим фидойиси”, “Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги” кўкрак нишони совриндори каби мартабаларга сазовор бўлган ижодкор эди.

Миржалол Шаходатов 1958 йили Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги Беговот қишлоғида таваллуд топди. Мактабда аъло баҳоларга ўқиди. Тошкент шаҳридаги махсус мусиқа ва рассомчилик мактаб интернатига 1969 йили ўқишга кириб 1975 йили бу махсус мактабни хайкалтарошлик ихтисоси бўйича битирди.

Миржалол харбий хизматдан сўнг Тошкент политехника олийгоҳининг архитектура, Низомий номли Тошкент педагогика университетининг “Бадий графика” факультетини тугатди. У хайкалтарошликнинг маҳобатли ва дастгоҳли турлари бўйича мутахассис бўлиб етишди. Дастгоҳли хайкаллар асосан музей кўргазма залларига, бинолар интерьерлари учун ишланиб, хажми кичикроқ ҳолатда хайкалтарошлик дастгоҳида ишланади. Маҳобатли хайкаллар асосан кўча, майдон, биноларнинг олдида, фасадига мўлжаллаб катта ўлчам ҳажмда яратилади.

Мустақиллик йилларида хайкалтарошлик мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Мамлакатимиз ва халқимизнинг илмий-амалий салоҳиятини кўрсатишда тарихимиз, давлатчилигимиз, қадимий

анъаналаримизни қайта тиклашда хайкалтарошлик усталари фидойилик ва қахрамонлик кўрсатдилар. Ижодининг айна гуллаган даври мустақиллик йилларига тўғри келган Миржалол Шаходатов ўзбек миллий хайкалтарошлиги ривожига муносиб ҳисса қўшди. У яратган хайкаллар шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Буюк мутафаккир Алишер Навоий, “Генерал Собир Рахимов”, “Байналминалчи жангчи”, “Қахрамон Дали Сатторов”, “Меҳнат қахрамони А.Турдиев”, “Мингбулок нефти”, “Алладин” маҳобатли қабарик хайкалтарошлик композицияси, Наманган шаҳрида “Кичкинтой” боғидаги туркум хайкалтарошлик ишлари, Поромон қишлоғидаги “Бахтиёр она” маҳобатли хайкалтарошлик иши ҳамда “Илми нужум”, “Боқий илдишлар” каби ўнлаб рангтасвир ишлари эътиборга молик. Бу асарларда қахрамонларнинг мураккаб ҳаракатлари, рухий ҳолати, фақат ўзига хос иш услуби орқали очиб берилган.

Миржалол Шаходатов мурожаат қилган мавзулар, яратган қиёфалар халқимиз тарихига дахлдордир. Хайкалтарош сифатида ана шундай эл эътиборига тушган шахслар сиймосини яратиш ўзи катта бахт. У қахрамонларнинг рухий оламини очишга интилади. У ҳеч бир мавзуга шунчаки мурожаат қилмайди. Юраги “жиз” этса, яратган унинг қалбига илҳом солса, оғрикли мавзулар уни ижод қилишга ундайди. Шу туфайли хайкалтарош яратган асарлари хар қандай томошабин эътиборини жалб этади. Мулоҳаза юритишга чорлайди.

Хайкалтарошнинг рамзий йўналишдаги асарлари ҳам унинг бой ижодий фантазияси, пластик ҳаракатларни моҳирона тасвирлай олишидан далолат беради. Наманган шаҳрининг “Кичкинтой” боғидаги турли хил хайкалтарошлик ишлари фикримиз далилидир. У кўп ўқийди, ўз устида ишлайди. Устозларнинг мусаввирлик маҳорати бир олам илҳом беради.

Миржалол Шаходатов 2000-2007 йиллар давомида НамДУнинг “Тасвирий санъат” кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, профессор вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлади. Ўнлаб илмий мақолалар, услубий ва ўқув қўлланмалари яратди. У бағрикенг, шогирдларига ғамхўр, меҳрибон инсон эди. Унинг устахонасига кирсангиз албатта бирор шогирди билан ижод устида учратасиз. Унинг кучли шахматчи эканлиги бир томон-у, нозик таъб меҳнатсеварлиги, мақсад сари дадил олға бориши бир томон эканлигини эътироф этиш керак.

Комил ишонч билан таъкидлаш жоизки, Миржалол ўзининг ижодий салоҳиятини намоён этиб улгурмаган ёшда эди. Баркамоллик чўққисида нафосат ихлосмандлари муҳаббатини қозонмоқ учун янада юксақроқ манзилларни кўзлаб турган эди. Охирги иш жойи Наманган

шахар қурилиш ва дизайн касб хунар коллежи очилиб ўқитувчи вазифасида фаолият юритаётган эди.

Миржалол Шаходатов 2019 йили автохалокат туфайли халок бўлди. Унинг ўлмас хотираси кадрдонлари қалбида абадий яшайди.



МАХМУДЖОН ДАДАБОЕВ (1947-2019)



Мусикачи, педагог, бастакор, хонанда ва болалар шоири. Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси аъзоси, 60 дан зиёд мусиқий ва шеърлий асарлар яратиб кетган ажойиб дўст, истеъдодли инсон эди. У кўпроқ мусиқий асарларини ўзининг ёзган шеърларига басталаб, болалар учун мазмундор ва жозибали асарлар яратган. “Онажони”, “Онажоним, Сиз менинг..”, “Ўзбекистон”, “Она диёр мадҳи”, “Ўзбекистон мустақил”, “Ассалом мактаб”, “Истиклол кўшиғи” каби ўнлаб мусика асарларини ўзи ёзган шеърларга басталаган. Бу кўшиқлар аллақачон болаларнинг севимли кўшиқларига айланиб кетган. Бу асарлар болалар боғчаси дастурларига ва бошланғич синф дарсликларига киритилиб, мусика ўқитувчилари томонидан болажонларга ўргатилмоқда.

Махмуджон Дадабоев 1947 йили Наманган шаҳрида машхур созанда ва хонанда Мухаммаджон Дадабоев хонадониди таваллуд топди. Тўнғич ўғил Махмуджон 1954 йили умумтаълим мактабига ўқишга борди. Ёш Махмуджон мактабда аъло ўқиш билан бирга санъатга меҳри бошқача эди. У бадий хаваскорлик тўғараги фаол иштирокчиси эди. У дастлаб устозларидан доира чалишни ўрганади. Кейинроқ эса рубобни ҳам яхши чаладиган бўлиб, мактабда машхур бўлиб кетди. Кўплаб кўрик-танловларда қатнашиб ғолиб бўлди.

Армия сафидан қайтгач 1971 йилда Наманган давлат мусика билим юртини Халқ чоғу асбоблари бўлимида рубоб чоғусидан сабоқ олди. Устози Жамолхон Хасанов ўша даврнинг таниқли созандаси эди. 1986 йили Наманган педагогика институтининг бошланғич таълим ўқитувчиси дипломига сазовор бўлди. Шундан кейин узоқ йиллар Наманган мактабгача тарбия билим юртида мусика таълими ўқитувчиси бўлиб ишлади.

Маълумки, мактабгача таълим билим юртида болалар боғчаси учун тарбиячилар ва мусика раҳбарлари таёрланади. Шу сабабли бўлса керак бастакор-шоир болалар мусикаси ва шеърлиги билан шуғулланиб, болалар руҳиятни обдон ўргангандан кейин ўзгача бир завқ билан болажонларга хос куй ва шеърлар ижод қилишга киришди. У истиклол йилларида жуда кўп шеърлий ва мусиқий асарлар яратди. У саккизта ўқув методик қўлланма китобларини катта тиражда нашр эттирди. “Кичкинтойлар учун кўшиқлар” 1994 йил, “Куйланг булбуллар” 1998 йил, “Кичкинтой ва миллий мусика” (методик қўлланма) 1999 йил, “Хур

юртимни куйлайман” 2000 йил, “Оҳангларда қалб садоси” 2002 йил, “Онам меҳризисси” 2008 йил, “Қўшиқларда Ватан мадҳи” 2008 йил, “Мадҳингни куйлайман Ватан” каби китоблар ва юзга яқин мусиқий асарлари ва мақолалари республика газета ва журналларида чоп этилди. Унинг кўплаб шогирдлари “Зулфия” давлат мукофоти сохибларидир.

Бастакор-шоир Махмуджон аканинг самарали ижодий меҳнатлари ҳукуматимиз эътиборидан четда қолмади. 1995 йили “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси”, 2004 йили “Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус касб-хунар таълими аълочиси” кўкрак нишонлари билан тақдирланди. 2002 йили унинг мусиқа санъати соҳасидаги илмий-методик ва ижодий ишларини ҳисобга олиб, Олий аттестация комиссияси хайъати томонидан “Доцент” илмий унвонига сазовор бўлди.

Мен болалар шоири ва бастакори Махмуджон Дадабоев ижодий ишларини яқин 30 йилдан бери кузатиб келаман. У жуда серқиррали ва истеъдодли ижодкор эди. Унинг болалар учун ёзган шеърлари худди оҳанг билан бирга яралгандай содда, раvon ва мазмундорлиги билан болалар юрагини тўлқинлантиради. Менимча, шу тарафи билан бошқа шоирлар ижодидан ажралиб туради.

Шоир Ватан, ота-она, тинчлик, меҳр-оқибатга доир шундай мавзуларни ўйлаб топадики, ҳаммаси бир-бирдан маъноли, тарбиявий аҳамиятга эга мавзулардир. Бу шеърлар худди болаларнинг юрагида мавжланиб шоирнинг қаламига кўчгандай туюлади. Бундай кишиларни улуг устозларимиз “чор қиррали ижодкор” деб бежиз айтишмаган. Бунинг маъноси ўзи шеър ёзади, ўзи куй яратади, ўзи куйлайди ва шогирдларига ўргатади. Истеъдодли болаларни излаб топиб, уларга озодлик руҳидаги қўшиқларни ўргатиб, радио, телевиденияда намойиш эттирди.

Махмуджон Дадабоев 2019 йили Наманган шаҳрида вафот этди. Унинг эзгу ишлари шогирдлари, дўстлари, мухлислари қалбида абадий яшайди.



МУНДАРИЖА:

Сўнмас юлдузлар ёғдуси.....	3
Мария Кузнецова.....	5
Муҳаммаджон Дўстмухаммедов.....	7
Жамолхонкори Ғиёсов.....	9
Мукаррама Азизова.....	10
Сорахоним Эшонтўраева.....	15
Муталлиб Аббосов.....	18
Жўраҳон Раҳимов.....	20
Абдулла Файзуллаев.....	22
Хабиба Охунова.....	24
Эргаш Йўлдошев.....	27
Хасан Султонов.....	30
Собир Раҳмоний.....	32
Мирзажон Дадабоев.....	34
Эътиборхон Қўзибоева.....	37
Абдурашид Воҳидов.....	39
Уста Рўзиматхон Исабоев.....	41
Маърифат Убайдуллаева.....	44
Набижон Муҳаммедов.....	46
Турсунхон Жаъфарова.....	48
Ваҳобжон Абдуллаев.....	50
Онаҳон Тожибоева.....	52
Каримжон Мансуров.....	54
Мухриддин Холиқов.....	56
Хусниддин Холиқов.....	58
Машрабхон Боқихонов.....	60
Валижон Сайдалиев.....	62
Муҳаммаджон Иномов.....	64
Махмуджон Исомиддинов.....	66
Маматхон Убайдуллаев.....	68
Жонрид Абдуллахонов.....	70
Қамолиддин Раҳимов.....	72
Ўринбой Нуралиев.....	74
Ҳожиакбар Аҳмедов.....	77
Рустам Ҳамракулов.....	79
Эргаш Масафаев.....	82
Махмуджон Ашурматов.....	85
Максим Зокиров.....	87
Эркинжон Қорахонов.....	90

Маърифат Қорабоева.....	93
Манас Левиёв.....	95
Ахмаджон Жабборов.....	98
Хайдарали Усмонов.....	101
Маъруфхон Орипов.....	103
Эркинжон Мирзаалиёв.....	106
Миржалол Шаходатов.....	107
Махмуджон Дадабоев.....	111

АЛИЖОН АЗИЗОВ

СЎНМАС ЮЛДУЗЛАР

Мухаррир: Алижон Азизов
Тех.муҳаррир: Муҳаммадхон Пўлатов
Дизайнер: Ҳасанхон Масаидов

2021 йилнинг август ойида теришга берилди.
 2021 йил 23 августда босишга рухсат этилди.
 Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 12 босма табоқ.
 Адади 135. Буюртма № 6736.
 Баҳоси келишилган нарҳда.

«ЗАКОВАТ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ босмаҳонасида офсет
 усулида босилди.

Манзил: Косонсой шаҳри, «Чорбоғ» кўчаси, 17-уй